Mashhur alloma Abul Muhammad ibn Anush Husiyriy Abu Lays Samarqandiyning fiqhshunoslik ilmiga yuksak baho beradi: “U hayoti davomida hanafiy mazhabining mashhur namoyondasi, faqih Muhammad ash-Shayboniyning asarini mukammal o’rganadi. Uning yutuqlarini ulug’lab fiqh sohasida yangiliklar yaratdi. Dinning hanafiy mazhabida ulug’ faqihga aylandi” deb yozadi. [5]

Abu Lays Samarqandiy qoldirgan boy ma’naviy me’ros nafaqat yurtimiz ma’naviy dunyosi balki butun Islom olami uchun beqiyos manbadir. Buyuk imom

o'zining asarlari orqali haqiqiy komil inson, ma'naviyat sohibi qandoq bo'lishi kerakligini tasvirlab ketgandek go'yo.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR:

1. Al-Faqih Abu Lays As-Samarqandiy, "Tanbehul-g'ofiliyn", I kitob, "Movorounnahr", Toshkent, 2003.
2. Markaziy Osiyo mutafakkirlari. O'zbekiston Respublikasi Fan va texnologiyalarni rivojlantirish qo'mitasi, Toshkent islom universiteti, "YANGI NASHR", 2011.
3. Islom Ensiklopediyasi, "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" davlat ilmiy nashriyoti, 2004. Zuhridin Husniddinov tahriri ostida.
4. Al-Faqih Abu-Lays As-Samarqandiy, "Tafsirul Qur'on", O'zbekiston Respublikasi Sharqshunoslik institutining qo'lyozmalar fondi, Qo'lyozma nusxasi.
5. Abul Muhammad ibn Anush Husiyriy, "Hodiy Husiyriy" asaridan
6. Islom.ziyouz.com, forum.ziyouz.com
7. Nazirov, B. S. (2020). Master who devoted his life to sports. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), 78-82.

Toshtemirova Laziza, Shodiyeva Surayyo
Qashqadaryo viloyati Koson tumanidagi
15-maktab o'qituvchilari
(Koson, Uzbekistan)

ALISHER NAVOIY VA SULTON HUSAYN BOYQARONING O'ZBEK TILI MAVQEYINI KO'TARISH BORASIDAGI HAMKORLIKLARI

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Alisher Navoiy o'z asarlarini turkiy tilda yozib, bu tilni adabiy til darajasiga ko'tarishdagi sa'y-harakatlari hamda bu zodga har tomonlama yordam bergan Husayn Boyqaro davridagi adabiy til haqida so'z yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *o'zbek tili, hamkorlik, "Muhokamatn ul-lug'atayn", chog'ishtirma tilshunoslik, kontrastiv lingvistika, "yuz lafz", "so'z mulkining sohibqironi"*

Dunyodagi har bir millat o'z tilining istiqboli uchun doimo g'amxo'rlik qiladi. Jumladan, mamlakatimizda ham davlat tili maqomiga ega bo'lgan o'zbek tilining ravnaqi uchun har bir inson mas'uldir. Bu borada O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A. Karimovning "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asaridagi quyidagi fikrlarni qayd etish o'rinlidir: "Biz ajdodlardan avlodlarga o'tib kelayotgan bebaho boylikning vorislari sifatida ona tilimizni asrab-avaylashimiz, uni boyitish, nufuzini yanada oshirish ustida doimiy ishlashimiz zarur".

O'zbek adabiy tilining rivoji Alisher Navoiy nomi bilan bog'liqdir. U eski o'zbek adabiy tilining keng imkoniyatlaridan foydalangan holda ajoyib asarlar yaratibgina qolmasdan, bu tilni ilmiy jihatdan chuqur tadqiq qiluvchi „Muhokamatn ul-lug'atayn“ nomli yirik ilmiy asar ham yozdi va unda o'zbek tilining boshqa tillardan hech ham kam emasligini ishonarli misollar bilan isbotlab berdi. Bugungi kunda o'zbek tilini jahon miqyosiga olib chiqish jarayonida qanday nazariy va amaliy ishlar amalga oshirilayotgan bo'lsa, XV asrda, ya'ni Navoiy davrida hukmdor bo'lgan Sulton Husayn Boyqaro ham xuddi shunday ishlarni amalga oshirgan. Natijada mana shu ikki buyuk siymo o'rtasidagi munosabat tufayli o'zbek tili o'z mavqeyini oshirib, adabiy til darajasigacha yetgan.

Manbalarda ta'kidlanishicha, Navoiy davrida arab, fors, turk tillari iste'molda bo'lgan. Lekin ularga munosabat turlicha bo'lgan: ilmiy asarlar arab tilida, badiiy adabiyot fors tilida, turk tili esa turkiy xalqlar orasidagina muomalada bo'lgan oddiy, ko'cha tili edi, xalos. Bunday hol, ya'ni o'z ona tiliga bo'lgan e'tiborsizlikka Alisher Navoiy befarq qaray olmadi. Mana shu tariqa "Muhokamat ul lug'atayn" asari yaratildi. Ayni paytda asar ikki tilning chog'ishtirma grammatikasi hisoblanadi. Muallifning ushbu asari maydonga kelishi bilan jahon tilshunosligida ham chog'ishtirma (kontrastiv) lingvistika paydo bo'ldi. Afsuski, yaqingacha kontrastiv lingvistika tilshunoslik sohasida XIX asrda paydo bo'lgan deb, ta'rif berib kelinari edi, lekin tilshunos olimlarimizning sa'y – harakatlari bilan bunday noaniqlikka chek qo'yildi. Asarda turkiy-o'zbek va fors-tojik tillarini qiyosiy o'rganish vositasida turkiy-o'zbek tilining sharqda mashhur bo'lgan arab va fors-tojik tillari darajasidagi mavqeyi haqida so'z yuritiladi hamda ulardan, xususan, fors-tojik tilidan farq qiluvchi xususiyatlari turli xildagi ko'pgina misollar, jumladan, "yuz lafz" (yuzta so'z)ni keltirib,

talqin qilish bilan isbotlanadi. Bu ma'no Alisher Navoiyning quyidagicha yozganlarida ham o'z ifodasini topgan: "Bu yuz lafzdurki, g'arib maqosid adosida tayin qilibdurlarki, hech qaysi uchun sort tilida lafz yasamaydurlarki, barchasi muhtojun ilayhdurki, takallum chog'ida kishi anga muhtoj bo'lur. Ko'pi andoqdurki aslo aning mazmunin tafhim qilmoq bo'lmas..." [2; 4]

Navoiyning, "yuz lafz"ining ba'zilar umumiy, birlashtiruvchi, sememasi bilan bir paradigmani hosil qilsa ham, lekin paradigma a'zolarining har qaysisini muayyan farqlovchi sememaga ham ega ekanligini ko'rsatadi. Masalan, *ingramoq*, *singramoq*, *o'kirmoq*, *inchkirmoq*, *yig'lamoq* so'zlari "yig'lamoq" birlashtiruvchi sememasi bilan bir paradigmaga mansub bo'lsa ham, lekin ularning har qaysisi yig'lashning xilma-xil ko'rinishlarini ifodalaydi. Bir-biridan yig'lash darajasi bilan farqlanadi. Ushbu fe'llarga badiiy asarlardan misollar keltiradi: "*yig'lamsinmoq* mazmunidaki, turk mundaq debdurki":

Zohid ishqin desaki, qilg'ay fosh,

Yig'lamsinuru ko'ziga kelmas yosh. [5]

Yig'lamsinmoqqa "dard bilan yashirin ohista yig'lash" belgisi bilan farq qiluvchi *ingramoq* va *singramoqni* zid qo'yadi:

Istasam davr ahlidin ishqingni pinhon aylamak,

Kechalar gah ingramakdur odatim, gah singramak.

Siqtamoq fe'lini *yig'lamoqqa* zid qo'yar ekan, shoir "yig'lash" darajasi yig'lamoqqa nisbatan kuchliroq ekanligini ta'kidlaydi:

Ul oyki, kula-kula qirog'latti meni,

Yig'latti meni demayki, siqtatti meni.

O'kurmak "kuchli ovoz bilan haddan ortiq hayajonli" yig'i ekanligi bilan boshqalardan farq qilishini ko'rsatadi:

Ishim tog' uzra har yon ashk selobini surmakdur.

Firoq oshubidin hardam bulut yanglig' o'kurmakdur.

Bu so'zning forsiyda yo'qligini alohida aytib o'tadi: "Chun *o'kurmak* muqobalasida forsiy tilda lafz yo'qtur, forsiygo'y shoir muningdek g'arib mazmun adosidin mahrumdur".

Inchkirmoq "inchka un bilan yig'lash" sememasi bilan boshqalardan farqlanishini qayd etadi: "Yana yig'lamoqning o'kurmaki muqobalasida *inchkirmak* dag'i bor va ul inchka un bila yig'lamoqdur va ul turk lafzida bu nav' tarkib bila ado topibdurkim,"

Charx zulmidaki, bo'g'zumni qirib yig'larmen,

Igirur charx (urar) inchkirib yig'larmen.

Yana hoy-hoy yig'lamoq lafzi ham borligi va u boshqa paradigma a'zolaridan farqli belgiga ega ekanligini bayon qiladi:

Navoiy, ul gul uchun hoy-hoy yig'lama ko'p,

Kihhe deguncha ne gulbun, ne g'uncha, ne gul bor.

Alisher Navoiy o'zbek tilining boyligini ko'rsatgani holda, ayrim hollarda o'zbek tilidagi so'zlarning badiiy-estetik rolini ko'rsatib, ularni aynan fors tiliga tarjima qilish mumkin emasligini isbotlaydi va bu bilan ham turk tilining go'zal tomonlarini ochishga harakat qiladi. Shoir sinonimik uya tarkibidagi so'zlarning o'ziga xos farqlovchi ma'nolarini topar ekan, leksemaning semantik tuzilishining uzviy tahliliga yaqin bo'lgan uslubdan foydalanadi: "Va uluq qardosh va kichik qardoshni ikkalasin "birodar" derlar va turklar ulug'ni - "og'a" va kichikni "ini" derlar, va alar ulug', kichik

qiz qardoshni ham “xohar” derlar. Va bular ulug’ni - “egachi” va kichikni “singil” derlar. Va bular otaning og’a-inisin “opag’a” derlar”.

“Muhokamat ul-lug’atayn”da faqat qiyosiy tilshunoslik masalalaridan so’z yuritilgan emas, balki unda til tarixi, o’zbek adabiyoti tarixi, she’riy janr (tuyuq), va badiiy san’atlar (iyhom, tajnis, tarse’), fors-tojik adabiyoti namoyandalari asarlari va o’zi (Alisher Navoiy)ning ijodiga doir qimmatbaho mulohazalar ham mavjud. Alisher Navoiy tilshunoslikning bir qator sohalarifonetika, morfemika, so’z yasalishi, morfologiya, sintaksis kabi masalalar yuzasidan chuqur ma’lumotlar berdi.

Alisher Navoiyning qayd qilishicha, turkiy til va turkiy tildagi adabiyot tarixi o’zaro chambarchas bog’liqdir. Shuning uchun asarda Hulokuxon, Amir Temur, Shohrux mirzo hamda Sulton Husayn Boyqaro zamonlarida turkiy tilning rivojlangani tufayli turkiy she’riyatning mavlono Sakkokiy, Haydar Xorazmiy, Atoyi, Muqimiy, Amiriy, Yaqiniy, Gadoyi, Mavlono Lutfiy, Husayniy va o’zi (Alisher Navoiy) kabi zabardast siymolari maydonga kelganligini alohida mamnuniyat bilan aytib o’tadi. Shuning bilan birga bu jarayonning Sulton Husayn Boyqaro tomonidan qo’llab-quvvatlanishi tufayli yanada rivojlanganligi ta’kidlanadi. Bundan tashqari hazrat zo’r qoniqlik bilan Husayn Boyqaroning qadimgi o’zbek tilining taqdiri masalasi yuzasidan amalga oshirgan tadbirlarini qayd qiladi. Bu Husayn Boyqaroning xalq oldidagi katta xizmati edi. Ma’lumki, o’sha davrlarda ba’zi “mo’tabar” doiralar nazarida o’zbek tili tahqirlangan edi va bu tilda ijod qilish qalam ahlilarining qobiliyatsizligini ko’rsatuvchi alomat deb qaralar edi. Arab va fors tillari rasmiy, hukmron til bo’lib, Navoiy ta’biri bilan aytganda, “turkiy til”ga e’tibor berilmas, u kamsitilar edi. Ana shunday bir davrda Husayn Boyqaro adabiy majlislarda o’zbek tilida ijod etish uchun maxsus topshiriq va amrlar beradiki, bu narsa o’sha davrda katta siyosiy, madaniy va ijtimoiy ahamiyatga molik edi: “... iltifot va ehtirom yuzidin ba’zi ma’nilar topib nazm qilurg’a hukmlar ham joriy bo’ldi va so’z uslubig’a ta’yinlar va adosig’a ta’limlar ham izhore bo’ldi”.

Husayniyning yetuk she’rlariga Navoiy yuksak baho beradi. Bunda ayniqsa uning o’zbek tilida yozganligini alohida qayd qiladi: “Va o’z sharif tab va latif zihnlaridin dog’i, agarchi ham forsiy demakka qodir va ham turkcha aytmoqqa mohir erdi, ammo asli tab’ iqtizosi va shoyi’ takallum munosabati adosi bila turkiy devon tadvinig’a mayl qildilar va dulpazir ab’ytot va benazir g’azaliyot tartib berdilar...” [22]

Husayn Boyqaro qo’lidan kelganicha, davr, sharoit imkon berganicha, mamlakatda ilm-ma’rifatni, madaniyatni taraqqiy ettirishga intildi. Zahiriddin Muhammad Bobur tili bilan aytganda: «*Sulton Husayn Mirzoning zamoni ajab zamona edi, ahli fazl va benazir eldin Xuroson, bataxis Hiri shahri mamlu edi. Har kishiningkim, bir ishga mashg’ullug’i bor erdi, himmati va g’arazi ul erdikim, ul ishni kamolg’a tegurgay*» (8).

Shuni ham alohida qayd qilish lozimki, yuqorida qisman aytilganidek, Navoiy va Husayn Boyqaro oralaridagi badiiy san’atkorlik yuzasidan bo’lgan munosabat hech qachon va hech bir masalada bir taraflama bo’lgan emas. Aksincha, Husayn Boyqaro ham Navoiyni ko’klarga ko’tarib, behad madh etadiki, bunda u tamomila haqli edi. Masalan, Husayn Boyqaro o’zining mashhur “Risola”sida forsiy tilda ijod qilgan shoirlarni sanab o’tar ekan, navbat turkiy tilga kelganda shoirlar bu tilda ijod qilmaganiga afsuslanadi, ammo ushbu o’rinda Alisher Navoiyni hurmat bilan tilga oladi: “Lekin ma’nolarning bokira tanasiga (ishlatilmagan nozik ma’nolarga) hech kishi turkona libos kiydirmagandi (turkiy tilda yozmagandi) va o’sha nozaninlarni bu

zebo kiyim bilan jamolini namoyon qilishgacha olib kelmagandi va bu mushk hidli ra'nolar yalang'ochlikda panada qolganlar va bu hurdek zebolar kiyimsizlikdan yuzlarini namoyish qila olmaganlar bu baxtli zamon va muborak davronda bu (men) bechoraning (kichikligimdan birga bo'lib) ko'kaldoshlik qadrdonligigacha yetgan, saroyda xizmat qilish maslagidan suhbatdoshlik asosini kasb etgan, haram kaptaridek xilvatdagi podshoh chodirida sirdosh do'st, may idishidek kechki suhbatda hamdam, haq so'zni aytishda qo'rqmas, ya'ni Mir Alisher "aslahallohu shonahu" kim, "Navoiy" taxallusi bilan (el orasida) mashhur bo'lgan va she'rlarida bu taxallusni qo'llaydi, (u) Turk tilining o'lgan jasadiga Masih nafasi bilan jon kirgizdi, bu ruhni topganlar turkiy so'z o'rish- arqog'idan to'qilgan kiyim va yengil ko'ylak kiydirdi. So'ngra uning "Xamsa" yaratishdagi yuksak mahoratiga to'xtalib o'tadi. Navoiy bilan o'zi o'rtdasidagi do'stlikni katta mamnuniyat bilan e'tirof etadiki, buni Navoiy ham "Muhokamatul-lug'atayn" asarida alohida qoniqish bilan tilga oladi.

Husayn Boyqaro Alisher Navoiyni "so'z mulkining sohibqironi" deb, uning ijodini juda yuksak baholaydi:

Erur so'z mulkining kishvarsitoni,
Qayu kishvarsitoni xisrav nishoni.
Dema Xisravnishonkim, qahramoni
Erur gar chin desang sohibqironi.

ADABIYOTLAR:

1. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ, 20 томлик, 13-том, Тошкент, Фан, 1997.
2. Алишер Навоий. Муҳокамат ул луғатайн. Мезон ул-авзон... Муножот ва бошқалар. МАТ, 20 томлик, 16-том, Тошкент, Фан, 2000.
3. Abdug'afurov Abdurashid. "Risolai Husayn Boyqaro"ning yaratilish tarixidan // O'TA, 1972, 3-son. -15-22 b.
4. Valixojayev B. Sulton Nusayn Boyqaro - Husayniy she'riyati. - Samarqand: SamDU nashri, 2000. - B. 81.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: "Шарқ" нашриёти, 2002. -335 б.
6. Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро. –Тошкент: Шарқ нашриёти, 1995. -160 б.

**Бебитов Мақсуд Абдирасулович,
Мамаражабов Бобир Нормўмин ўгли
Денов табиркорлик ва педагогика институти
(Денов, Ўзбекистан)**

ХОРАЗМ ВОҲАСИ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОР АҲОЛИСИНING ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада қадимги Хоразм воҳаси унинг тарихи, ҳудудда олиб борилган археологик қазилма ишлари, шунингдек бу ҳудудда яшаган аҳолининг машғулоти ва дафн маросимлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Хоразм, Сарикамиш, Андроново, Сакарчага, Жанубий Тагискен, Уйгарак

Annotation: This article tells about the history of the ancient Khorezm oasis, archeological excavations in the area, as well as the training and burial of the people living in the area

Keys words: Khorezm, Sariqamish, Andronovo, Sakarchaga, South Tagisken, Uygarak

Хоразм воҳаси Ўрта Осиё цивилизациясининг қадимги марказларидан биридир. Воҳа археологик ёдгорликларининг ўрганилиши XX асрнинг 30-йилларида бошланиб, тадқиқотлар ҳозиргача давом этмоқда. Қадимги Хоразм тарихига оид илмий маълумотларнинг кенгайиб бориши, кўп йиллар давомида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг мазмунмоҳиятини очиб бериш, долзарб мавзуларга тегишли археологик маълумотлардан тарихий манба сифатида фойдаланиш ва уларни тарихий нуқтаи назардан таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади. 1946 йилдан бошлаб, кўчманчи чорвадор сақлар ва Хоразм воҳаси муносабатларининг тадқиқ этиш зарурияти туфайли Шарқий Оролбўйида Қуйи Сирдарёнинг қадимий Инкардарё ўзани соҳилларида кашф этилган кўчманчиларнинг мазор кўрғонларини ўрганиш катта аҳамият касб этди. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида С.П. Толстов ва Хоразм археологик экспедицияси ходимлари томонидан Хоразм ва кўчманчи сақлар алоқаларининг асосий хусусиятлари очиб берилди. Қазилма ишлар Инкардарё ўзани соҳилларида жойлашган Шимолий ва Жанубий Тагискен, Уйгарак каби мазор кўрғонларида олиб борилган ва ушбу ёдгорликлардан тадқиқотчилар муҳим археологик ашёларни олишга эришганлар. Қуйи Сирдарёда амалга оширилган тадқиқотлар ва Сарикамиш бўйидаги кейинги изланишлар, айнан Қуйи Сирдарёдан сақларнинг йирик гуруҳларининг Жанубий Оролбўйи Хоразм воҳасига миграцияси, яъни кўчиб келишини исботлаб берди. [1]

1981 йилда Хоразм археологик экспедицияси ходими Л.Т. Яблонский бошчилигида Сарикамишбўйи Довдон ўзани соҳилидаги Сакарчага қирларида жойлашган илк сақларнинг мазоркўрғонларида қазилма ишлар бошланган. 1988 йилга қадар давом этган тадқиқотлар орқали қадимшунослар илк сақлар тарихига оид янги маълумотларни олишга эришганлар. Мазкур тадқиқотлар натижалари турли нашрларда тавсифланган.

Геродот ёритган урф-одат, археологик маълумотларга кўра, сақлар дафн маросимларига ҳам хос бўлган. Сакарчадаги жасадларни алоҳида саҳнларда қуйдириши одатига тегишли, қиёслаш сифатида таъкидлаш жоизки, Сурхон воҳасида сўнги бронза даврига оид Бўстон 6 қабристонидида мурдалар махсус жойлардаги дафн гулханларида қуйдирилиб, жасад кули халтачаларга солинган ва қабрларда қўмилган. [2] Жасад қуйдириш дафн маросими бронза даври Андроново маданияти дашт қабилаларга ҳам мансуб бўлган.

Қабрлар қадимги чорвадор аҳоли томонидан «марҳумлар уйи» сифатида талқин қилинган. Л. Т. Яблонскийнинг фикрига кўра, Сарикамишбўйи айрим қдбрлари, жумладан, йирик тўгрибурчак чуқурлардан иборат ва устунли-синч шаклидаги қабрлар Амиробод маданияти Яккапарсон уй-жойларига (ярим ертўлалар, устунли синч турар жойлар) ўхшаб кетади.

Чорвадор дашт қабилаларининг қабрларида дафн жиҳозлари учрайди. Уларнинг миқдори ва турлари марҳумларнинг жинси, ёши, жамоада тутган ўрни (фаолияти, билимлари, тажрибаси) билан боғлиқ бўлган. Одатда, археологик қазилма ишлари пайтида сақларнинг қабрларида сопол идишлар, рўзгор буюмлари, меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳалар, заргарлик буюмлар, от анжомлари, тақалар ва эътиқод маросимлари билан боғлиқ буюмлар топилади. [3]

Шимолий Тагискен мақбаралари, Жанубий Тагискен, Уйгарак ва Сакарчага мазор қўрғонларининг ўрганилиши натижасида муҳим археологик материаллар топилди. Улар Оролбўйи чорвадор қабилалари тарихини ўрганишда таянч манба бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, тадқиқотчилар дафн маросимларнинг мазмун-моҳиятига тизимли ёндашиб, уларнинг этник ва маданий хусусиятларини очиб бердилар. Шунингдек, дафн маросимларнинг асосий белгилари, жамиятнинг ижтимоий тизимини акс эттиради. В. М. Массоннинг ёзишича, дафн маросимнинг хусусияти марҳумнинг мулкий мавқеига нисбатан, унинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ бўлган. [4]

Сакарчага мазор қўрғонларида топилган дафн жиҳозлари турли буюмлардан иборат. Сопол идишлар эркак ва аёллар қабрларида мавжуд. Идишлар марҳум боши ёнида қўйилган. Худди шундай одат Жанубий Тагискен мазорларида аниқланган, аксинча Уйгаракда идишлар, асосан, жасадларнинг оёқ ёнида жойлаштирилган.

Топилган қулолчилик буюмлар қўлда ва чарҳда ясалган идишлардан иборатдир. Биринчи гуруҳ сопол идишлар (тувак, чойнаксимон, кўза шаклида) тасма усулида қўлда ясалган ва гулханда пиширилган. Улар Қуйисой маданияти идишларига ўхшайди. Иккинчи гуруҳ идишлар Ёз II даврига оид бўлиб, қулолчилик чарҳида ясалган ва Марғиёнадан савдо-сотиқ орқали Хоразм воҳасига олиб келинган. Шунинг таъкидлаш жоизки, Ёз II цилиндр — конуссимон идишлари Қуйисой 2 ёдгорлигида, Тагискен ва Уйгарак мазорқўрғонларида ҳам топилган.

Сакарчагада аниқланган бошқа археологик ашёлар қуйидагиларга ажратилади: безаклар, рўзгор буюмлари ва қуроллар, эътиқод билан боғлиқ бўлган буюмлар, от анжомлари ва яроғ-аслаҳалар. Зеб-зийнатлар ичида ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, олтин зираклар ва темир би-лагузуклар мавжуд. Пичоқлар бронзадан ва темирдан ясалган. Аёллар дафн этилган қабрларида ёрғучоқлар топилган. [5]

Бронза ўқ учлари мил. авв. VII — VI асрларга оид бўлиб, икки қабрда 30 та ва 66 та ўқдан иборат ўқдонларнинг қолдиқлари топилган. Уларнинг илгаклари тош, суяк, бронза ва ёғочдан ясалган.

От анжомларини безатган бронза тақа ва қуббалар алоҳида топилмалар гуруҳини ташкил этади. Улар йиртқич қушлар ва ҳайвонлар ҳамда тўнғиз тасвирларидан иборат бўлиб, археология фанида «скиф-сибир» туридаги ҳайвон суратларининг ишлаш санъат усули билан боғланади. [6]

Археологик тадқиқотларнинг асосий натижаларини умумлаштириб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. XX асрнинг иккинчи ярмида Оролбўйидаги Қуйи Амударё ва Қуйи Сирдарё ҳудудларида истиқомат қилган саклар маданиятини ўрганиш долзарб муаммога айланди.

2. Оролбўйи сак-массагетларга тегишли қадимги форс битиклари ва юнон тарихчилари асарларида ўз аксини топган маълумотлар тарих фанида кенг маълум. Аммо ёзма манбаларда кўчманчи чорвадор қабилаларнинг ўзаро муносабатлари ва ташқи алоқалари тўғрисидаги хабарлар чегараланган бўлиб, уларнинг миграция, яъни кўчиш йўллари, турли ҳудудларда жойлашиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар унча кўп эмас.

3. Илк темир даври бошланишига келиб (мил. авв. VII аср), Қуйи Амударё ўнг соҳили ҳудудларига нисбатан (Оқчадарё ўзани воҳаси), сўл соҳил ерлари (Сариқамишбўйи Довдон ўзани) аҳоли томонидан зич ўзлаштирилади.

4. Қуйи Амударёнинг Сариқамиш дельтаси атрофларида Қуйисой маданияти вакиллари ва Қуйи Сирдарё ерларидан кўчиб келган саклар жойлашадилар. Улар томонидан ўзлаштирилган ҳудудларда мураккаб этник жараёнлар юз берган.

5. Бизнингча, фақат Қуйи Сирдарё сарҳадларини илк саклар миграцияларининг таянч маскани сифатида таърифлаш, мақсадга мувофиқ эмас, илмий адабиётларда мавжуд маълумотларга кўра, мисол учун, массагетлар дастлаб кенг ҳудудларда, жумладан, Жанубий Уралолди Ёйиқ (Доиқ) дарёси бўйларида дахлар (дайлар) қабилалари билан бирга истиқомат қилганлар. Дахларнинг йирик гуруҳлари Қуйи Узбой ва Шарқий Каспий бўйига кўчиб борганлар. Массагетлар эса мил. авв. VI асрга келиб Сариқамишбўйи Узбой ўзани атрофларида жойлашганлар.

6. Археологик жиҳатдан, Қуйи Сирдарё (Инкардарё ўзани) ва Сариқамишбўйи сакларнинг мазорқўргонлари, дафн маросимлари, моддий маданияти (кулолчилик буюмлар, меҳнат қуроллар, яроғ-аслаҳалар, от анжомлари, эътиқод билан боғланган буюмлар) етарли даражада ўрганилган. Улар сакларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Аммо турли долзарб муаммолар — Оролбўйи сакмассагет қабилаларнинг дашт кўчманчилар маданиятлари доирасидаги аҳамияти, уларнинг ўтроқ зироатчи аҳоли билан алоқаларининг мазмун моҳияти, сак-массагетларнинг Хоразм воҳасидаги этник жараёнлар ва сиёсий тарихида тутган ўрни етарли даражада ўрганилмаган ва муҳим илмий масалалар бўлиб, археологик ҳамда ёзма манбалар маълумотларни қиёслаш ва таҳлил қилишни талаб қилади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Толстов С. П., Воробьева М. Г., Рапопорт Ю. А. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1957 г. // МХЭ. — М., 1960. Вип. 4.
2. Толстов С. П. Приаральские скифы и Хорезм // СЭ. — М., 1961. № 4. — С. 114—146; Ёша муаллиф. Среднеазиатские скифы в свете новейших археологических открытий // ВДИ. — М., 1963. № 2. — С. 23—45; Толстов С. П., Итина М. А. Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // СА. — М., 1966. № 2. — С. 151-175.
3. Яблонский Л. Т. Исследование могильника Сакарчага I // АО 1981. — М.: Наука, 1983. — С. 482—483; Ёша муаллифнинг ахборот маълумотлари қаранг: Раскопки курганов в Северной Туркмении // АО 1982. — М.: Наука, 1984. — С. 492; Раскопки курганов в Северной Туркмении // АО 1983. — М.: Наука, 1985. — С. 559.
4. Яблонский Л. Т. К этногенезу населения Северной Туркмении // СЭ. — М., 1986. № 5; Ёша муаллиф. Проблема формирования культур саков Южного Приаралья // СА. — М., 1991, № 1.
5. Аванесова Н. А., Ташпулатова Н. Символика огня в погребальной практике Сапаллинской культуры (по материалам исследования могильника Бустан VI) // ИМКУ. - Самарканд, 1999. Вип. 30. - С. 28.
6. Грязнов М. П. Пастушеские племена Средней Азии в эпоху поздней и развитой бронзы // КСИА. - М., 1970. Вип. 122. - С. 37-42.

Жўраев Мухриддин Хасанович
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
(Денов, Ўзбекистан)

ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЖАРҲ ВА ТАЪДИЛ ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Аннотация: Бу мақола жарҳ ва таъдил тарихи, жарҳ ва таъдил илмига асарлар, шунингдек Имом Термизийни жарҳ ва таъдил илмига қўшган ҳиссаси ҳамда Имом Термизийнинг "Ал-илал ал-кабир" ва "Ал-илал ас-сағир" китоби ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: Ҳадис, жарҳ ва таъдил, илал, китоб, ривоят, ровий.

Ҳозирги кунгача сақланиб қолган Илалул-ҳадис адабиёти намуналарини ёзилган даври ва мазмуни жиҳатидан уч гуруҳга ажратиш мумкин. III (IX.) асрда Кутуб-и Ситта муаллифлари томонидан ёзилган матнлар адабиётнинг биринчи босқичини ташкил этади. Ушбу асарларда илал ҳақидаги ёзувлар ровийларни таништирувчи ва уларни жарҳ ва таъдил нуқтаи назаридан баҳолайдиган қисмлар билан бирлаштирилган. Яхё ибн Маиннинг "Ат-тарих ва Маърифатур-рижол" сингари асарида илал ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Али ибн Мадиний "Китабул-Илал"да турли минтақаларда ҳадис ривоятидаги таниқли шахсларни аниқлайди ва саҳобалардан энг ишончли ривоят йўллари аниқлашга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, илални аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлган қоидаларни ишлаб чиқади.

Илал адабиётининг иккинчи гуруҳига Ибн Абу Хотимнинг биринчи гуруҳдагилардан тахминан бир аср ўтгач ёзилган "Илалул-ҳадис" ва Дорокутнийнинг "ал-Илалул-вориди фи-ал-ҳадиси-набавий" каби асарлари киради. олади. Улар энг асосий манбаларига айланди. Ибн Абу Хотим 2840 ҳадис ёки у отаси Абу Хотим ва устози Абу Зуръа ҳақида берган саволларига ўз жавобларини тўплайди ва ҳадислар (фикҳ) мавзуларига кўра жамлаган, асарда деярли барча иллатларга мисоллар келтиради, шунингдек турли ривоятлар ўртасида таққослашларни келтириб чиқаради.. У ривоятлар тўғрисида эришган фикрларини ривоят қилувчиларнинг умумий жарҳ ва таъдил билан боғлиқ ҳолда етказади.

Илал адабиётининг сўнгги даврини англатувчи учинчи гуруҳда VI (XII) Абул-Фараж Ибнул-Жавзий ва VIII (XIV) Ибн Ражаб ал-Ҳанбалийга тегишли икки асар ажралиб туради.

Имом Термизий жаҳон тамаддунига ўзининг маънавий-илмий мероси билан катта ҳисса қўшган буюк олимлардан ҳисобланади. Аллома таниқли ҳофиз имомлардан бири бўлиб, унинг маънавий мероси мусулмонларга манфаатли бўлиб келмоқда. Манба ва адабиётларда муҳаддис қаламига мансуб асарлар сони аниқ қайдланмаган бўлса-да, йигирмага яқини зикр қилиб ўтилган. Шунга қарамайдан, кўпчилик олимларнинг фикрича унинг ҳали номаълум китоблари ҳам мавжуд.

"Ал-илал ас-сағир" китоби

Муаллиф бу китобни "Жомеъ" асарининг охирига қўшиб, унда Суфён Саврий, Молик ибн Анас, Абдуллох ибн Муборақ Шофиъий ва Иброҳим ибн Исҳоқ каби баъзи ҳофизларга бориб боғланадиган иснодларини келтириб

ўтади. Бундан ташқари, Бухорий ва Абу Зуръа билан баъзи ҳадисларда мунозаралар қилишган ҳадислар, ровийлар ва тарих борасида учрайдиган иллатлар ҳақида хабар беради. Шундан кейин “тажрийхур-рижол” (ровий кишиларни айбли деб топиш) ғийбат эмаслиги, ҳадис маъносини ривоят қилиш, олимга ўқиб бериш ҳудди эшитиш каби эътиборда бўлиб, ривоятсиз ижозанинг аҳамияти, шайх ўз китобини бир кишига муновала (бериш) қилса, ўша киши ундан ҳадис ривоят қилиши жоизлиги, “ҳаддасана ва ҳаддасаний”, “ахбарона ва ахбароний” лафзлари ўртасидаги фарқлар, мурсал ҳадис ва ундаги ихтилофлар каби ҳадис илми билан боғлиқ мавзулар ҳақида сўз боради. Яна “бу ҳасан ҳадисдир”, “бу ғариб ҳадисдир” сўзлари маънолари ва ҳадисдаги зиёдалик унинг ғариб ҳадис экани борасидаги мулоҳазалар баён этилган.

Исъардий (раҳимахуллоҳ,) бундай деди: “Муътаман ибн Аҳмад ас-Соҳий муснаднинг эски нусхасига шундай деб ёзиб қўйганига кўзим тушиб қолди: «Бу китоб Абулфазл Насафий ҳақида бўлиб, у киши Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбардир. Назаримда, мазкур китоб ёзилишига у киши сабаб бўлган». Матн давомида: “Ушбу Жомеъ 51 китобни ўз ичига олган”, дейилган. Келтирилган шундай маълумотлар “Илал”- нинг охирида ҳам бор. Бошқа бир эски нусхада: “Абу Исо Самарқандда “Жомеъ”га “Илал”ни қўшди” ва яна бошқа бир эски нусхада “У (илал)ни ҳижрий 270 йили Қурбон ҳайити куни ёзиб тугатди”, деган маълумотни учратдим».

Имом, ҳофиз Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Ражаб ал-Ханбали (ваф. 795 ҳ) бу китобга ўзи шарҳ ёзиб, тадқиқ қилган. Мазкур шарҳ Нуриддин Итрнинг изоҳлари билан бойитилиб, ҳижрий 1398 (1978 милодий) йилда Дамашқдаги “Дорул маллаҳ” матбаасида “Шарҳу илалит-Термизий” номи билан чоп этилган. Мазкур шарҳда жуда кўплаб керакли фойдалар мавжуд.

Гарчи Имом Шофиъий (раҳимахуллоҳ) ўзининг “Рисола” номли китобида ва Имом Муслим “Саҳиҳ”нинг муқаддимасида ҳадис илмлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этган бўлса-да, “Ал-илал ас-сағир” китобини ҳадис илмлари ҳақида ёзилган биринчи китоб деб хулосага келсақ нотўғри бўлмайди.

“Ал-илал ал-кабир” китоби

Бу китобнинг яна бир номи “Ал-илал ал-муфрад” бўлиб, “Жомеъ ат-Термизий”нинг охирига қўшиб қўйилган “Ал-илал ас-сағир”дан бошқасидир. Мусаннифни қайд этишча, “Ал-Илал ал-кабир” йўқолган китобдир. Лекин Абу Толиб ал-Қозий (Маҳмуд ибн Али ибн Абу Толиб ал-Исфажоний аш-Шофиъий, (ваф. 575 ҳ) нинг тартибларига кўра мавжуд.192 Чунки ўз асрининг ҳадис илмидаги хилофларни яхши билган мазкур фақиҳ, Имом Термизийнинг китобини фикҳий бобларга ажратиб, тартиблаб чиққан. Шунга кўра, мазкур китоб 467 та бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб бир қанча ҳадисларни ўз ичига олган.

Имом Термизий ўз китобида ҳадис илми бўйича устози Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадисларнинг иллатларини кўпроқ зикр қилиб, Абу Зуръа ва Доримий ҳадисларини келтиради. Бундан ташқари, бу китобда Имомларнинг жарҳ ва таъдил ҳақидаги фикрларига ҳам ўрин ажратади. Афсуски, Имом Бухорийнинг ўзи ҳадис иллатлари ҳақида ёзган алоҳида китоблари бизгача етиб келмаган. Чунки Имом Термизий (раҳимахуллоҳнинг у

зот ҳузурига бориб, шогирд тушиши ва у зотдан ҳадис ривоят қилиши бизлар учун улкан заҳира бўлишга кифоя қилади. Имом Термизий ўзидан кўрган ҳар бир одам қадри олийлигига иқрор бўладиган мерос қолдирди.

Хамза Дийб Мустафо “Уммул-Қуро” университетида Китоб ва суннат борасида магистрлик даражасини олиш учун мазкур китобни тадқиқ қилиб, ўз номзодлик ишини тақдим қилган. Китоб “Мактабатул-ақсо” матбаасида 1406 ҳижрий йилда (1976 милодий) тўлиқ ҳолида нашр этилган.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Абдулазиз ад Дехлавий. Бўстон ал-муҳаддисин. -Байрут. Дор ал-ғарб исломий. 1996.
2. Ақром Зиё ал Умарий. Турос ат-Термизий ал-илмий. -Мадина. 1991.
3. Муҳаммад Тақий Усманий. Дарси Термизий. 3 жилд. Карачи. -Дор ал улум. 2010.
4. Ҳасан ал Воилий. Нузҳат ал-албоб фий қавли ат-Термизий “ва фи-л-боб” 6 жилд-Даммом 2005.
5. Нуриддин Итр. Имом Термизий вал мувозанат байна ас-Саҳиҳайн. Байрут. Муассасат ар- рисола. 1988.
6. Сезгин Ф. eschichte der arabischen Schriftums (GAS). — Leiden: Brill, 1967. Ж.І. Б. 445-450;

Корнилева Ирина Валерьевна
Набережночелнинский государственный педагогический университет
(Набережные Челны, Россия)

СОТРУДНИЧЕСТВО ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ РОССИЙСКОЙ ПРОВИНЦИИ XIX ВЕКА

Аннотация. В статье уделено внимание сотрудничеству исследователей российской провинции XIX столетия, завязавшемуся после проведения Второго областного археологического съезда в Твери в 1903 г. Как результат – установление контактов между историками местного края, обмен изданиями и, следовательно, формирование единого интеллектуального пространства Российской империи.

Ключевые слова: Прикамский край, краеведческие исследования, археологический съезд, российская провинция.

Abstraction. The article focuses on the cooperation of researchers of the Russian province of the XIX century, which began after the Second Regional Archaeological Congress in Tver in 1903. As a result, contacts were established between historians of the local land, exchanges of publications and, consequently, the formation of a single intellectual space of the Russian Empire.

Keywords: V.S. Malchenko, V.F. Kudryavtsev, Prikamsky Krai, local history studies, archaeological congress, Russian province.

Во второй половине XIX столетия активизируется деятельность энтузиастов краеведения – исследователей истории российской провинции, многие из которых становились историками-профессионалами в силу личной увлеченности, талантливости и многолетнего самообразования, посвящая все свое свободное время краеведческим изысканиям. Энтузиасты краеведения собрали и обобщили огромный источниковый материал, сохранив для исторической науки ценнейшие исторические документы, предприняв первые попытки теоретического осмысления собранного материала.

Заслуживает уважения и признания деятельная личность Василия Филипповича Кудрявцева (1843-1910), историка, краеведа, этнографа, фольклориста, педагога [1]. Диапазон исследовательской палитры В.Ф. Кудрявцева охватывает Прикамский, Нижегородский и Тверской край. Отдельные черты его характера, мировоззренческие установки, жизненный опыт, профессиональный рост оказали заметное влияние на исторические взгляды, талант и увлеченность региональной проблематикой, придали им значительный индивидуальный оттенок. Круг его общения составляли известные ученые-историки Москвы, Казани, Нижнего Новгорода, Вятки, Твери, он являлся членом многих научных обществ, комиссий и комитетов, его научная, исследовательская, общественная и педагогическая деятельность снискала к нему уважение его современников.

В 1898 г. в Твери под председательством А. К. Жизневского было образовано Общество любителей истории, антропологии и естествознания, тесно связанное с Московским Обществом любителей естествознания,

антропологии и этнографии. Особое внимание в деятельности Общества было направлено на исследование курганов – раскопки, сбор данных, составление археологических карт, пополнение коллекций Тверского музея, самого крупного в Российской империи, подготовка и издание публикаций. Известно, что В.Ф. Кудрявцев в этот период занимался подготовкой к изданию четвертого выпуска основного научного труда «Старина, памятники, предания и легенды Прикамского края», посвященного археографическому описанию всемирно известного памятника Ананьинского могильника [2]. Силами общества были проведены два областных археологических съезда в 1901 и 1903 гг. Однако, по мнению Г. С. Лебедева, в этой работе «особенно остро сказывалась организационная разобщённость столичных центров, заставлявшая местных археологов ориентироваться либо “на Москву”, либо “на Петербург”, что в целом не способствовало успешному и планомерному развертыванию археологических исследований и обобщению получаемых материалов» [3, с. 214-215].

В 1903 г. Тверь была избрана местом проведения второго областного археологического съезда, проходившего с 10 по 20 августа [4]. На съезде присутствовали виднейшие деятели исторической науки Москвы и Санкт-Петербурга (А. И. Соболевский, Д. И. Иловайский, Н. В. Покровский, А. В. Половцев и др.), историки российской провинции, представлявшие все архивные комиссии (В. С. Малченко, А. В. Селиванов, А. В. Смирнов, Л. М. Савелов, А. А. Савельев и др.), а также члены Тверской ГУАК [5, с. VI-VII]. Работа съезда стала широким полем научного сотрудничества историков и краеведов различного масштаба. Как результат – знакомство и начавшаяся деловая переписка В.Ф. Кудрявцева с участниками съезда по теме научных изысканий Прикамского края.

После съезда завязалась переписка и обмен изданиями В. Ф. Кудрявцева с председателем Пермской губернской ученой архивной комиссии (ГУАК) Василием Степановичем Малченко (1861-1923), уделявшим большое внимание собиранию сведений и всех имеющихся печатных изданий по истории, археологии и этнографии Прикамского края. В фонде Пермской ГУАК Государственного архива Пермского края сохранилось датированное 23 августа 1904 г. письмо В.Ф. Кудрявцева, адресованное В.С. Малченко, в котором он благодарил за присланные шесть выпусков «Трудов...» Пермской ГУАК и в свою очередь обязался выслать свои издания, упоминая также о четвертом выпуске своей работы: «Все данные мне выпуски моей книги “Старина Прикамского края” я буду немедленно по отпечатании, высылать в Пермскую комиссию. IV-й выпуск, более 120 страниц, отправляю уже в распоряжение Вятского Статистического Комитета» [6, л. 2]. В.Ф. Кудрявцев отмечает, что он уже прочел некоторые из помещенных в «Труды Пермской ГУАК» статьи и «это обогатило меня запасом полезных сведений о Пермском крае, изучение которого, как части Прикамского края, составляет с давних пор предмет моих работ. Думаю, что я не ошибусь, если скажу, что литература о Пермском крае, по количеству напечатанных статей превосходит таковую от всех других губерний Прикамского края» [там же, л. 2].

При рассмотрении сотрудничества ученых-историков с представителями различных групп интеллигенции, необходимо учитывать, что

обмен идеями между ними происходил путем межличностного контакта. При такой форме сотрудничества была возможность непосредственно обсуждать с корифеями исторической науки того времени самые новейшие проблемы, получать информацию из первых рук, оперативно узнавать новости, просить советы, и самое главное – быть соучастниками научно-информационных процессов, происходивших в исторической науке.

В.Ф. Кудрявцев тесно сотрудничал со многими известными учеными – членами Тверской ГУАК, в частности с Александром Николаевичем Неустроевым (1825-1902), известным библиографом и коллекционером; Петром Ивановичем Бартеневым (1829-1912), историком, основателем, издателем и редактором журнала «Русский архив»; Дмитрием Александровичем Корсаковым (1843-1919), историком, профессором Казанского университета и др.

Этот небольшой эпизод из переписки В. Ф. Кудрявцева с В. С. Маловичко, свидетельствует, что исследователи истории российской провинции активно обменивались собственными изданиями, тираж которых зачастую был невелик, а поэтому приобрести нужную книгу было проблематично. Такая переписка способствовала установлению контактов между историками местного края и формированию единого интеллектуального пространства Российской империи.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Корнилова, И. В. В. Ф. Кудрявцев: опыт аналитической биографии исследователя российской провинции: дис. ... д-ра ист. наук: 07.00.02 / И. В. Корнилова. Уфа, 2014. 451 с.
2. Кудрявцев, В. Ф. Старина, памятники, предания и легенды Прикамского края: Очерк: в 4 вып. / В. Ф. Кудрявцев. Вятка: Губернская типография, 1905. Вып. 4. 120 с.
3. Лебедев, Г. С. История отечественной археологии. 1700-1917 гг. / Г. С. Лебедев. СПб.: Изд-во СПбГУ, 1992. 464 с.
4. Именной список лиц, принимавших участие в археологическом съезде в Твери с 10-20 августа 1903 г. // Государственный архив Тверской области (ГАТО). Ф. 103. Оп. 1. Д. 217. 8 л.
5. Труды второго областного Тверского археологического съезда 1903 г. 10-20 августа / Издание Тверской ГУАК. Тверь, 1906. С. VI-VII.
6. Письмо из Твери Кудрявцева В.Ф. о присылке изданий // Государственный архив Пермского края (ГАПК). Ф. 297. Оп. 4. Д. 193. 3 л.

Мамажонов Сойибжон Халилович
Фарғона Давлат Университети ҳарбий таълим
факультети катта ўқитувчиси,

Ахунов Илхомжон Ибрагимович, Тошпўлатов Абдоржон Мирхокимович
Фарғона Давлат Университети ҳарбий таълим факультети ўқитувчилари
(Фарғона, Ўзбекистан)

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИНИНГ МЎҒУЛ **БОСҚИНЧИЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИ**

Аннотация: *Ушбу мақолада Жалолиддин Мангубердининг жанг олиб бориш усуллари ва ҳарбий санъати ҳақида қисқа ёритилган. Ушбу мақола Олий ва Ўрта махсус таълим муассасалари талабаларига ҳарбий санъат сирлари билан яқиндан танишиш учун мўлжалланган.*

Калит сўзлар: *Жанг, ҳарбий санъат, ўрнатқучлик, тактик усул, қилчоқ чўллари, ставка.*

Жалолиддин Мангуберди жанг олиб бориш сирларини ёшлигида ов ва отда мусобақаларни, найза улоқтириш ва камондан отишни хуш кўрганлиги тўғрисида қўқур ўзлаштирган. У ёшлигида ўз мураббийларидан ҳарбий санъат сирларини катта иштиёқ билан ўрганиб келган. Ёши улғайган сари олиб борилган жангларда ҳарбий санъат сирларини билиши қўл келган, ўз ҳарбий маҳоратини янада такомиллаштириб борган. Жангларда ўзининг шахсан биринчилар қаторида жангга кириши билан қолганларга ўрнатқучлик кўрсатган. Аввалом бор жанг майдонида жойнинг хусусиятини, душманини тактикасини билиши яъни бўлажак жангни душман қандай олиб бориши режаларидан хабардор бўлиши унга қўл келган. Қадимги даврда бўлиб ўтган Левктра жангида Эпаминонд тамонидан ўйлаб топилган ҳал қилувчи йўналишда асосий кучларни жамлаш тактик усулини Жалолиддин Мангуберди 1218 йилнинг охирида Хоразмшоҳ қўшинининг мўғуллар билан биринчи тўқнашуви бўлиб ўтганида қўллаган, душманга асосий кучлари билан қанотдан зарба берган.

Бундай тактик тамойил қадимги даврда Юнонистонда ҳукумронликка эришиш учун бўлиб ўтган жангларда юзага келган. Бу жанг м.а. 371 йилда Левктра шаҳри яқинида, подшоҳ Клеомброт бошчилигидаги спарталиқлар ва Эпаминонд бошчилигидаги фивалиқлар ўртасида бўлиб ўтган. Куч ва воситалар нисбати этиборга олган Эпаминонд спарталиқларни 11 минг кишилиқ қўшинига қарши ўзини 7,5 минг кишилиқ қўшинини бош зарба бериш йўналишида бўлган ўзининг чап қанотида куч жиҳатдан устунлик яратиб, яъни жангнинг ҳал қилувчи участкасида кучлироқ бўлди. Левктра жангида Эпаминонд ҳарбий санъат тарихида биринчи бўлиб янги тактик тамойил – фронт бўйлаб кучларни нотекис жойлаштириш, ҳужум йўналишида куч жиҳатдан устунлик яратиш усулини қўлади. Кучларни фронт бўйлаб нотекис жойлаштириш усули бизнинг кунларда ҳам муҳим тамойил бўлиб қолмоқда.

Ўша даврларда мўғул отрядлари, Хоразмшоҳ мулклари билан чегарадош қипчоқ чўлларига қочган, бўйсунмас меркит қабилаларини таъқиб этишни ва тор-мор этишни тугатган эдилар.

Муҳаммад Хоразмшоҳ 60 минглик қўшин билан шимолга йўналиб, Иргиз дарёсини кечиб ўтиб ва Тўрғай чўлларида мўғуллар билан тўқнашган. Мўғул қўшинининг бошида Чингизхонинг катта ўғли Жўжи турган. Уларнинг ўртасида бўлиб ўтган уч кунлик жангда 20 мингга яқин хоразмликлар ҳалок бўлган, мўғулларнинг йўқотишлари камроқ бўлган.

Бу жангда Жалолиддин мўғиллар тамонидан тақиб этилган меркитлар аскарини сўроқ қилиш натижасида душманининг сони қанча эканлигини аниқлаб олган. Ўз саркардаларига жойнинг хусусиятидан фойдаланган ҳолда жангни олиб борса ғалабага эришиши мумкинлигини тушунтирган. Жалолиддин жанг майдонидан кенг кўламда фойдаланган ҳолда душманни саросимага солиб ва хийла ишлатиб душманга ўзини олти минглик авангарди билан бош зарба берган. Мўғиллар Жалолиддин авангардига талофатлар этказиб сўнг тақиб қилишини билган ва оқибатда душман кучларига ўзининг асосий кучлари билан қанотдан кутилмаганда қақшатқич зарба берган. Мўғиллар оқибатда шўр тупроқ ерга (солончак-шўрхок) чекинишга мажбур бўлиб ботиб қолишган. Бундан фойдаланган Жалолиддин қўшинлари мўғилларни катта қисмини қириб ташлашган.

Тўртинчи кун кечқурун Жўжи ўз қўшинни олиб кетган. Бу тўқнашувда Хоразмшоҳнинг катта ўғли **Жалолиддин Мангуберди** ўзининг ҳарбий санъатини биринчи марта намойиш этган. Агар у матонат ва ботирлик намуналарини кўрсатмаганида хоразмликлар мағлубиятга учраган бўлар эдилар. Чингизхоннинг Ставкасига қайтиб келганидан кейин Жўжи, отасига Хоразм қўшинининг ҳолати ва Жалолиддин Мангубердининг шахсий қаҳрамонлиги тўғрисида айтиб беради.

Жалолиддин ҳаётининг асосий мақсадини мўғулларга қарши курашда деб билган.

1219 йилда Чингизхон қўмондонлигидаги мўғулларнинг армияси Хоразмга бостириб кирди. Хоразмшоҳ қўшинларини қисмларга бўлиниб қарши жангга кириши Чингизхонга қўл келди чунки унинг стратегияси душманни қисимларга бўлиб яқсон қилишдан иборат эди.

Мўғилларга қарши Хоразмликларнинг қарши курашиш даврининг 1221 йилини ёзида Жалолиддин Чингизхонга қарши чиқди. Парвон қишлоғи яқинидаги жангда мўғуллар тор-мор этилдилар, уларнинг ҳарбий бошлиқларининг турли хил ҳарбий айёрликларни қўллашларига қарамасдан қочишга мажбур бўлдилар. Жанг қатъий бўлиб, узоқ давом этди.

Бу жангда Жалолиддин янги тактикани қўлади. Отлиқлар отларидан тушиб, отларининг ипларини бел камарларига боғлаб, камонлардан отиб пиёда сафда жанг қилдилар. Жангнинг биринчи куни ғолибни аниқламади.

Иккинчи куни мўғул ҳарбий бошлиқлари ўз қўшинларининг ҳолдан тойганлиги сабабли ҳарбий айёрликни қўлади, отларга наमतдан ясалган кўғирчоқ чавандозларни ўтқизиб жангга киритди. Аввалида Жалолиддиннинг жангчилари саросимага тушди, лекин тезда султон уларга ғалабага ишонч уйғотди. Мўғулларнинг бир-нечта ҳужумларини қайтарганларидан кейин ҳал қилувчи вақтда Жалолиддиннинг сигналига биноан унинг жангчилари ҳали

жангга иштирок этмаган, чарчамаган отларга ўтириб тезлик билан душманга етиб олдилар ва уни тор-мор этдилар.

Жалолиддинга қарши жанг қилган мўғулларнинг йирик қўшинидан фақат тирик қолган бир қисмигина Чингизхоннинг қароргоҳига етиб борди. Жалолиддин томонидан қўлланилган тактиканинг ўзига хос белгиси-отлиқ жангчиларни ҳам пиёдалар сафида, ҳам отларда муваффақият билан қўллаганлиги бўлди.

Лекин 1221 йилнинг охирида Жалолиддиннинг қўшинида ҳарбий бошлиқлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган ва уларнинг айримлари уни ташлаб кетишган.

1221 йилнинг декабрида Синд дарёси (ҳозирги Покистон ҳудудидаги Инд дарёсининг замонавий номи) бўйида Чингизхон ва Жалолиддиннинг қўшини ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди, бу жангга мўғуллар ғалабага эришдилар. Иттифоқчилари тарк этган султоннинг қўшини дарёдан кечиб ўтишга улгурмади. Ярим ой шаклида саф тортган Жалолиддиннинг қўшини дарёга сиқиб келинди. Жалолиддин мардонавор жанг қилди, у қўшиннинг марказида 700 тага яқин жангчилари қуршовида душманга қақшатқич зарбалар берди. Жалолиддин қўшинининг зарбаси остида ҳатто Чингизхон ҳам чекинишга мажбур бўлди. Лекин 10 минглик мўғулларнинг пистирмаси жангнинг оқибатини ҳал қилди. Жалолиддиннинг қўшини тор-мор этилди.

Бу жангга Султоннинг ҳамма яқинлари ҳалок бўлди. Шахсий мардлиги туфайли Султон қуршовни ёриб чиқди ва оти билан дарёга ташланди. Жалолиддиннинг мардлигига қойил қолган Чингизхон ўша пайтда уни таъқиб қилишга рухсат бермаган.

Синд дарёсидан ўтганидан кейин Жалолиддин Шимолий Ҳиндистоннинг кичик бир қисмида ўз ҳокимиятини ўрнатди. 1224 йилгача Жалолиддин Ҳиндистонда, кейин Кавказда яшайди, бу ерда у маҳаллий ҳукмдорларни мўғулларга қарши курашиш учун бирлаштиришга ҳаракат қилди. 1227 йилнинг сентябридаги Исфaxon жангида, Эроннинг ғарбий қисмига бостириб кирган мўғулларга қақшатқич зарба берган.

У истеъдодли саркарда бўлиб, мардлиги ва метиндек иродаси билан ажралиб туради. Мўғул қўшинларининг сон жиҳатдан устун бўлишига қарамасдан у Парвонда, Валиёнда, Исфaxonда уларга қақшатқич зарбалар берди.

1231 йилда Жалолиддин Мангуберди Курдистон тоғларида ҳалок бўлди. У ўзининг қисқа умри (32 ёш) давомида ўз халқи ва мамлакатининг озодлиги учун кўп ишларни қилди. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг атрофидаги кўпгина беклар душманга таслим бўлишга тайёр турган вақтларида Жалолиддин бунга қарши чиқди ва ўзининг букилмас иродаси ва мардлигини кўрсатди. Ўрта Осиё халқларининг мўғулларга қарши қаҳрамонона кураши катта тарихий аҳамиятга эга. Бу кураш давомида босқинчиларга катта талофатлар етказилди, уларнинг ғарбга тезлик билан ҳаракатланишларига тўсқинлик қилинди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Жалолитдин Мангуберди./ Масъул мухаррир: Х. Кароматов. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 272 б.
2. Разин Е. А. История военного искусства. Том II. Военное искусство феодального периода войны - М.: Военное издательство, 1957. - 655 с.
3. Ян В. Г. Чингизхан. – Фрунзе: издательство «Мектеп», 1981. – 352 с.

**Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли,
Жўраев Бахтиёр Режабович, Бебитов Мақсуд Абдирасулович
(Денов, Ўзбекистан)**

АРАБИСТОН ЯРИМ ОРОЛИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада Арабистон ярим оролида илк давлатчиликнинг шаклланиши, илк шаҳар давлатлар Ясриб, Хижоз, Тоиф, шунингдек, қадимги араб ва яҳудий қабилалари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Ясриб, араб, яҳудий, қabila, ислом.

Annotation: This article provides information on the formation of the first statehood in the Arabian Peninsula, the first urban states Yasrib, Khijaz, Taif, as well as the ancient Arab and Jewish tribes.

Keys words: Yasrib, Arab, Jew, tribe, Islam.

Арабистон ярим оролининг Макка, Мадина, Тоиф, Хайбар сингари бир қанча энг муҳим шаҳарларини ўз ичига олган қисмини қадимдан Хижоз деб аташган. Маккадан тахминан 350-400 км. шимолда Мадина шаҳри жойлашган. Қадимда Ясриб номи билан маълум бўлган бу шаҳар ҳосилдор, серсув воҳадан иборат эди. Қадимги Ясриб тарихи ҳали яхши ўрганилмаган. Ясриб тарихи ҳижратдан тахминан бир аср олдин, яъни VI аср бошларида ишончли тус олди, дейиш мумкин. Бу пайтда Ясриб бир неча қишлоқларга бўлинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳар бир қишлоқ ўз навбатида яна икки қисмга бўлиниб, биринчиси – у ёки бу уруғга қарашли ерлар ва уйларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси – утм (кўплиги отом) деб аталган, девор ва дарвозалари бор қўрғондан иборат эди. Катта уруғлар бир неча утмга эга бўлишлари мумкин эди. [1]

Ташқи ҳужум хавфи туғилганда ёки уруғ эркаклари урушга кетганларида аёллар, ёш болалар ва қариялар утмга беркинардилар. Бундан ташқари уруғнинг ғалласи, қурол-яроғ ва қимматбаҳо буюмлари ҳам утмларда сақланарди. Ўз утмга эга бўлмаган, очиқ маҳаллада яшайдиган майда уруғлар ҳам йўқ эмасди. Аммо бундай уруғлар албатта бошқа йирик уруғнинг ҳомийлигида бўлмоғи зарур эди. Ясриб аҳолиси асосан яҳудийлар ва араблардан иборат эди. [2] Яҳудийлар катта-катта гуруҳ бўлиб яшардилар. Ҳар бири икки мингдан ортиқ одамга эга бўлган учта яҳудий қабиласи маълум: қайнуқоъ, надийр, қурайза. Араб адабиётида бундан ташқари 20 дан ортиқ майда ва нисбатан йирик яҳудий уруғларининг номи келтирилади. Ясриб яҳудийлари одатда очиқ жойда эмас, балки мустаҳкам утмларда яшаганлар.

Ас-Самхудийнинг таъкидлашича, яҳудийларга тегишли утмларнинг умумий сони 59 та бўлган. Яҳудий қабилалари Ясрибнинг ҳосилдор, обод қисмларини эгаллагандилар. Бану Надийр қабиласи Ясрибнинг жануби-шарқий қисмидаги Води Музайнаб, Бану Қурайза улардан шимолроқдаги Води Маҳзур, Бану Қайнуқоъ эса мазкур иккала қабиладан шимоли-ғарброқда, шаҳар марказига яқин жойда истиқомат қиларди. Шунингдек, бошқа кўп яҳудий уруғлари ҳам қулай ерларда йиғноқ бўлиб яшардилар. Тарихий манбаларга кўра эрамининг биринчи ва иккинчи асрларида Хижозга кўплаб яҳудийлар

кўчиб кела бошладилар. Биринчи навбатда бу Рим империясининг Ўрта денгиз соҳилини истило қилганлиги, айниқса Яҳудия уруши 70 й. деб ном олган Фаластин яҳудларининг Римга қарши қўзғолони қақшатқич равишда бостирилганлиги туфайли бўлди. [3] Яҳудлар рим легионерларининг таъқибидан қочиб Ҳижознинг бир қанча шаҳарларида, жумладан Ясрибда паноҳ топдилар. Албатта, яҳудий иммиграцияси бир дафъада ёки қисқа муддат ичида юз берган деб бўлмайди. Бу узоқ давом этган жараён бўлиши керак. [4]

Ясрибнинг исломдан олдинги араб аҳолисига келсак, улар асосан 2 та қабилани ташкил қилардилар: бану Аус ва бану Хазраж. Араб насабчиларининг уқтиришича, бу икки қabila ўзаро қон-қариндош бўлиб, улар асли ватани жанубий Арабистондан ярим оролнинг бошқа районларига тарқаб кетган Азд қabila туркумига кирадилар. Аус ва Хазраж қабилалари ўз навбатида 5 тадан йирик ва бир қанча майда уруғларга бўлиниб, уларнинг умумий сони 40 тадан ортиб кетганди. Бундан ташқари Ясриб атрофларида Аус ва Хазраж билан ҳомийлик асосида боғлиқ бўлган бир қанча майда араб уруғлари яшаган.

Аус қабиласи Ясрибнинг шарқий ва жанубий қисмини, Хазраж эса шаҳарнинг ўрта ва шимолий қисмини эгаллаганди. Аус ерлари унумли, деҳқончилик учун қулай бўлиб, асосий яҳуд районларига туташ эди. Хазраж ерлари эса, аксинча кам ҳосилли бўлиб, фақат Қайнуқоъ ерларига яқин эди. Бу ҳолат иккала араб қабиласи ўртасидаги ва Ясрибнинг араб ва яҳуд аҳолиси ўртасидаги муносабатларга таъсир қилмай қолмади. Кўп сабабларга кўра ва уларнинг ичида энг муҳими аҳолиси яккаю-ягона этник унсурдан таркиб толгани туфайли Маканинг бошқаруви исломдан олдинги 2-аср давомида барқарор шаклда бўлган бўлса, Ясрибда, аксинча, бундай барқарорлик амри-маҳол нарсаси эди. Бир қabila қўлида ҳосилдор ерларнинг тўпланиб қолиши, қолаверса, этник-диник қарама-қаршилиқлар доимо низо чиқишини тақозо қиларди.

“Айём ал-араб” туркумига кирган бир қанча “қунлар” ана шу воқеалар билан боғлиқдир. Бу ерда ҳам асосий сабаб ер-мулк масаласига бориб тақалади: нисбатан заиф Аус қабиласи ҳосилдор ерларга эга бўлиб олганди. Аксарият тўқнашувларда Хазраж қабиласи ютуққа эришарди. Воқеалар шу зайлда кетса, пировард натижада Хазраж шаҳарда устунликни қўлга киритиши мумкин эди. Аус икки қўшни яҳуд қабиласи Қурайза ва Надир билан иттифоқ тузишга уриниб кўрди. Аммо Хазраж етарли даражада кучли экан, шекилли, уруш билан таҳдид қилиб, Қурайза қабиласидан 40 нафар ўспиринни бандиликка олди ва уларнинг бетарафлигига эришди. Шундан сўнг Аус бошлиқлари ҳар йили Маккага уюштириладиган ҳаж маросимидан фойдаланиб, Қурайш қабиласи билан Хазражга қарши иттифоқ тузишга уриниб кўрди. [5] Асосан савдода ҳукмронликни бермаслик учун курашиб келган Макка зодагонлари бундай иттифоқни рад қилдилар. Тақдирга тан беришдан бошқа илож қолмагач, Аус бўйсинишга мажбур бўлди. Ауснинг тобеликка рози бўлмаган баъзи уруғлари бошқа ёқларга кўчиб кетдилар.

Шундай вазиятда, чамаси Хазраж қабиласининг бошлиқлари қўпол хатога йўл қўйдилар: улар Ясрибда тўла ҳукмронликка эришиш мақсадида икки яҳуд қабиласи Надир ва Қурайзага уруш билан таҳдид қилиб, ўз ерларини

бўшатишларини талаб қилдилар. Бироз вақт ўтгач, Баёда уруғининг бошлиғи бандиликдаги яхудий болаларини қатл қилишга буюрди. Бунга жавобан Аус қабиласи иккала яхудий қабиласи билан иттифоқ тузди. Хазраж ҳам бадавий араблар орасида иттифоқчилар қидиришга мажбур бўлди. Шундай қилиб, бир-бирига зид икки кучли уюшма, иттифоқ вужудга келди. Томонлар бир ярим ой мобайнида ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўрдилар. Шу вақт ичида ҳар иккала томоннинг тарафдорлари бирмунча ортди. Ниҳоят, Қурайзага қарашли Буос деган жойда тўқнашув юз берди. Дастлаб Аус тарафдорлари одатдагидек енгилла бошладилар. [6] Аммо Хазраж кучларини бошқарган Амр б. Ан-Нуъмоннинг кутилмаганда ҳалок бўлиши жанг жараёнини ўзгартириб юборди. Хазраж ва унинг иттифоқчилари жанг майдонидан қочиб, утмларга беркина бошладилар. Аусийлар уларни бироз таъқиб қилган бўлсаларда, утмларни қамал қилмадилар. Унинг устига Аус қўшинини бошқарган ал-Худайр. Симак ҳам бир неча кундан кейин жангга олган жароҳатидан ҳалок бўлди. [7]

Шундай қилиб, Аус ҳижрадан беш йил муқаддам юз берган “Буос” кунида ўз ғалабасини охиригача етказмади. Улар буни истамадилар ҳам, шекилли, зеро Хазраж батамом мағлуб қилинган ҳолда шаҳарда яна яхудий қабилалари устунликка эришишлари мумкин эди. “Буос” куни ҳар иккала томон жуда катта зарар кўрди: аҳолининг юқори табақаларидан кўплаб киши қатл бўлди; ёнғин ва талон-тарож натижасида уйлар ва хусусий мулклар вайрон бўлди. Бундай вазиятдан чиқиш учун чора изламоқ даркор эди, Айниқса, бетараф мавқеда бўлган кичик уруғлар низолардан манфаатдор эмасди. Умуман, “Буос” кунидан сўнг кўпчилик ясрибликлар тинчликка, иттифоққа майл билдира бошладилар. Айтишларича, Хазраж қабиласидан бир нуфузли кишини шаҳарнинг умумий ҳокими сифатида тан олиш масаласида ҳамма қабилла ва уруғ вакиллари орасида музокара ҳам кетарди.

Шундай вазиятда Ясрибга Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигида мусулмонларнинг ҳижрати /622 йил/ юз берди. Шуни унутмаслик керакки, Ясриб атрофида кўчманчи араб қабилалари яшаган. Бадавийлар ўхтин-ўхтин шаҳар аҳолисига ҳужумлар қилиб турардилар. Буни бартараф қилмоқ учун шаҳардаги қабилалар бадавийларга “итова” тўламоқлари ёки улар билан ҳилф /иттифоқ/ тузмоқлари лозим эди. Ясрибнинг хўжалик ҳаётини кўп қиррали деб ҳисоблаш мумкин. Ясриб аҳолисининг кўпчилик қисми деҳқончилик билан шуғулланган. [8] Эркин деҳқон хўжалиги билан бир қаторда чорикорлик ва ижарачилик ҳам мавжуд бўлган. [9] Чорикорлик ва ижарачиликда ернинг унумдорлигига қараб, ҳар хил миқдорда маҳсулот билан ҳақ тўланган. Баъзида ернинг бир қисмини ўзига ва бошқа қисмини ер эгасига ишлаб бериш ҳоллари ҳам бўлган. Чорикор ва ижарачи деҳқонлар аксарият ҳолларда қарз олишга, унинг эвазига ўз улушларига тегадиган маҳсулотни ўсиб турган жойида музобана ёки кўклайин муҳоқала сотишга мажбур бўлардилар.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. ماجد المنعم عبد 2010.
2. Koehler, Benedikt. Early Islam and the Birth of Capitalism. London: Lexington Books, 2014.
3. Байкова Л. И. Исламская государственность Арабского востока: историко-теоретический аспект: дисс...к.и.н. – Уфа, 2004.- 158 с
4. Koehler, Benedikt. Early Islam and the Birth of Capitalism. London: Lexington Books, 2014.
5. Koehler, Benedikt. Early Islam and the Birth of Capitalism. London: Lexington Books, 2014.
6. Koehler, Benedikt. Early Islam and the Birth of Capitalism. London: Lexington Books, 2014.
7. The Editors of Encyclopedia Britannica. "Umayyad Dynasty." In Encyclopedia Britannica, Inc. Accessed on December 18, 2017. URL: <https://www.britannica.com/topic/Umayyad-dynasty-Islamic-history>
8. Байкова Л.И. Исламская государственность Арабского востока: историко-теоретический аспект: дисс...к.и.н. – Уфа, 2004.- 158 с

Махамдалиев Лутфилло
Фарғона давлат университети талабси
(Фарғона, Ўзбекистон)

АМИР ТЕМУР ҲАЁТИ ВА САЛТАНАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Аннотация: *Амир Темурнинг ўзи ҳаётлик пайтида яратилган тарихий китобларни, шунингдек, ундан кейинги асрларда дунёга келган асарларни мутолаа қилсак, унинг бир қатор маънавий фазилатларга эга бўлган мурувватли ва донишманд инсон бўлганини кўрамиз. Бироқ бу борада энг кўп маълумот берадиган манба, бизнингча, унинг келажак авлодларга ёзиб қолдирган ўғит ва панд-насихатларидир.*

Ушбу мақолада Амир Темур ҳаёти ва салтанатининг вужудга келиши ҳақида аниқ маълумот берилган.

Калим сўзлар: *темурийлар, “Темур тузуклари”, маънавият, давлат бошқаруви, адолат.*

Амир Темурнинг маънавий салоҳияти давлатни идора қилиш, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш билан изоҳланади. Моварауннахрнинг қадимий иқтисодий, маданий шуҳратини тиклаш йилларида унинг маънавий салоҳияти янада камол топди ва ижтимоий ҳаётда тўлалигича намоён бўлди. Шунинг учун ҳам мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча томонлари, давлат идора тизими, иқтисодий, молиявий, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо, маданият, фан, меъморчилик, ҳарбий масалалар, халқаро алоқалар, ислом дини, шариат ва бошқа соҳалар мақсадга мувофиқ ривожланди.

Ёш Темурнинг дастлабки саводи оилада чиқарилган ва 7 ёшидан мадрасада ўқий бошлаган. Бу ҳақда у ўзининг “Таржимаи ҳоли”да шундай ёзган: “Етти ёшга тўлганимда мени мадрасага олиб боришди ва кўшимча сўзлар жадвалини беришди. Мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан беҳад хурсанд бўлдим.”

Тадқиқотчи Б.Ахмедовнинг таъкидлашича, Темур мадрасага келганда ҳарф танийдиган бўлган. Шунинг учун ҳам жадвалдаги сўзларни ўқий билган. Моварауннахр ва Хуросон мадрасаларидаги одат бўйича болани ўқишга ўргатишда қоғоз ё тегира ёзилган энг осон сўзлар жадвалидан фойдаланилган. Темур ҳам болалигида шундай жадвални ўқиган.

Амир Темур болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида шундай хотирлайди: “Мен 9 ёшга тўлганимда намоз ўқий бошладим ва мадрасадаги барча талабалардан устун бўлиб олдим. Ҳар қандай йўғилишларда ҳам мен уламоларнинг ёнидан жой олишга ҳаракат қилардим. Лекин ҳар доим уларнинг олдида тиз чўкиб ўтирар эдим. Катталарга шу тарзда ҳурмат билдиришни мен ўзимга қоида қилиб олгандим. 12 ёшимдан болалар билан уйнашни ўргандим ва вақтимни ўз тенгқурларим ҳамда ўспиринлар билан ўтказардим”. Бу парчада шуниси диққатга сазоворки, Темур болалигидаёқ тенгқурларидан устун бўлиб, унда амирликка интилиш бўлган.

Темурнинг таржимаи ҳолида унинг феъл-атвори, ахлоқи ва ижобий хусусиятларнинг шаклланишидан далолат берувчи маълумотлар алоҳида ифодаланган. Амир Темур шахсида анчагина зиддиятлар мавжуд. У 16 ёшида

отасининг васияти бўйича аскарларга бошчилик қилган. Шундай қилиш Барлос уруғининг анъанаси ҳисобланган. У ёшлигидан ҳарбий машқларга ниҳоятда қизиққан, феодал урушларда бир неча бор қатнашиб, тажриба орттирган ва моҳир жангчи бўлиб етишган.

Ҳусайн ва Темур 1366 йилнинг баҳорида Самарқандни эгаллайдилар. Ҳусайннинг хоинлик кирдикорларини сезиб юрган Темур 1370 йилда Балхни қамал қилиш пайтида ўз иттифоқчиси Хутталион ҳокими Кайхусрав қўли билан уни ўз йўлидан олиб ташлайди. Ўша пайдан Амир Темурнинг Моварауннаҳрдаги якка ҳукмдорлик фаолияти бошланади. Бу эса унинг 35 йил мобайнидаги ҳукмронлик ва жаҳонгирлик ҳарбий юришлари учун қулай вазиятни вужудга келтирган.

Амир Темур қисқа муддат ичида Амударё билан Сирдарё орлиғидаги ерларни, Фарғона ва Шош мулкларни бирлаштирган ва ўзига бўйсундирган. 1372 йилдан 1388 йилга қадар Хоразмни тўла бўйсундириш учун 5 марта юриш қилиб, уни ўз империясига қўшиб олган. 1395 йилда Шимолий кавказга юриш қилиб, ғалаба қозонган. 1398 йили Ҳиндистонни, 1401 йили сурия ерларни, 1402 йили Анқарадаги турк ерларни босиб олган. Султон Боязидни енгач, Хитойга юриш олдида Ўттор шаҳри яқинида ҳасталаниб, 1405 йил 18 февраль куни вафот этган.

Темурзодалар – ўғиллари: Жаҳонгир Мирзо, Мироншоҳ, Умаршайх ва Шоҳруҳ Мирзо; набиралари: Пирмуҳаммад, Халил Султон, Муҳаммад Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқа темурийлар сулоласини идора қилишда давом этдилар.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бир маромда давом қилди ва муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, Самарқанд Шарқда муҳим савдо, маданият, илм-фан маркази сифатида кўпдан бери маълум эди. Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Шарқий Оврупо билан савдо муносабатлари унинг иқтисодий ва маданий ҳаётида катта рол ўйнади. Мамлакатда ишлаб чиқариш кучлари етарли даражада ривожланган бўлса-да, Темурнинг жуда кўп ҳарбий юришлари сабабли тўпланган ғоят катта бойликлар мамлакатнинг иқтисодий юксалишига маълум даражада ёрдам берди.

Самарқанд ҳунармандчилигида тўқимачилик, металлга ишлов бериш, бинокорлик, кулолчилик етарли ўрин олган бўлиб, шаҳар аҳолисининг кўпчилиги шу тармоқлар билан шуғулланиб келган. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” китобида Амир Темур Шахрисабзда Оқсарой, Самарқандда Боғишамол қасри, жомеъ масжидини ҳамда бир қанча мадрасалар қурдиргани ҳақида маълумот берган.

Амир Темур (1336-1405 йиллар) ўзининг сиёсий қарашларини «Темур тузуқлари» асарида эллик йилдан ортиқ давр (1342-1405 йй.) тарихи билан бирга, давлат ва унинг тузилиши тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Асарда давлат ва унинг амал қилиш тамойиллари, меъёрлари, муносабатлари уни барпо этиш, мустаҳкамлашни кенгаш орқали амалга оширишда ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш лозим. Амир Темур зукко, тажрибали сиёсатдон ва давлат арбоби сифатида, давлатнинг марказий аппарати ва маҳаллий ҳокимиятнинг қандай, қайси ижтимоий тоифаларга таянишини, уларнинг манфаатларини уйғунлаштириш, мансабдор

шахсларнинг бурч ва вазифаларини белгилаб берар экан, жамиятни ма'лум ижтимоий - сиёсий гуруҳларга таянган ҳолда бошқариш лозимлигини таъкидлаш билан, уларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар манфаати билан бирга ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида ҳам муҳим фикр билдиради. У жамиятни 12 тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда бошқариш ишларини амалга оширган. Улар: 1) саййидлар, уламо ва шайхлар; 2) билимдон кишилар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарҳанглар; 5) сипоҳ билан раият; 6) доно ва ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиб ва девон битикчилари; 8) ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар (ҳадис олимлари ва ровийлар); 10) софийлар ва орифлар; 11) хунар ва санъат аҳли; 12) сайёҳлардан иборат.

Давлатни идора етишда вазирлар, амирлар ва ноибларнинг ролига алоҳида эътибор бериб, соҳибқирон Амир Темур садоқатли, ахлоқий пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускорларни қадрлаган.

Амир Темур вазирлар тўрт фазилатга эга бўлишлари шартлигини таъкидлайди: 1) аслик, тоза наслик ва улуғворлик; 2) ақлу фаросатлили; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлик ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш; улар билан яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардош, мулоимлик. У жойлардаги улусларга мустақил сиёсат юргизишга ҳам имконият берган. Ерларни ўзлаштирганлар ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Темур давлат бошқарувида жамият аъзоларини, мавжуд тоифаларга бўлган муносабатда уларни «ишонч билан қўқув» ўртасида сақладим, десада амалда, унда ишонч, кечиримлик, сабр -қаноат тамойиллари устувор бўлиб, мамлакат, давлатнинг куч - қудратини адолат асосида қўрганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У адолат орқали кучли марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлган. Давлат ишларини юритишда ислом билан бирга дунёвий илмга, тамойилларга алоҳида эътибор берган ва уларга амал қилган.

Амир Темурнинг номи билан боғлиқ бўлган унинг “Темур тузуклари” (Тузукий Темурий), яъни Темурнинг бошидан кечирганлари номлари билан аталиб келган. “Темур тузуклари” Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиш баён этилган бўлиб, хандалар тўпламидир.

“Темур тузуклари” икки қисмдан иборат: биринчи қисм Амир Темурнинг етти ёшдан тортиб, то сўнги кунигача бўлган ҳаёти тасвирланган.

Амир Темурнинг давлат бошқарув тизими бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосига қўрилган эди. Давлат ўз таркибий тузилишига кўра ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг саккизта асосига амал қилади:

- давлат сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши;
- давлат ва жамиятнинг сиёсий яхлитлиги бузилмаслиги;
- давлат ва жамият муайян қонунлар, тартиблар, мафкура асосида бошқарилиши;
- бошқарув тизими мувофиқлаштириб турувчи қоидалар шаклланган бўлиши;
- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар аҳволи давлат эътиборида бўлиши;
- фан ва маданият равнақи тўғрисида доимий қайғуриш;

- ҳар бир давлат шарт-шароити, тартибларига кўра давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;

- давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпарварлик ила англамоғи.

Амир Темур давлатчиликнинг бу асосларига тўққизинчисини, яъни, жамият ривож ва барча ижтимоий табақалар, манфаатларини таъминлашини қўшди. Бошқарув икки идорадан: даргоҳ ва вазирлик(девор)дан иборат бўлган.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Амир Темурнинг хизмати шундаки, у давлатчиликнинг бошқарув тизими, ички ва ташқи сиёсатининг тартиб қоидалар, ҳуқуқий асосларини янги тарихий шароитда такомиллаштирди. Ташқи ва ички фавқуллоҳда воқеалардан воқиф турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минган чопарлар бўлган. Амир Темур мамлакатни бошқаришда ўз яқинларига суянган. Давлат бошқарув ишларида Соҳибқирон ислом қонун-қоидаларига асосланган.

Амир Темур давлатида ҳуқуқий муносабатлар бошқа Шарқ давлатларида бўлгани каби Қуръони Карим, ҳадисларда баён этилган тартиб - қоидаларга асосланган эди.

Амир Темур замонида ёзилган асарларни қунт билан ўқисак, ўргансак, унинг кўп яхши хислатлари: тўғрилиқ, мурувватлилиқ, адолатпарварлик, эл-юртига меҳр-муҳаббат, бунёдкорлик ва бошқаларни билиб олишимиз мумкин. Темур тарихда қолдирган яхши ном, у таянган ва тарғиб этган маънавий – ахлоқий қоидалар, одоблилиқ мезонлари биз авлодларга қолдирган буюк маънавий меросдир. Буюк бобомизнинг маънавий – ахлоқий ўғитлари ва меросларини асраб-авайлаш, қадрлаш бизнинг шарафли бурчимиздир.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. И. А. Каримов. Амир Темур даври инсоният тарихида ёрқин из қолдирди. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998 й.
2. И. А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008 й.
3. Ахмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Тошкент, 1996 й.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, 2000 й.
5. И. Рустамов. Ўзбекистон тарихи. ТАТУ ФФ, 2008 й.
6. Муаллифлар жамоаси. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Тошкент, 2007 й.

Мухамедова М. С.
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
(Ташкент, Ўзбекистан)

ХІХ АСР ОХИРИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЁҲЛИККА ОИД ФАКТОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация: Ушбу мақолада ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида Ўзбекистонда сайёҳликка оид фактологик маълумотлар ўрганилган. Бу борада Ўрта Осиё тарихий ва маданий-этнографик ёдгорликлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш мақсадида минтақага дунёнинг турли ҳудудларидан кўплаб сайёҳлар хусусида маълумот келтирилган. Шунингдек, ХХ аср бошларида туризм индустриясининг ривожланиш жараёнлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жаҳон цивилизацияси, табиий-географик, ноёб тарихий ёдгорликлар, туризм индустрияси, маданий-этнографик ёдгорликлар, бой моддий ва маънавий мерос намуналари.

Аннотация: В данной статье в конце ХІХ – начале ХХ веков была изучена информация о туризме в Узбекистане. В связи с этим, с целью ознакомления с историческими и культурно-этнографическими памятниками Центральной Азии и их изучения, в регион представлена информация о многочисленных туристах из разных регионов мира. В начале ХХ века также были проанализированы процессы развития индустрии туризма.

Ключевые слова: мировая цивилизация, природно-географические, уникальные исторические памятники, индустрия туризма, культурно-этнографические памятники, богатые образцы материального и духовного наследия.

Annotation: In this article, information about tourism in Uzbekistan was studied in the late ХІХ – early ХХ centuries. In this regard, in order to get acquainted with the historical, cultural and ethnographic monuments of Central Asia and study them, the region provides information about numerous tourists from different regions of the world. At the beginning of the ХХ century, the processes of development of the tourism industry were also analyzed.

Keywords: world civilization, natural and geographical, unique historical monuments, tourism industry, cultural and ethnographic monuments, rich examples of material and spiritual heritage.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди жаҳон цивилизацияси марказларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг табиий-географик ўрнига кўра, мамлакатлараро иқтисодий-маданий алоқалар ривож, илмий, маданий, диний ғояларнинг шаклланиши ва тарқалишида муҳим воситачилик

вазифасини бажаради. Шу билан бирга, республика ҳудудида бой моддий ва маънавий мерос намуналари, ноёб тарихий ёдгорликлар мавжуд. Айнан шу хусусиятлари тусфайли Ўзбекистон азалдан бутун дунё сайёҳлари эътиборини тортган ва халқаро иқтисодий-маданий алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган туризм марказларидан бири бўлиб келган.

Марказий Осиёнинг тарихий ва маданий-этнографик ёдгорликлари билан танишиш ҳамда уларни ўрганиш мақсадида минтақага дунёнинг турли ҳудудларидан кўплаб сайёҳлар ташриф буюрган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бу жараён янада кучайиб борди. Айниқса, бу даврда фотографиянинг шаклланганлиги туристлар учун кенг имкониятлар яратди. 1885 йилда Парижда фотосуратчи Генрих Мозер томонидан катта альбом, яъни фотолар тўплами нашр қилинди¹. Катта ўлчамдаги тўпلامга икки юзга яқин фотолар жамланган бўлиб, уларда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Туркистон ўлкасининг турли шаҳарлари акс эттирилганди. 1868 ва 1890 йиллар мобайнида Г. Мозер Марказий Осиёга тўрт марта ташриф буюрган ва бу ерда тасвирга туширган фотосуратлари билан Европанинг Париж, Брюссель, Штутгарт шаҳарларида кўразмаларда иштирок этган эди. Г. Мозернинг фотосуратларидан Марказий Осиё ҳақида илмий ишлар, бадиий асарлар ва йўлқўрсаткичлар яратишда Европада кенг фойдаланилган.

Г. Мозер фото санъатининг «архитектура йўналишида» иш олиб борган бўлиб, асосан ўрта асрларга оид тарихий-меъморий ёдгорликларни суратга олган ва биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг ўрта аср тарихий ёдгорликларини асл ҳолича фотосуратларга муҳрлаган.

1885–1892 йилларда Туркистонга ташриф буюрган Ф.Ордэ ўз саёҳати давомида маҳаллий аҳолининг маиший турмуши, кийиниш маданияти ва тарихий обидалар фотопейзажларининг классик намуналарини суратга олган. 1890 йилда Бухоро ва Самарқандга саёҳат қилган Поль Назар репортаж кўринишидаги фотоларни яратган². Унинг фотосуратларида Бухоро ва Самарқанд ёдгорликлари, маиший турмуш лавҳалари, маҳаллий аҳоли вакилларининг психологик портретлари моҳирона муҳрланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлкага ташриф буюрган европалик туристлар ўз даврининг асосий ахборот воситаси бўлган фотосуратларда минтақанинг тарихий муҳити, бой маданий меросини акс эттирганлар.

XIX – XX аср бошларида Марказий Осиёга асосан эркин сайёҳларнинг ташрифи қайд этилган. Уларнинг аксарияти ўз қизиқишларига кўра олиб борган илмий изланишлари ёки савдо-сотиқ мақсадида саёҳат қилганлар. Сайёҳлар бу ердаги шаҳарлар, уларнинг ҳунармандчилиги, бозорлари, савдо-сотиқ ва бошқа соҳаларга оид қимматли маълумотлар қолдирганлар. Чунончи, 1843–1845 йилларда Бухорога ташриф буюрган Жозеф Вольф шаҳарнинг

¹ Голендер Б.А. Туристы-фотографы в Туркестане конца XIX – начало XX веков // Продвижение бренда «Великий шелковый путь» на мировой туристский рынок. Сборник докладов и тезисов сообщений международной научно-практической конференции. – Мадрид, 2008. – С. 14.

² Голендер Б.А. Туристы-фотографы в Туркестане конца XIX – начало XX веков // Продвижение бренда «Великий шелковый путь» на мировой туристский рынок. Сборник докладов и тезисов сообщений международной научно-практической конференции. – Мадрид, 2008. – С. 15.

бозорлари, 1885 йилда Самарқандга ташриф буюрган Генри Лансел маҳаллий хомашё асосида тайёрланадиган бўёқлар ва матолар, XX аср бошларида Туркистонга ташриф буюрган АҚШнинг Россиядаги элчиси Южен Скайлер эса Тошкент шаҳри хунармандлари, хусусан, заргарлар ҳақида маълумотлар тўплаганлар³.

География соҳасида изланишлар олиб борган машҳур сайёҳ Свен Хедди Марказий Осиёга олти марта экспедиция уюштирган⁴. Унинг олган суратлари катта илмий ва тарихий аҳамиятга эга бўлиб, янги изланишлар ҳамда тадқиқотлар учун асос бўлиб келмоқда.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб транспорт ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг ривожланиши натижасида сайёҳлик борасида кенг имкониятлар очилди. 1929 йил 12 апрелда Бутуниттифоқ «Интурист» акциядорлик жамиятининг ташкил қилиниши туризм соҳасидаги деярли барча фаолият турларини бирлаштиришга сабаб бўлган эди⁵. «Интурист» халқаро туризмни ривожлантириш соҳасидаги монопол ташкилот бўлиб, у томонидан сайёҳларга собиқ Иттифоқ бўйлаб 150 га яқин йўналиш (маршрут)лар таклиф қилинган.

Тадқиқотларга кўра, 1929–1934 йиллар оралиғида ушбу ташкилот доирасида совет давлати ҳудудига 100 000 га яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрган, 1934–1937 йилларда эса уларнинг сони 700 000 кишига етган⁶. Йилдан-йилга туристлар сони ошиб борган. Ҳар уч туристнинг бири АҚШ фуқаролари бўлиб, сайёҳлар асосан мавжуд социалистик воқеликни ўрганишга ёки маданий туризм, яъни тарихий ёдгорликлар ва музейлар билан танишиш мақсадида ташриф буюрганлар. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда «1947-1968 йилларда Бутуниттифоқ «Интурист» ташкилоти туризм инфраструктурасини ривожлантиришда ва малакали кадрлар тайёрлашда бир қанча янгиликларни амалга оширди. 1955 йилда ташкилот тарихида тарихий воқеа содир бўлди, яъни маҳаллий фуқароларни хорижга саёҳат қилишлари борасида махсус низом қабул қилинди»⁷. Ички ва ташқи туризм ривожига ўзгаришлар 1956 йилга келиб яққол сезила бошлади. Айнан шу даврда марказий туристик ҳудудларга ўтган даврларга нисбатан беш баробар кўп хорижий сайёҳлар ташриф буюрган.

Хулоса қилиб айтганда, 1950 йилларга келиб бутун дунёда туризм соҳаси ривожланиш йўлидан борди. Ўзбекистонда туризм соҳаси ташкилий-ҳўжалик жиҳатидан совет давлати талабларига мос ҳолда шакллантирилди. Бу давр мобайнида Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг кўпайиши кузатилди. Туристлар республикага саёҳат қилишдан ташқари дам олиш, даволаниш, тадқиқотлар олиб бориш, маданий учрашувлар ўтказиш учун ташриф буюрар эдилар. Ўзбекистонда туризм инфратузилмаси, замонавий туризм

³ Зияева Д. Хориж сайёҳлари Туркистонда тадбиркорлик ҳақида // Мозийдан садо. 2008. №1 (37). – Б. 32–33.

⁴ Мирзаев Р. Свен Хеддининг Буюк Ипак йўлидаги кашфиётлари // Мозийдан садо. 2004. № 3. – Б. 44.

⁵ Большая Советская Энциклопедия. Том 43. – М.: Государственное научное издательство БСЭ, 1956. – С. 437.

⁶ Кудинев Б.Ф. Из истории развития туризма. – М.: Профиздат, 1986. – С. 12.

⁷ Путрик Ю.С. Истории туризма. – М.: Профиздат, 2014. – С. 202.

индустриясининг совет давлати манфаатларига бўйсундирилиши республикада ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун муҳим жиҳатлардан ҳисобланган табиий иқлим шароитлари, қадимий меъморий обидалар кўлами, этнографик ҳамда тарихий ўзига хослиги, турли даврга оид маданий ёдгорликларнинг мавжудлигига қарамай, бу соҳани иқтисодиётнинг муҳим тармоғига айланишига тўсқинлик қилди.

Ўзбекистонда туризмнинг ривожини учун кенг имкониятлар мавжуд бўлгани ҳолда, марказ ҳукмронлиги шароитида улардан ўзбек халқи манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин бўлмади. Сайёҳлик ва у орқали мулоқот ҳамма даврларда тараққиётнинг ғилдираги сифатида хизмат қилиб келган, турли билимлар, ғоялар, тажриба, кузатишлар ва шу аснодаги таассуротлар бир минтақадан бошқасига, бир халқдан иккинчисига ўтиб, уларни бойитиб келган бўлса-да, мазкур соҳага жиддий қаралмади. Натижада республикада туризм ривожига интеллектуал ва моддий-предмет алмашинуви ҳолатлари деярли кузатилмади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Большая Советская Энциклопедия. Том 43. – М.: Государственное научное издательство БСЭ, 1956. – С. 437.
2. Голендер Б. А. Туристы-фотографы в Туркестане конца XIX – начало XX веков // Продвижение бренда «Великий шелковый путь» на мировой туристский рынок. Сборник докладов и тезисов сообщений международной научно-практической конференции. – Мадрид, 2008.
3. Зияева Д. Хориж сайёҳлари Туркистонда тадбиркорлик ҳақида // Мозийдан садо. 2008. №1 (37). – Б. 32–33.
4. Кудинов Б. Ф. Из истории развития туризма. – М.: Профиздат, 1986. – С. 12.
5. Мирзаев Р. Свен Хеддининг Буюк Ипак йўлидаги кашфиётлари // Мозийдан садо. 2004. № 3. – Б. 44.
6. Путрик Ю. С. Истории туризма. – М.: Профиздат, 2014. – С. 202.

Рустамов Зокир Тоирович
ЎзМУ тарих факультети тадқиқотчиси
(Ташкент, Ўзбекистан)

ЎЗБЕКИСТОНДА 1920-1930 ЙИЛЛАРДА БОЛШЕВИКЛАРНИНГ ДИН ВА ИСЛОМГА ҚАРШИ РЕПРЕССИЯЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада болшевикларнинг Туркистон халқлари мусулмон маданиятига барҳам бериш, хусусан Ўзбекистонда ислом динига қарши кураши акс эттирилган.

Калит сўзлар: Болшевиклар, ислом дини, мусулмонлар, Бутуниттифоқ Коммунистик партияси, репрессиялар, НКВД, РСФСР, РКП, ВКП, ГПУ, СББ, ОДГБ.

Октябрь инқилоби ғалаба қозонгандан сўнг болшевиклар собиқ чор империяси ҳудудларини янги қурилаётган Совет Иттифоқи таркибида сақлаб қолишга зўр бериб ҳаракат қилган эдилар. Кейинчалик ислом Совет Иттифоқидаги иккинчи йирик конфессияга айланди. СССРда Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Озарбайжон, Шимолий Кавказнинг бир қатор автоном республикалари ва автоном вилоятлари, Волга ва Урал минтақалари (Татар ва Бошқирд АССР) аҳоли таркибига кўра, асосан, мусулмонлардан иборат эди.

1917 йилда болшевиклар ҳокимият тепасига келганидан кейин дастлабки йилларда уларнинг диний сиёсати ўз йўналишини бир неча бор ўзгартирди. Умуман олганда, диний сиёсат изчил равишда марксистик мафкура билан мос келмайдиган динни йўқ қилишга қаратилган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида болшевиклар мусулмонларга гўёки хайрихоҳлик билан ёндашдилар [1;11 б.]. Аслида бу муносабат янги давлат ички ва ташқи сиёсий вазиятининг мураккаблиги, ҳокимиятнинг чекка ҳудуд мусулмон мамлакатлардаги мўртлиги ва болшевикларнинг дунё инқилобини Шарқнинг мусулмон мамлакатлари сари кенгайтириш мақсадлари сабабли эди. Мусулмон ўлкаларда ҳокимиятни мустаҳкамлагач, болшевиклар 1920-30 йилларда аввал масжидларни ёпдилар, кейин уларни вайрон ва мусулмон руҳонийларининг муҳим қисмини жисмонан йўқ қилдилар. Бундан ташқари, мусулмонлар инқилобгача бўлган барча маҳаллий мусулмон анъаналари ва хорижий алоқалардан бутунлай маҳрум қилиндилар [2]. Тарихий хотирани супуриб ташлаш учун болшевиклар СССР мусулмон халқлари ёзувини араб ёзуvidан мажбуран аввал лотин алифбосига, сўнг кирилл алифбосига алмаштирдилар, ривожланган ҳуқуқий мусулмон таълим тизими 1930-йилларнинг охирига келиб бутунлай йўқ қилинди. Динийми, дунёвийми, илмийми, адабийми, китобми, ҳужжатми қандай бўлишидан қатъий назар араб ёзма манбалари бир қисми мусодара қилинди ва қолгани йўқ қилинди.

Болшевикларнинг динга қарши кураш сиёсати 1920-йиллардан кескинлаша бошлади. 1918 йилда шаклланган РКП (Б) Марказий Қўмитаси ҳузурида черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги фармонни амалга ошириш бўйича Комиссияси 1922 йил 13 октябрдан ВКП (Б) (Бутуниттифоқ Коммунистик (болшевиклар) партияси) Марказий қўмитаси ҳузуридаги Динга

қарши комиссия - ҳукуматнинг динга қарши сиёсатида масъул партия давлат органига айлантирилди [3]. У 1929 йил 30 ноябргача бўлган фаолияти даврида деярли бутун иттифоқ мусулмонлари, жумладан Туркистон халқлари мусулмон маданиятининг ошкора хусусиятларига барҳам берди [4; 624 б.]. Комиссияга ўз вақтида ашаддий худосизлар бўлган Л.Д.Троцкий ва Э.М. Ярославский раҳбарлик қилган ва ташкилотни барча совет раҳбарлари эътироф этишлари мажбур тузилмага айлантирган эдилар [5; 720 б.]. Улардан ташқари, комиссия таркибига худосизлар сафини кўпайтириш мақсадларида турли вақтларда А. Луначарский, В. Менжинский, П. Смидович, П. Красиков, Г. Чичерин, Н. Крыленко, М. Литвинов, Я. Агранов, А. Солъц, И. Сворцов-Степанов, Н.К. Нариманов ва бошқа машҳур партия ва ҳукумат муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари тазйиқ ўтказиш, мажбурлаш воситасида киритиб борилган. Кейинчалик нафақат мусулмон, балки христиан, яҳудий, баптистлар ва бошқа дин вакиллари оламига даҳшат солган Комиссия стратегияси ва тактикаси аслида турли вақтларда В. Ленин, Н. Бухарин, Л. Троцкий, Ф. Дзержинский, Л. Каменев, Г. Зиновьев, И. Сталин, Л. Каганович, А. Рыковлар томонидан белгилаб берилган ва бажарилиши қатий назорат қилинган. Комиссия фаолиятида умумий ҳисобда 100 га яқин амалдорлар иштирок этган [6; 170-184 б.]. На ислом ва на христианликни тушунмайдиган комиссия ҳақида тарихчи ва файласуф С.Савельев шундай ёзади: уни “деярли бутунлай саводсиз, аммо жуда шафқатсиз одамлар бошқарди. Комиссия бошқарув таркиби дин ҳақида энг оддий маълумотларга эга эмаслар. Тарихий ёки фалсафий таҳлил методологияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бу одамлар ГПУ-НКВД ёрдамчилари ва маслаҳатчилари бўлиб, диний ва ахлоқий тафаккурдан бутунлай воз кечди” [7; 34-45 б.]. Комиссия ҳар икки ҳафтада бир марта М.И. Калининнинг қабулхонасида йиғилган, кенг маъмурий ваколатларидан фойдаланиб, 118 учрашувда 842 та масалани кўриб чиққан ва бундан 328 та мусулмон масалаларига оид ўта кескин ва фожиали қарорлар қабул қилган. Айни вақтда у барча давлат органларининг (партия, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) динга қарши курашиш бўйича фаолиятини бошқарган ва назорат қилган. Фаолиятида цензура, дезинформация, жангари атеистлар иттифоқини ташкил этиш, ҳибсга олишлар, жазолаш операциялари, судга тортиш каби услублардан кенг фойдаланган. В. Лобанов комиссиянинг энг ифлос усулларидан бири диний раҳбарлар билан “ишлаш”, уларга босим ўтказиш, кўрқитиш, ёллаш бўлгани, ўз вақтида тарихчи И.Курляндский уларни “динни йўқ қилиш ва диний тафаккурни одамлар онгидан ювиб ташлаш услублари”, деб таърифлаганини қайд этади [8; 23-25 б.].

1929 йил 8 августдаги Марказий Қўмита Сиёсий Бюросининг қарори ҳамда Молотов ва Каганович томонидан имзоланган кейинги махсус “йўриқнома” билан давлат диндорларга нисбатан тўлиқ репрессияга ўтгач, комиссия фаолиятига ҳожат қолмади [9; 381 б.]. Лекин унинг “Жангари Атеистлар Иттифоқи” (собиқ “Атеистлар Иттифоқи”; “Атеист Дўстлари Жамияти”) каби тузилмалари СССРда 1947 йилларга қадар ихтиёрий жамоат ташкилоти сифатида иъвогарларча фаолият олиб борди.

1922 йилда нашр этилган “Худосиз” газетаси [10; 240-243 б.] кейинги диний, жумладан мусулмон репрессияларида мудҳиш ўрин тутган “Жангари

Атеистлар Иттифоқи" (СВБ) нинг пайдо бўлишида ҳал қилувчи ролни ўйнади. Унинг атрофида тез орада мухбирлар ва ўқувчилар тармоғи шаклланди. Марказий Қўмитанинг Динга қарши комиссияси хайрихоҳлиги натижасида 1924 йил августда Москвада "Худосиз" газетаси дўстлари жамияти" (ОДГБ) ташкил этилди. 1924 йил ноябрда Динга қарши комиссия, декабрда эса Марказий Қўмитанинг ташкилий бюроси "Бутуниттифоқ худосизлар жамияти"ни яратиш лойиҳасини қўллаб-қувватладилар [11; 224 б.]. 1925 йил апрелда бўлиб ўтган "Атеист газетаси дўстлари жамияти"нинг 2-конгресси "Атеистлар иттифоқи", деб номланган ягона умумиттифоқ динларга қарши жамият тузишга қарор қилди [12; 112 б.]. Худди шу йили "СССР Атеистлар Иттифоқи" Марказий Кенгашининг органига айланган "Динга қарши" ойлик илмий-услубий журнали пайдо бўлди [13; 168 б.]. 1929 йил 11-15 июн кунлари Москвада ОДГБ нинг 2-съезди бўлиб ўтди, унда 1200 делегат тўпланди (улар орасида 109 деҳқон, 264 ишчи, 575 ишчи ва талаба бор эди) ва ташкилотнинг таниқли номини тасдиқлади. Мазкур съездда М.Горький, Маяковский каби машҳур ижодкорлар ҳам нуқ сўзлашга мажбур этилгани манбаларда қайд этилади [14; 38 б.].

Жангари Атеистлар Иттифоқи ўз тарғибот фаолиятида музейлар ва кўргазмалар яратиш, илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни нашр этиш, шунингдек бир қатор даврий нашрлар - "Атеист" газетаси, "Атеист" ва "Динга қарши" журналларини, СССР халқларининг турли тилларидаги "жангари атеизм", "ёш атеистлар" ва бошқа босма нашрларни амалга оширдилар ва жуда кўп миқдордаги атеистик адабиётларни нашр этдилар [15; 38 б.].

Кейинчалик СВБ завод ва фабрикалар, колхозлар ва ўқув муассасаларига уларни мажбурлаш асосида фаол кириб борди. 1940 йилда СВБ бошланғич ташкилотлари сони 96 мингга, касаба уюшма аъзолари сони эса 3 миллионга яқин кишига етди. Атеистлар ва улар тарғиботчиларини тайёрлаш мақсадида махсус кундузги ва сиртқи курслар очилди. Ижтимоий ҳаётга кўплаб диний бўлмаган ёки унинг қадриятларига қарши байрамлар ва маросимлар киритилди [16; 525 б.]. Компартиянинг кўплаб машҳур Н. Крупская, А. Луначарский, П. Красиков, И. Скворцов - Степанов, Н. Бухарин каби фаоллари бу худосизлар билан ҳамкорлик қилдилар [17; 279 б.].

Юқорида келтирилган атеистик фаолият аслида СССРда диний қатағон ишларини бошлашга тайёргарлик бўлган эди. 1920-йиллар охиридан бошлаб диний ташкилотлар, фаолларни ва барча конфессиялардаги эътиқоди устувор шахсларни жисмонан йўқ қилиш ошқора ҳаракатга айланди. 1930 йил 15-февралда қабул қилинган "Диний бирлашмаларнинг бошқарув органларидаги аксилинқилобий унсурларга қарши кураш тўғрисида" ҳукумат қарори билан маҳаллий ҳокимият органларига дин ва диндорлар устидан назоратни кучайтириш, "Совет тузумига душман бўлганлар" ни йўқотиш тўғрисида кўрсатма берилди. Шундай қилиб, 30-йилларда НКВД жисмоний йўқ қилиш ҳукмининг мумкин бўлган: "аҳоли ўртасида диний тарғибот; шаҳарларнинг совет муассасаларига, қишлоқ кенгашларига кириб бориш; партия ва давлатнинг маданий ва сиёсий фаолиятига қарши чиқиш; давлатнинг солиқ сиёсатида қарши ташвиқот; аксилинқилобий, провокацион миш-мишларни тарқатиш; чет эл аксилинқилобий оқ иммиграция ташкилотлари ва чет эл разведка хизматлари билан алоқа ва бошқалар" [18; 279 б.] каби асосий сабабларини шакллантирди.

“Диндорларга” қарши репрессияларнинг авж палласи 1937-1938 йиллардаги Катта террор даврига тўғри келди. 1937 йилда НКВДнинг “00447-сон”ли махфий операция буйруғи чиқарилди, унга биноан “дин арбоблари ва фаол эътиқодлилар” (улар оддий одамлар бўлсада) репрессияга учраган “антисовет унсурлар” деб эълон қилинди. Ушбу буйруқни амалга ошириш 1937 йил августда бошланган. Лекин, 1937 йил октябр ойида ВКП (Б) Марказий Қўмитасининг пленумида диний ташкилотларнинг СССР Олий Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловлар учун хавфлилиги тўғрисидаги мунозара сабабли НКВД директиваси қабул қилинди, ва унга “яқин кунларда барча конфессиялар аксилинкилобий фаоллигининг тезкор мағлубиятини таъминлаш” вазифаси юклатилди.

Узлуксиз ҳибсга олишлар, сургун ва қатл этишлар 1937-1938 йилларда жадал давом этди. Қатагонларга оид архив ҳужжатларининг асосий қисми ҳозирги кунда тадқиқотчилар учун мавжуд эмаслиги сабабли, диндорлар орасида қурбонлар сони тўғрисида аниқ маълумотлар ҳали ҳам мавжуд эмас. Бироқ, қатагонларга қарамай, 1937 йилги аҳолини рўйхатга олиш шуни кўрсатдики, Совет Иттифоқининг 16 ва ундан юқори ёшдаги 98,4 миллион аҳолисидан 65,3 миллион киши ўзларини диндор деб таништирган (шундан 31,6 миллион киши ўзларини православ, 17,2 миллиони эса мусулмон, деб аташган [19; 720 б.].

Рухонийларга ва диндорларга қарши репрессиялар 1939-1941 йилларда ҳам давом этди. Масалан, 1940-1941 йилларда Қозоғистон ССР НКВД Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ССР ва РСФСР мусулмон рухонийлари вакиллари ва диндорларга қарши “Қуръон занжири” ишини тўқиб чиқарди. Унга кўра бир қатор дин арбоблари “панисломист исёнчилар ташкилоти”ни тузишда айбланган. Ушбу иш бўйича 237 мусулмон рухонийлари гумон қилинувчилар рўйхатига киритилиб, улар Марказий Осиё ҳудудида “капиталистик мусулмон давлатларининг болшевик кофирлари ва Совет режимига қарши” қуролли ёрдами билан мусулмон рухонийлари бошчилигидаги шариат тамойилларига асосланган давлат яратмоқчи бўлганликда айбланганлар. Тергов маълумотларига кўра, бу “исёнчи ташкилот мусулмон мамлакатлари (Эрон, Саудия Арабистони, Туркия), Буюк Британия ва Франция разведка хизматлари билан боғлиқ бўлган”. Ишда 70 киши ҳибсга олинган, улардан 12 нафари отиб ташланган [19; 117 б.]. 1959 йил 27 августда “Қуръон занжири”га алоқадорларнинг барчаси “жиноят таркиби йўқлиги сабабли” жавобгарликдан озод этилди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Арапов Д. Ю. Записка Восточного отдела ОГПУ «О мерах борьбы с мусудуховенством» (1926 г.) // Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность. 2008. № 5. - С. 111.
2. Ислам в СССР. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
3. Антирелигиозная комиссия. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
4. Коллектив авторов. История ЕХБ в СССР. М: издательство ВСЕХБ, 1989.- С. 624.

5. Курляндский И.А. Сталин, власть, религия (религиозный и церковный факторы во внутренней политике советского государства в 1922-1953 гг.). – М. 2011. - 720 с.
6. Лобанов В.В. «Следствие вести без ограничения срока...» (Антирелигиозная комиссия при ЦК РКП (Б) и ее роль в деле Патриарха Тихона) // Альфа и Омега. 2004. - № 1. - С. 170 -184.
7. Савельев С.Н. Бог и комиссары // Социологические исследования. - 1991. - № 2. - С. 34 - 45.
8. Протоколы Комиссии по проведению отделения церкви от государства при ЦК РКП(б)-ВКП(б) (Антирелигиозной комиссии). 1922 -1929 гг. / сост. В. В. Лобанов. - М: ПСТГУ, 2014. - 381 с.
9. Атеистический словарь. Абдусамедов А. И., Алейник Р. М., Алиева Б. А. и др.; под общ. ред. М. П. Новикова. - 2-е изд., испр. и доп. - М: Политиздат, 1985. - С. 240-243.
10. Новиков М.П. Большая русская биографическая энциклопедия (электронное издание). - Версия 3.0. - М.: Бизнессофт, ИДДК, 2007.
11. Олещук Ф.Н. Х лет Союза воинствующих безбожников СССР. - М: ГАИЗ, 1936.
12. Коновалов Б. Н. К массовому атеизму. - М: Наука, 1974. - 168 с.
13. Олещук Ф. Н. Пятилетие Союза воинствующих безбожников. – М. 1930.
14. Покровская С.В. Союз воинствующих безбожников СССР: организация и деятельность: 1925-1947 / автореферат дис.... кандидата исторических наук: 07.00.02. - М.: Моск. гос. обл. ун-т, 2007. - 38 с.
15. Фирсов С.Л. Была ли безбожная пятилетка? // Независимая газета. Религии. - 30.10.2002.
16. Союз воинствующих безбожников // Собаки - Струна. - М: Советская энциклопедия, 1976. - (Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров; 1969 - 1978, т. 24, кн. I).
17. Малышева С. Ю. «На миру красна»: инструментализация смерти в Советской России. - М: Новый хронограф, 2019. - С. 279.
18. Курляндский И. А. Сталин, власть, религия (религиозный и церковный факторы во внутренней политике советского государства в 1922–1953 гг.). - М: Кучково поле, 2011. - 720 с.
19. Гусева Ю.Н. «Цепь Корана» - дело о «заговоре панисламистов» в Средней Азии (1940) (по материалам архивов советских спецслужб) // Известия Уфимского научного центра РАН. - 2017. - № 3. - С. 117.

Хомидов Фарходжон Абдухалимович
Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари” кафедраси мудири
(Тошкент, Узбекистан)

ИМОМ АБУ ИСО ТЕРМИЗИЙ БУЮК МУҲАДДИС

Аннотация: Ушбу мақолада олти саҳиҳ ҳадис тўплами дея эътироф этилган китоб соҳибларидан бири Имом Абу Исо ат-Термизий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шунингдек у киши яшаб ўтган замон ва илмий фаолиятлари ўрганилган.

Калит сўз: Ислом, ҳадис, олим, илм, саҳиҳ.

Ҳадис илми намоёндаларидан бири, олти саҳиҳ китоблардан бирининг соҳиби ва ўз даврининг етук олимларидан саналган Имом Абу Исо Термизий қадим Термиз шаҳридан етишиб чиққан буюк олимлардан бири ҳисобланади. Олимнинг насаби ҳақида манбалар ва адабиётларда турли хил маълумотлар келтирилган.

Имом Термизийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок ас-Суламий ал-Буғий ат-Тирмизий ад-Дарир бўлган. Ушбу маълумотни ҳанафий мазҳабининг йирик олимларидан бири Мулла Нуруддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Ҳаравий Маккий (930-1014/1524-1606) “аш-Шамойл ан-Набавия” асарига ёзган “Жамъу-л-Васоил фи Шарҳ аш-Шамойл” номли шарҳида ва Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий ўзининг “Сияр аълом ан-нубало” номли асарларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар⁸.

Имом Абу Исо Термизий 209/824 йилда таваллуд топган⁹. Имом Абу Исо Термизийни “ат-Тирмизий” нисбаси билан тилга олинишига сабаб у кишининг ўша жойда дунёга келиб, ёшлиги ўша шаҳарда ўтганлиги ва умрларининг охирида яна қайтиб келишидир. Бу ҳақида машҳур тарихчи олим Ёқут Ҳамавий (574-626/1179-1229) олимни Термиз шаҳри аҳлининг машҳур олимларидан бири сифатида таъкидлаб ўтган¹⁰.

Имом Абу Исо Термизийнинг оиласи ва ёшлиги ҳақида манбаларда маълумотлар жуда кам учрайди. Баъзи манбаларда олимнинг исмига “ад-Дарир” сўзи ҳам қўшиб зикр қилинган бўлиб, у “Қўзи ожизлик”ни билдиради. Бу борада икки хил фикр мавжуд. Яъни, баъзи табақотларда олим туғма қўзи ожиз бўлган деб келтирилса, бошқаларида умрининг охирига яқин қўзи ожиз бўлиб қолганлиги айtilган. Шулардан иккинчиси кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилиб, асосланган. Манбалар ва адабиётларда олимнинг вафот

⁸ Мулла Нуруддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Султон Муҳаммад Қорий Ҳаравий Маккий. Жамъу-л-Васоил фи шарҳ аш-шамойл. – Миср: (нашриёти ва йили кўрсатилмаган). – Ж. I. – Б. 6.; Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. XIII. – Б. 272.

⁹ Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-мулоин, 2002. – Ж. VI. – Б. 322.

¹⁰ Шихобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Мўъжам ал-булдон. – Байрут: Дор Содир, 1977. – Ж. II. – Б. 27.

этган йили ва жойи борасида турли маълумотлар учрайди. Жумладан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) ўзининг “Мизон ал-Иътидол фи Нақд ар-Рижол” асарида олимни етмиш ёшида ҳижрий 279 йили Ражаб ойи/милодий 892 йили октябрь ойида Термизда вафот этганини айтиб ўтган¹¹.

Хайруддин аз-Зириклий ўзининг “Ал-Аълом” асарида ҳам 279/892 йили Термизда вафот этганлигини зикр қилган¹². Шамсуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон ўзининг “Вафаят ал-Аъён” номли асарида келтириб, олимни ҳижрий 279 йили 13 Ражаб ойи Душанба куни тунда (милодий 892 йили 17 октябрь ойи Жума куни тунда) Термизда вафот этганини таъкидлаб ўтган¹³. Аммо, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний ўзининг “ал-Ансоб” асарида уни Буғ қишлоғида вафот этганини айтган¹⁴. Шунингдек, ушбу санани машҳур тарихчи олимлардан бири Ҳожи Халифа ҳам ўзининг “Кашф аз-Зунун” номли асарида келтирган¹⁵.

Бу борадаги хулоса шуки, Имом Абу Исо Термизий бугунги кундаги Шеробод тумани ҳудудида дафн этилган бўлиб, бу жой “Абу Исо Термизий” ёки “Термиз Ота” номилари билан аталади.

Имом Термизийнинг илм олиш йўлидаги сафарлари борасида Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғаний (ваф. 629/1231 й.) “Китаб ат-Тақйид” асарида ва Хайруддин аз-Зириклий ҳам “Ал-Аълом” номли асарида Абу Исо Термизий илм ўрганиш йўлида Мовароуннаҳрнинг Термиз ва Бухоро шаҳарларига, Хуросоннинг Балх, Марв ва Рай шаҳарларига, Ироқнинг Куфа, Басра, Бағдод каби шаҳарларига ва Восит қишлоғига¹⁶ ва Ҳижозга сафар қилганлигини таъкидлаб ўтганлар¹⁷. Шунингдек, Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий “Сияр Аълом ан-Нубало” номли китобида Абу Исо Термизий илм ўрганиш мақсадида Хуросон, Ироқ ва Ҳарамайнга борган. Лекин, Миср ва Шомга сафар қилмаган, деб зикр қилган¹⁸. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абу Исо Термизий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига илм ўрганиш мақсадида борган ва ҳадис илмини ўрганган. Хусусан, муҳаддис “Китоб ал-Илал ал-Кабир” асарини Самарқандда “Ийд ал-Адҳа” куни 270/884 йили ёзиб

¹¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мизон ал-иътидол фи нақд ар-рижол. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1975. – Ж. III. – Б. 678.

¹² Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-мулойин, 2002. – Ж. VI. – Б. 322.

¹³ Шамсуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. Вафаят ал-аъён. – Байрут: Дор Содир, 1978. – Ж. IV. – Б. 278.

¹⁴ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб. – Ҳайдаробод: Доирот ал-маърифат ли Умания, 1980. – Ж. III. – Б. 46.

¹⁵ Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор ихъ ат-турос ал-арабий, 2004. – Ж. I. – Б. 320.

¹⁶ Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдулғаний. Китаб ат-тақйид. – Ҳайдаробод: Матбаа мажлис ад-доират ал-усмония, 1983. – Ж. I. – Б. 92.

¹⁷ Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-мулойин, 2002. – Ж. VI. – Б. 322.

¹⁸ Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. XIII. – Б. 273.

тугатган¹⁹. Бу эса, зша даврда олимнинг юртида илм нақадар ривожланганлигига далолат қилади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Абу Исо Термизий ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганган баъзи олимлар у Бағдодга бормаган, агарда у ерда бўлганда эди, албатта Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ханбал (164-241/781-855)дан ҳадис ривоят қилган бўларди деган фикрни билдирганлар²⁰. Лекин, бизнингча олим Бағдодда бўлиб, ушбу шаҳардаги 241/855 йилдан кейин вафот этган муҳаддислардан ҳам ҳадис илмини ўрганган ва улардан ҳадислар ривоят қилган. Бу эса, Бағдодга 241/855 йилдан кейин борганини англатади. Абу Исо Термизий бағдодлик ёки у ерга бошқа ҳудудлардан келган Аҳмад ибн Иброҳим ал-Бағдодий (ваф. 246/860 й.), Иброҳим ибн Саид ат-Табарий ал-Бағдодий (ваф. 249/863 й.) каби ўттиз саккизта устозларидан ҳадисларни ривоят қилган.

Ҳадис илми тарихида III/VIII аср “олтин асри” ҳисобланади. Хусусан, “ал-Кутуб ас-Ситта” – олти энг машҳур ҳадис китоби муаллифлари бўлган имомлар, яъни олти энг улуғ муҳаддис ана шу олтин даврда яшаб камол топган. Шу сабабли ҳам, Имом Абу Исо Термизий ўзининг илмий сафари давомида кўплаб машҳур олимлардан ҳадис илмини ўрганишга муваффақ бўлган. Имом жами икки юз йигирма тўртта муҳаддисдан ҳадис ривоят қилган бўлиб, шулардан “Сунани Термизий” асарида икки юз йигирма бир муҳаддисдан ҳадислар ривоят қилган. Абу Исо Термизий устозларидан баъзиларининг вафот этган йили манбаларда келтирилган бўлса-да, бошқалари номаълум. Уларни куйидаги тартибда кўриш мумкин:

- биринчи гуруҳ 230-239/845-853 йиллар оралиғида саккизта устоzi вафот этган;

- иккинчи гуруҳ 240-249/854-863 йиллар оралиғида саксон саккизта устоzi вафот этган;

- учинчи гуруҳ 250-259/864-873 йиллар оралиғида саксон иккита устоzi вафот этган;

- тўртинчи гуруҳ 260-269/874-882 йиллар оралиғида бешта устоzi вафот этган;

- бешинчи гуруҳ 280/893 йилда вафот этган устоzi Муҳаммад ибн Исмоил ибн Юсуф ат-Термизий бўлиб, у ушбу беш гуруҳда киритилганларнинг энг кеч вафот этган ҳисобланади;

- олтинчи гуруҳ вафот этган йили номаълум бўлган устозлари йигирма тўққизта.

Кўпчилик муҳаддис олимлар ҳаёти ва илмий фаолияти ўрганилса, дастлаб ўз юртидаги илмларни ўрганиши урф бўлган. Кейинчалик бошқа юртларга илмий сафарлар қилганлар. Хусусан, бизнингча, Абу Исо Термизийнинг фаолияти ҳам ушбу одатга мувофиқ бўлган. Бунга далил қилиб олимнинг устозларидан бири термизлик ўз даврининг йирик олимларидан ҳисобланган Абу Абдуллоҳ Солиҳ ибн Абдуллоҳ ибн Заквон ал-Боҳилий ат-

¹⁹ Шихабуддин Абу Ҳафс Умар ибн Касир ибн Давъин ибн Касир ал-Қураший. Ал-Бидая ва-н-нихая. – Байрут: Дор ал-маориф, 1990. – Ж. XI. – Б. 67.

²⁰ Қаранг. Нуруддин Иътр. Ал-Имом ат-Термизий ва ал-Мувазанат байна жамиъх ва байна ас-саҳихайн. – Қоҳира: Матбаа лажнат ат-таълиф ва ат-таржамат ва ан-нашр, 1970. – 526 б.

Термизий (ваф. 231/846 й.)ни келтириш мумкин²¹. Бу олим асли Термиздан бўлса-да, кейинчалик Бағдодга бориб ўша ерда вафот этган. Шу туфайли ҳам, Абу Исо Термизий устозидан Термизда таълим олдики ёки Бағдодда аниқлаш мушкул. Тарихий воқелик қандай бўлганлигига қарамасдан, Абу Исо Термизий ушбу устозидан “Сунани Термизий”да ўн учта ва “Китаб ал-Илал ал-кабир” асарида битта ҳадис ривоят қилган.

Шунингдек, Балхлик ўз даврининг йирик олимларидан Муҳаммад ибн Амр ас-Саввоқ ал-Балхий (ваф. 236/850 й.)ни келтириш мумкин. Муҳаддис ундан “Сунани Термизий”ида еттита ҳадис ривоят қилган. Бу эса, олимнинг хуросонлик муҳаддис олимлардан ҳам таълим олганлигини кўрсатади.

Абу Исо Термизий устозларидан учтаси – Имом Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Ал-Бухорий (194-256/810-870), Имом Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий Абул Ҳусайн (204-261/819-875) ва Имом Абу Довуд машҳур муҳаддислардан ҳисобланади²².

Албатта, Абу Исо Термизий имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг машҳур шогирдларидан бири бўлиб²³, ундан нафақат ҳадис илмини²⁴, балки йўналиш ва ҳидоятни ҳам ўрганган²⁵. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ўз даврининг ҳадис илми соҳасида етакчи олим ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, Абу Исо Термизийнинг илмий фаолиятида унинг мавқеи жуда катта бўлган ва “Сунани Термизий”, “Китаб ал-Илал ал-Кабир” каби йирик асарларини ҳам устози Имом ал-Бухорий билан учрашганидан кейин битган. Бу ҳақида, муҳаддиснинг ўзи “Сунани Термизий” асарида қуйидагича баён этган: “Мен на Ироқ ва на Хуросонда “Илал” ва “Тарих” маъносини тушунишда ва санадларни билишда Муҳаммад ибн Исмоилдан кўра билимлюроқ бирор кимни учратмадим”²⁶. Шу сабабли ҳам, Абу Исо Термизий ушбу устозидан “Сунани Термизий” асарида ўнлаб ҳадислар ва “Жарҳ ва таъдил”га оид юзга яқин фикрларини ҳам келтириб ўтган. Имом ал-Бухорий ўз шогирди имом Термизийни алқаб, камтаринлик билан: “Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим”, деб таъкидлаган²⁷. Бу Абу Исо Термизийга берилган жуда катта баҳо эди.

Абу Исо Термизийнинг машҳур устозларидан яна бири Абул Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож Ал-Қушайрий бўлиб, устозидан нафақат ҳадис илмини

²¹ Жамолуддин Абулҳажжож Юсуф ал-Миззий. Таҳзиб ал-Камол. – Байрут: Муассасат ар-рисала, 1996. – Ж. XIII. – Б. 61-63.

²² Абдулазиз Валийуллоҳ ад-Деҳлавий. Бустон ал-муҳаддисин. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2002. – Б. 84.

²³ Шамсуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. Алвафйат ал-аъён. – Байрут: Дор Содир, 1978. – Ж. IV. – Б. 278.

²⁴ Солахуддин Халил ибн Ойбек ас-Сафдий. Накт ал-ҳимян фи нуқат ал-ъумён. Миср: ал-Матбаа ал-жамолия, 1911. – Б. 264.

²⁵ Абдулазиз Валийуллоҳ ад-Деҳлавий. Бустон ал-муҳаддисин. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 2002. – Б. 84.

²⁶ Абу Исо Термизий. Сунан. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 1996. – Ж. VI. – Б. 229.

²⁷ Шихобуддин Абулфазл Аҳмад ибн Али ибн Ҳажжор ал-Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. III. – Б. 669.

ўрганган, балки ундан ҳадис ҳам ривоят қилган. Хусусан, “Сунани Термизий”да ушбу устозидан ҳадис ривоят қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олимнинг устозларидан саккизтаси Термизга нисбат берилган бўлиб, “Сунани Термизий” асарида улардан жами қирқ бешта ҳадис ривоят қилинган.

Хуслоса ўрнида шуни айтиш керакки, Абу Исо Термизий нафақат ўз юрти, балки бошқа ўлкаларга ҳам илмий сафарлар қилиб ўз даврининг машҳур олимларидан турли илм соҳаларида таҳсил олган. Натижада, у буюк муҳаддислар қаторидан муносиб жой олган ва қатор қимматли асарларни битган. Хусусан, Абу Исо Термизийнинг саккизта устози айни термизлик бўлгани ҳам бир томондан Термиз шаҳрининг ўша давр ислом дини, илм-фан марказларидар бири бўлганини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан термизлик олимларнинг илм-фанга катта ҳисса қўшганлиги англатади. Қолаверса, муҳаддиснинг илмий сафарларидан кейин ватанига қайтиб илм-фан тарқатишга саъй-ҳаракат қилгани ўз она юртига бўлган алоҳида эътиборни билдиради.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Шихобуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассасат ар-рисола, 1996. – Ж. XIII. – Б. 272.
2. Хайруддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. – Байрут: Дор ал-илм ли-л-мулойин, 2002. – Ж. VI. – Б. 322.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий. Мизон ал-иътидол фи нақд ар-рижол. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1975. – Ж. III. – Б. 678.
4. Шамсуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Халликон. Вафият ал-аъён. – Байрут: Дор Содир, 1978. – Ж. IV. – Б. 278.
5. Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашф аз-зунун. – Байрут: Дор ихя ат-турос ал-арабий, 2004. – Ж. I. – Б. 320.
6. Солаҳуддин Халил ибн Ойбек ас-Сафдий. Нақт ал-ҳимян фи нуқат ал-ъумён. Миср: ал-Матбаа ал-жамолия, 1911. – Б. 264.
7. Абу Исо Термизий. Сунан. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий, 1996. – Ж. VI. – Б. 229.

Ҳаётова Нафиса Закировна
Бухоро Давлат Университети “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси
(Бухара, Ўзбекистан)

ҚАДИМГИ БУХОРО ДАРВОЗАЛАРИ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро шаҳрининг қадимий қалъа девори ҳамда шаҳарнинг тарихий дарвозалари хусусида айрим маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: қалъа, Канпирак, бурж, хонақо, қопқа, Аттор, Нур, меъморлик.

Бухоро Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлиб, жаҳон тамаддуди ривожланишида катта ҳисса қўшган йирик савдо марказларидан биридир. Ўзининг узоқ тарихи давомида шаҳар фаол қурилиш ва қайта қурилишнинг бир неча босқичларини бошидан кечирди. Шаҳар қадимдан мудофаа деворлари билан ўралган бир қалъа шаклида бўлиб, йигирма беш аср мобайнида меъморлик ривожини намоён этадиган обидаларнинг нодир мажмуасини ўзида жамлаган. Шаҳарнинг тарихий ва қадимий кўринишини ҳозирги кунгача сақлаиб келаётган қалъа деворлари ва унинг дарвозаларининг аҳамияти каттадир.

Илк ўрта асрларда обод воҳаларни ташқи душман босқинидан ҳимоя этиш учун уларнинг атрофлари бир неча юз чақирим узунликда баланд ва қалин деворлар билан қўшаб олинган эди. Бухоро воҳаси атрофини 336 км. лик масофада ўраб олган мудофаа девори “Канпирак” номи билан машҳур бўлган. Наршахийнинг ёзишича бу девор 783-831 йилларда барпо этилган [1; 112]. VII асрдан қадимги Бухоро шаҳрига 7 дарвоза орқали кирилган [2; 41]. Бу дарвозалар Темир дарвоза, Кўҳандиз дарвозаси, Бинни Асад дарвозаси, Бинни Саъд дарвозаси, Атторлар дарвозаси, Нур дарвозаси, Ҳақроҳ дарвозалари бўлган.

Маълумки, мўғул истилоси даврида қалъа деворлари ва дарвозалар вайрон қилиниб шаҳар ўт ичида қолиб кетади.

Шаҳар ҳозирги қиёфасига Шайбонийхонлар ва Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган XVI - XVII асрларда эришган [3; 77]. Бухоро мудофаа девори асрлар мобайнида бир неча марта ўзгарган. XVI асрда шайбоний Абдулазизхон ибн Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида (1540-1550) қалъа девори кенгайтирилди. Абдуллахон II ҳам шаҳар деворларини мустаҳкамлайди ва ғарбий қисмини яна кенгайтиради [4; 20]. Шу тариқа девор узунлиги 12 чақирим масофага етказилиб, баландлиги 10 ва қалинлиги 5 метр ўлчамда бутунлай қайта қурилади. Унга махсус 110 бурж ўрнатилиб, ҳимоя имкониятлари кучайтирилади. Қалъа девори тузилиши тўғри тўртбурчак шаклида эмасди. Акс ҳолда унинг майдони 900 гектардан ортиқроқ бўларди. Деворнинг бўртиқ ва қавариқ ўринлари кўп бўлиб, шаҳар майдони 650-700 гектар деб тахмин қилиш мумкин [5; 141].

Шайбоний Абдулазизхон ибн Убайдуллахон қурилишидан кейин Бухоро шаҳри дарвозалари ўн биттага етади. Жумладан,



1. Мозори шариф дарвозаси. XIII асргача у Калабод дарвозаси деб аталган. Ундан Хожа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбандий зиёратгоҳига борилар эди [6].

2. Самарқанд дарвозаси. Шаҳарнинг шимоли-шарқий тарафида жойлашган, ундан бошланган йўл орқали Самарқандга борилган. Самарқанд дарвозаси 1959 йилгача сақланган эди [7]. 2007 йил 11 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро шаҳрининг тарихий қисмидаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш масалалри тўғрисида” Қарори асосида [8], 2008-2009 йилларда шаҳарнинг қадимги кўринишини тиклаш борасидаги сайи-ҳаракатлар натижасида қалъа дарвозаларнинг баъзилари рамзий тарзда тикланди.



3. Ҳазрати Имом дарвозаси. Бу дарвоза ташқарисида Имом Аҳмад Абу Ҳафс Кабир (вафоти 834-835) қабри бор эди. Унинг шарафига мазкур ном

аталган. X асрларда бу қопқа дарвозаи Маъбад деб аталган [1; 23]. 1959 йилларда совет ҳукумати юритган сиёсати оқибатида, шаҳар ҳудудини кенгайтириш баҳонаси билан кўпгина тарихий иншоотлар, жумладан масжид, мадраса ва шу қатори шаҳар девор ва дарвозалари бузиб ташланади. 2008-йилда дарвоза рамзий тарзда қурилади.



4. Ўғлон дарвозаси. Ромитан йўли шу қопқадан бошланади [6; 19].

50-йилларда унинг ёнига жойлаштирилган ҳарбий қисм томонидан бузиб ташланган.


5. Талипоч дарвозаси. Ундан Чор Бакр, Оғоибузрук ва Хожа Убон зиёратгоҳларига бориладди.



Талипоч дарвозаси (олд ва орқа қисми)

6. Ширгарон дарвозаси. Чашмаи Айуб ва Хиёбон даҳаларига шу қопқадан кирилган.

7. Қорақўл дарвозаси. Шаҳарнинг ғарбий тарафида жойлашган бўлиб,



Ҳозирги кўриниши 1923-27 йилларда олинган расм

Қорақўлга борилган. Уни “Ҳожилар дарвозаси” деб ҳам аташган.

Бухоро халқи, одатда, шу дарвозадан ҳажга йўлга отланарди ва қайтганда ҳам ундан шаҳарга кириб келарди. Дарвоза 1558-1575 йилларда Абдуллахон томонидан қурдирилган.

8. Шайх Жалол дарвозаси шаҳарнинг жануби-ғарбий томонида бўлиб,

Бухорони кўчманчи қабилалардан аҳолини ҳимоя қилган. Амир Абдуллазизхон ўз устози Шайх Жалолиддин шарафига шаҳар дарвозаларининг бирини номини шайх Жалол деб атайди. Дарвоза ичкарасида унга атаб хонақо қурилади [9; 15]. Кейинроқ хонақо ёнида масжид ва унинг вафотидан кейин мақбара қурилади. Лекин, 1930-40 йилларда бу обидалар вайрон қилиниб, ўрнига акация дарахтлари ўтқазилган. Ҳозир шайх Жалол гузарининг бир қисмида вилоят касалхонасининг бинолари қурилган. Дарвоза рамзий тарзда тикланган..

9. Намозгоҳ дарвозаси 1119-йилда уста Бақо томонидан қурилган бўлиб, 1550-йилларда Аштархоний Абдулазизхон томонидан таъмирланган. Дарвозахонанинг бўйи 11,6 метр, эни 13,8 метр бўлган.



1930-йиллар сурати

10. Силахона дарвозаси. Бу қопқадан чиқиб, охунд Юсуф Қорабоғий, Шамсул Аимма ал-Кирдарий, Абдуллоҳ Сабзамунӣ, Ғавсул Аъзам зиёратгоҳларига борилган.

11. Қарши дарвозаси. Шаҳар жанубида жойлашган. Қарши, Балх, Қобул, Ҳисор тарафларга борадиган карвон, кўпинча шу қопқадан чиққан. Кейинги ҳукмдорлар деворни зарурат бўлганида таъмирлатиб туришган.



Қарши дарвозаси Бухоро иқтисодиётига асосий аҳамият касб этган дарвоза ҳисобланган. Когон орқали темир йўл линияси ётқизилгандан сўнг Бухорога келтириладиган ва олиб кетиладиган товарлар (пахта, қорақўл мўйнаси, матолар) шу дарвоза орқали ўтган. Амир Абдулаҳадхон даврида Когондан Бухоронинг Қарши дарвозасигача, кейинчалик Қарши дарвозасидан иккинчи пассажгача ва ундан почта бўлимигача бўлган йўлда тош ётқизилган.

“Бухоронинг қайта қурилиши ва транспорт воситаларининг кўпайиши муносабати билан” 1939-йил 17-майда имзоланган ҳужжатга асосан Бухоро шаҳар кенгашига Қарши (Қавола) дарвозаси ва унда туташ қадимий шаҳар деворларини бузиш бўйича торшириқ берилади ва дарвоза бутунлай бузиб юборилади. Ҳозирги кунда мазкур дарвоза ўрнида Бухоронинг марказий кўчаларидан бири Б. Нақшбанд ва И. Каримов кўчаларини туташтирувчи “вокзал” чорраҳаси жойлашган.. Айни пайтда ҳам бу чорраҳа том маънода Бухоронинг эски шаҳрига кириш жойи саналади.

Хулоса қилсак, ҳозирги кунга келиб бу дарвозаларнинг фақат иккитасигина (Қоракўл ва Талипоч) бизгача етиб келган холос, қолганлари XX аср иккинчи ярмидан бошлаб совет ҳукумати даврида шаҳар қиёфасига катта ўзгаришлар қилинди. Шу асносида шаҳар икки қисмга эски ва янги шаҳар қисмларга ажратилиб, кўпгина тарихий обидалар, мачит ва мадрасалар, савдо тоқилари, қалъа деворлари ва дарвозалар бузилиб ташланади. Шунинг таъкидлаш керакки, шаҳар дунёда кам учрайдиган, милоддан аввалги V асрдан бошлаб бир жойнинг ўзида ташкил топиб, ривожланиб келаётган шаҳарлар сирасига киради. Шу сабаб жаҳонда илму маърифати билан танилган олим-фозиллар туғилиб ўсган ўлкани ҳар бир тарихий обидасини, шаҳарнинг қалъа деворлари ва дарвозалар тарихини билиш ва уларни асраш, шаклландирилган тарихий муҳитни сақлаб қолиш ҳар биримиз учун муҳимдир.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос, Т. 1991. 112-бет
2. Ибн Ҳавқал, Ернинг сурати китоби., Т. 2011. 41-бет.
3. Ўзбекистон.Шаҳарлар ва афсоналар. Т., “Давр” нашриёти, 2014, 77-бет
4. А. Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи.Т., “Академнашр”, 2017, 20-б.
5. Ҳ. Тўраев. К исторической топографии Бухары // XIX аср охири –XX аср бошларида Бухоро. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Б, 2016. - 141-б.
6. Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ал-Бухорий. Тарихи Бухоро ва таржумат улуламо. ШҚМ.№1595 (тошбосма).-Б.19
7. Д.Ш. Муродова. XX аср бошларида Бухоро шаҳри дарвозаларининг ҳолати хусусида. 2016. - Б. 136.
8. lex.uz
9. Н. Йўлдошев, Ҳ. Қурбонов “Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи”. “Бухоро”, 2001й, 15-б.

Шарипов Файзулло Нарзиевич
Қарши давлат университети катта ўқитувчиси,
Абдиалимов Шоҳижаҳон Мухтор ўғли
Қарши давлат университети талабаси
(Қарши, Ўзбекистон)

ЎЗБЕКЛАРДА РАНГЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДИМИЙ

Инсонлар ҳаётида учрайдиган ранглар уларнинг маънавиятини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутиб, ранг руҳиятига ҳар дақиқада ижобий таъсир этиши мумкин.

Ранг- моддалар чиқарган ёки қайтарган нурланиш таъсирига мос равишда ёруғликнинг муайян кўриш нуқтасини ҳосил қилиш хоссаси. Нурланишнинг ёруғлик энергияси атрофидаги буюмлардан қайтиб, кўз қорачиғи орқали кўзнинг сезгир ҳужайралари қабул қилувчи пардасига тушиб, унга фаол таъсир қилади. Модда қайси рангдаги нурни ютса, ўша рангдаги нурни ўзидан чиқаради.

Ранг-тус, ранг, бўёқ;бўяш учун ишлатиладиган модда, бўёқ. Ранг-тасвирнинг асосий ифода ва тасвир воситаси; нарсаларга суртилган ёки сингдирилган бўёқ, сир; бирор нарсанинг ўзига хос бўёғи, тус; кишининг юзидаги қизиллик даражаси. Шунингдек ранг-баранг,рангвор, ранг- тасвир, рангдор, рангин, рангламоқ, рангли, ранго- ранг, рангпар, ранг- рухсор, ранг-рўй, рангсиз, ранг- тус, ранг- кут каби сўзлар ҳам мавжуд [1: 347-349].

Уч хил рангнинг қўшилишидан ҳоҳлаган рангни ҳосил қилиш мумкин. Халқаро келишувга мувофиқ уч асосий ранг танлаб олинган: қизил, яшил ва ҳаворанг. Рангларни бир бири билан аралаштириб, янги ранг ҳосил қилиш услуги ётади. У ҳам камалак (спектр) рангларини бир- бири билан аралаштириш орқали 280 дан зиёд ранг тусланишини ҳосил қилиш мумкин.

Ранг инсон руҳиятига ҳам таъсир этувчи муҳим восита бўлиб у инсонда қувонч ва маъюслик, тетиклик ва ғамгинлик, хотиржамлик ва безовталиқ туйғуларини уйғотади. Халқимизда “Ранг-кўр, ҳол сўр” ибораси бежизга айтилмаган. Бу билан “Биров билан муомала қиладиган бўлсан, унинг ранг-рўйига, яъни соғ ёки носоғлигига, кайфиятининг яхши ё ёмонлигига, унга айтиладиган гап-сўзингга ўрнида ёки ўрни эмаслигига, вақтини ёки вақти эмаслигига ва ҳ.к.га қараб иш кўриш. Масалан, “Сўхбатдошнинг нодон бўлса, унга яраша ҳол-аҳвол сўра, унга тасалли берувчи кўнглини кўтарувчи гап-сўз қил, юрагига ваҳима соладиган, асабини бузадиган гапларни, хабарларни айтиб,унинг касалига касал қўшма!” деган маънода насиҳат қилинадур [2: 301].

Табиатдаги ранглар ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади. Ахроматик рангга оч ва тўқ қорагача бўлган бўёқлар, қолганлари хроматик (қизил, сариқ, кўк ва ҳ.к) ранглар қиради. Хроматик ранглар ўз навбатида иссиқ (қизил, сариқ, зарғалдоқ) ва совуқ (кўк, мовий, бинафша) шунингдек ҳар иккисига муайян (бинафша, яшил) рангларга ажратилади [3: 249].

Баҳорда лола сайлига чиқилганида, тоза ҳаводан ташқари қир-адирларда турли рангдаги гулларни, майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чўққисидаги оппоқ қорни кўриб кайфият кўтарилади, ҳаётга ва табиатга бўлган меҳр ошади. Шунинг учун ҳам қадимдан табиблар беморларга эрта баҳорда

қир-адирларга саёҳат қилишни тавсия этишган. Шунингдек, Беруний, Фирдавсий, Навоий, Бобур каби жаҳонга машҳур алломалар ҳам ранглари турлари, маънолари, инсон соғлиғига таъсири ҳақида илмий изланишлар олиб боришган ҳамда жуда кўп асарлар яратишган.

Масалан, Ўрта Осиёнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўзининг "Минерология"- "Қитоб ал жамоҳир фи маърифат ал жавоҳир" ("Қимматбаҳо тошларни билиб олиш ҳақида маълумотлар") асарида ранглarning 200 дан ортиқ номларини санаб ўтган ва келиб чиқишини теран баён этган. Шарқда олимлар, шоирлар, мусаввирлар, наққошлар, ҳаттотлар ранглarning 100 ортиқ турини ажрата олишган ҳамда уларнинг номини, ҳаттоки рамзий маъносигача чуқур билишган.

Ушбу ранг бизгача етиб келган баъзи намуналар қуйидагича: алвон раҳувон, барги карам, бинафша, буғдой ранг, кўк, ложувард, лола ранг, малла, мовий, мош ранг, нафармон, оқ, пистамағиз, пистагипушти, сариқ, сафсар, само ранг, сур, феруза, ўчоқ кесак, қизил, қирмизи, қора, қорамағиз, қорача, кўнғир, ҳаво ранг, анордона, ақиқ, байзогул, барг ранг, бақа тўни, бика, бурул, гулнор, гулоб, данифаранг, жигари, жийрон, жўжа, зийнови, зар, зарчава, зарғалдоқ, каптарбўйин, кўкимтир ва ҳ.к

Аждодларимиз бизга ранг ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, тарбиявий, фалсафий, руҳий томонлари ҳақида бой мерос қолдиришган. Масалан, аллома Ҳусайн Воиз Кошифий либосларнинг ранги ҳақида шундай ёзган: "Либосларнинг ранги турлича бўлади. Ҳар бир ранг ўзига хос маънони ифодалайди. Агар оқ либос нимани англатади, деб сўрасалар, шундай дегин: оқ кийим куннинг рангидир. Шунинг учун бундай либос юрагида гина ва адоват бўлмаган кишиларга нур улашади. Агар кўк либос нимани билдиради, десалар, шундай дегин: кўк ранг сувнинг рангидир. Шу боис бу рангда кийинган кишилар саҳий ва ҳаётни севувчи бўлишлари лозим. Ким агар бу рангни маъқул кўрса, худди сувдек тоза ва мусаффо, ҳар бир қалбга яқин бўлади. Қора либос нимани англатади, десалар, шундай дегин: қора ранг тун ва кўз қорачиғининг рангидир. Шу боис бундай либосни кийганларнинг қалблари сир асрорга тўладир. Агар яшил кийим тўғрисида сўрасалар, шундай айт: яшил ранг самимий ва етук кишилар рангидир. Бундай кийим кийган киши ёрдамга муҳтож кишиларга иложи борича кўмаклашиши керак".

Аждодларимиз сариқ рангни сариқ касалга даво деб ҳисоблаб келишган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган ва уйни сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳам бемор кўргани борганларида сариқ салла ўраб борган эканлар. Чунки, сариқ ранг қуёш нури, илиқлик, кўтаринки руҳ рамзидир.

Ранглarning ўрнини туркий, жумладан ўзбеклар таркибига кирувчи этносларда ҳам учратиш мумкин. Академик К.Шониезовнинг ёзишича XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида қанғилар бешта йирик тармоққа бўлинган: сариқ қанғли, қора қанғли, оқ, кўк ва қизил қанғли. Шунингдек оқ хуннлар, кўк турк, қизил ўғуз, оқ нўғай, оқ қипчоқ, сариқ қипчоқ, сариқ қатағон каби тармоқларга бўлинишлар ҳам ана шу тарзда пайдо бўлган [4: 146].

Қора, қизил, кўк, сариқ, оқ рангли ёрқин ранглар тасодифан пайдо бўлмаган. Қадимги даврда Олтой ва Жанубий Сибирда яшаган туркий қабилалар шимол, жануб, шарқ, ғарбни ранглар билан атаганлар. Қора ранг

шимолни, қизил ранг жанубни, кўк ранг шарқни, оқ ранг ғарбни, сариқ ранг марказни ифодалаган..

Ер юзининг маълум бир томонига қараб жойлашиш қадимги хунн қўшинларининг ҳарбий қисмларида ҳам ўз инийкосини топган. Манбаларга кўра хунларнинг қўшини тўрт қисмга бўлиниб, ҳар бир қисм жанглarda маълум рангдаги отларни минган суворийлардан иборат бўлган. Қўшиннинг ғарб томонида саф тортган суворийлар- оқ от, шарқий қисмида- бўз от, шимолдаги- қора от ва жанубдаги- сариқ от миниб сафда турганлар.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ёшлигида Шахрисабздаги мадрасада таълим олганида Курраи замин айланаси етти иқлим ва етти осмондан иборат эканлигини англаган ва шунга кўра етти рангни дунё гўзаллигининг асоси деб тушунган. Мазкур ранглар орасида Амир Темур тасаввуридан муҳим ўрин эгаллаган, мовий осмон ул зотни мудом ўйлашга ҳаёл суришга, тунларини бедор ўтказишга даъват этиб турган. Мовий осмон бу ранглар орасида муҳим ўринда турган чунки, бу ранг ҳамиша инсон ҳаётининг манбаи- оби ҳаёт демакдир, Темурбек давлати байроғи ҳам шу рангда эканлиги ҳам бежиз эмас, албатта. Ҳаттоки давлат қабулхоналари-саройлар ҳам ранглар билан номланган.Оқсарой, Кўксарой ва ҳ.к.

Соҳибқирон армиясидаги ҳар бир туман-қўшин ўзининг маълум бир рангдаги либосига, ялов ва оти, катта совути ва ўқдонлари оқ рангда эди. Қизил байроққа эга туманларнинг лашкари қизил рангда бўлган.

Хорижий мамлакатлар билан алоқада ҳам қизил байроқлар қўлланилган. Амир Темур элчилари Византиянинг Пера шаҳрига келганида Соҳибқироннинг тож байроғи кўтарилган. Амир Темур қўшинининг ҳар бир қисмига тааллуқли кўк, сариқ, бинафша, қизил, қора рангли байроқ ва яловлар ҳилпираб турган.

Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо Самарқанд шаҳрида Амир Темур саройида бўлганида (1403 йил кузида) бу ердаги чодирни тасвирлаганда, унинг қизил, ранг-баранг, тилла иплар билан тўқилган гилам тўшалганлигини ёзади. Шунингдек элчи оқ ипак мато билан қопланган ораларидан қорамтир ва сариқ рангли чодир мавжудлиги ҳақида маълумот берган. Элчи шоҳи гиламлар, оқ атлас матоларни ҳам тилга олган [5: 123].

Рангли номлар баъзи уруғ-қабилла номининг олдида сифат бўлиб келиши уларнинг ўтмишда оламнинг қайси томонларига нисбатан яшаган жойларини билдирган. Қанғлилар илк ўрта асрларда ва кейинги даврларда ҳам анъаналарига кўра, уларнинг таркибидаги қора қанғли қабилла иттифоқининг яшаган даврини шимолда, қизил қанғлилар ерларини- жанубда, кўк қанғли- шарқда, сариқ қанғли- марказда, оқ қанғли- ғарбда жойлашган бўлиши мумкин.

Академик К.Шониезовнинг маълумотича, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги Қанғли қишлоғида яшовчи сариқ қанғлилар ўзларини доимо юқори қўйишиб, оқ суяк, тоза қанғлилар деб аташган. Сариклардан подшо, хоқонлар чиқишган. Шунингдек сариқ қанғлилар ўзларини тоза қонлилар деб келишган [4: 146-147].

Сариқлар қадимги туркий қабилалардан бўлиб, кўплаб хоқонлар саркардалар етишиб чиққан. Улар ўзларини “оқ суяк“, тоза қанғли деб ҳам аташган. Сарикларнинг аجدодлари шимолий Хитойда яшашган. Кейинчалик

уларнинг бир қисми сариқ уйғурларга қўшилган, қолганлари туркий қабилалар билан ғарбга силжишган. Вақт ўтиши билан улар Кичик Осиё ва Юнон империяси ерларига жойлашишган.

XIV-XV асрларда сариқлар бўлиниб, Дашти Қипчоқ қабила иттифоқига киришган. XIV-XV асрларда сариқлар ўзбек, туркман, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ таркибига кириб аралашиб кетган ва баъзилари ўз этник номларини сақлаб қолишган. Бир қисми эса Сибирь халқлари таркибига ҳам сингишиб кетишган. Масалан, Касби туманидаги Қатағон қишлоғидаги қипчоқлар ҳам ўзларининг аждодларини “сариқ қипчоқ” ёки сурп (тоза) қипчоқлар деб аташади. Куйи Қашқадарёдаги Сариқ қишлоғида ҳам сариқ уруғлари авлодлари яшашади.

Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг анъанавий никоҳ-тўй маросимларида ранглар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маросимлардаги оқлик-оқ ранг ёшларнинг бўлғуси ҳаёти тимсоли ҳисобланган. Масалан, келинникига илк бор совчиликка борилганда оқлик берилган.

Келин куёв хонадонига кирганда ҳам оқ ун, оқ мато, оқ сут билан кутиб олинган. Келин-куёв учун алоҳида оқ ўтов ҳам тикилган. Никоҳ тўйининг эртасига қудалар бир-бирларига оқ ун суртишган. Келин ўзи тушган хонадон супрасидаги оқ унга қўлини теккизган. “Куёв чақирди” маросимида хонага куёв учун оқ поёндоз солинган. Келин-куёв оқ рангдаги кийимларни кийишган. Бу рангга хурсандчилик, поклик, келажакда ёруғлик, ҳаёт тимсоли деб қаралган. Қадимда оқ рангдаги нарсалар ёш оиланинг келажакдаги ҳаётининг муваффақиятини таъминлаш йўлидаги ўзига хос афсунгарлик вазифаларини бажарган, албатта.

Никоҳ маросимида ҳам келин махсус тикилган оқ рангдаги либос кийган. Халқимизда оқ ранг поклик, тозаллик тимсоли ҳисобланиши билан бирга рамзий маънода бўлғуси келинлик, кизлик олампдан “аёллар” дунёсига ўтганлигини ҳам англатган. Шунингдек чақалоққа кийдириладиган кўйлак (“чилла кўйлак”, “ит кўйлак”) ёки марҳум кафани ҳам оқ матодан тайёрланган. Ёш болаларни турли бало-қазолардан, ёвуз ниятли кишилар нигоҳидан асраш умидида, уларга қўшнилар ёки ўз хонадонидан турли газмоллар парчаларидан ва матолар кийқимидан қуроқ кўйлакчалар тикиб кийдиришган. Бундай турли рангдаги қуроқлардан келин-куёвга ёстиқ, дастурхон ҳам тикилган. Турли рангдаги газмоллардан тикилган “қуроқлар” ёмон кўзлардан сақловчи ҳимоя воситаси ҳисобланган [6: 181, 183].

Аёлларнинг барча ҳомий- кулътларга Анбар она, Деви Сафзид, Биби Сешанба ва Биби Мушкуликушод оқ либосда тасвирланганлиги оқ рангнинг аёл тимсоли ифодаси эканлигига ишорадир [6: 204].

Хунармандчиликда доимо анъанавий табиий ранглардан фойдаланилган. XIX аср 60-70 йилларидан Россия босқинидан сўнг табиий ранглар ўрнига заводларда тайёрланган бўёқлар қўлланила бошланган. Масалан, каштачиликда табиий ранглардан ипакни бўяш усуллари мавжуд. Пиёзнинг пўстини қайнатиб кўк ранг, ўрик (зардоли)-нинг илдизидан қизил, ўсмани қайнатиб яшил ва ҳоказо ранглар тайёрланган. Табиий ранглар билан бўялган ипакнинг умри боқий бўлиб, инсонларни ўзига жалб қилади. Шунингдек ипакни бўяшда анор, ёнғоқ рангларидан ҳам фойдаланилган [7: 246].

Ранглар замиридаги эътиқодларни таомларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, кўк чой совуқлик, эркак чой дейилиб, оқ сувдан, яъни тоғ сувларидан тайёрланган. Қора чой қора сув ҳисобланган ер-ости сувидан қайнатилган. Тухумнинг оқи оқлик, сариғи эса совуқлик ҳисобланган. Қора ош- марҳум дафн этиладиган кунда пиёзсиз тайёрланадиган таом саналган. Қора ер- майит дафн этиладиган жойни-қабристонни англатган.

Мозий тарихга назар ташласак халқ кўзғолонларни ҳам турли ранглар билан уйғунлашганлигини кўриш мумкин: Оқ кийимлилар, сариқ рўмолликлар, қизил қошлар кўзғолонлари ва ҳ.к.

Хуллас, ўзбек халқи турмуш тарзида турли ранглар билан боғлиқ қадимий эътиқодлар излари анчагина сақланиб қолган. Кўрдикки, оқ ранг поклик рамзи саналган. Қизил, сариқ, бинафша каби ранглар тўй- тантана рамзи бўлса, кўк, қора ранглар мотам белгиси ҳисобланган. Ранглар инсон руҳиятига сезиларли таъсир ўтказиб келган. Демак, халқимиз анъанавий дунёқарашида ҳар бир ранг маълум эътиқодий қарашлар билан уйғундир.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани.- Тошкент.: Шарқ, 2001.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-ж. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2004.
4. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент.: Фан, 1990.
5. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2007.
6. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқодлари. – Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
7. Ашурова Ш. Яхшилар тажалласи. - Қарши.: 2009.

Юсупов Ахбор Хайдаржон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистрант
(Ташкент, Ўзбекистан)

СОМОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ НАСЛ-НАСАБИ АРАБ ТАРИХЧИЛАРИ АСАРЛАРИДА

Аннотатсия: Мақолада Сомонийлар сулоласи насл-насаби ҳақида араб тарихчилари асарларида келтирилган маълумотлар ҳамда Сомонийлар форсий оилага ёки туркий оилага мансублиги масаласи кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Сомонийлар, Сомон-Худот, Сомон қишлоғи, Наршахий, Муқаддасий, Ибн ал-Асир, Ибн Ҳавқал.

Сомонийлар давлати тарихи ўзбек давлатчилигининг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бу давр қисқа бўлишига қарамай, ўзининг илмий муҳити билан характерланади. Бу давр Мовароуннаҳр ва Хуросонда тинчлик ва озоишталик олиб келиб, кўплаб шаҳарларда илм-фарн тараққий этишига замин яратган.

Сомонийлар сулоласи вакиллари туркий халқлар орасида ислом динини кенг ёйилишида катта ҳисса қўшганлар. Улар Тоҳирийлар сулоласига ҳамда Араб халифалигининг Аббосийлар сулоласига содиқлик билан хизмат қилишган. Сомонийлар сулоласи вакиллар ичидан кўплаб адолатли, илмга чанқоқ олим кишилар ҳамда иқтидорли саркардалар етишиб чиққан.

Сомонийлар давлати тарихи ўша даврнинг кўплаб тарихчи олимлари томонидан ёзиб қолдирилган. Шунга қарамай Сомонийлар сулоласи насл-насаби ҳозирги кунга қадар бахсли мавзулардан ҳисобланади. Бу борада совет даври олимлари ҳам жуда катта ишлар олиб боришган. Жумладан В.В. Бартольд "История Туркестана" асарида, Б.А. Беленицкий "Истоки саманидской цивилизации" асарида, С.Л. Волин, А.А. Ромаскевич ва А.Ю. Якубовскийларнинг "Материали по истории Туркмен и Туркмении" асарларида ҳамда кўплаб бошқа тарихчи олимларнинг асарларида Сомонийлар давлати ва сулоласи тарихи ҳақида маълумотлар учрашини кўришимиз мумкин.

Сомонийлар сулоласи Ислом шарқидаги ҳурматга сазовор сулола сифатида келтириб ўтилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Муқаддаси ўзининг "Аҳсан ат-тақасим фи маърифат ал-ақалим" асарида Сомонийларнинг нуфузи ҳақида "Қачонки биз Шарқ сўзини айтибмиз у эса Сомон оиласи давлатидир" дея эътироф этган. Сомонийлар сулоласи вакиллари Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кўплаб шаҳарларини бошқаришган. Сомонийлар даврида тинчлик ҳукм сургани боис, ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросондан кўплаб қомусий олимлар етишиб чиққан. Сомонийлар давлати ҳақидаги энг батафсил маълумотлар Абу Бакр Муҳаммад ибн Джафар ан-Наршахийнинг "Тарихи Бухоро" асарида бериб ўтилган. Бу асарнинг форсий тилдаги манти бизгача етиб келган.

Сомонийлар насл-насаби уларнинг боболари Сомон-худот ва унинг аждодлари билан боғлиқдир. Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида Сомонийлар бобоси бўлмиш Сомон-худот “Сомон” қишлоғининг эгаси сифатида кўрсатилади. “Сомон” номли қишлоқ қайси ҳудудда жойлашганлигида ҳам турли хил фикрлар мавжуд. Бу қишлоқ жойлашган ҳудуд эса кўплаб манбаларда турлича келтирилган. Муҳаммад Наршахий ва Ҳамза Исфаҳоний бу қишлоқ Балх шаҳри атрофида жойлашганлиги айтиб ўтганлар. Абу Абдуллоҳ ал-Муқаддаси “Аҳсан ат-тақасим” асарида эса уларни асли Самарқанд яқинидаги Сомон қишлоғидан деб ёзади. Яна бир араб тарихчиси Ёқут Ҳамавий эса ўзининг “Муъжам ал-булдон” асарида “Сомон” қишлоғи Исфаҳон минтақасида бўлганини, лекин Сомонийлар сулоласи бу ҳудудга мансуб эмаслигини таъкидлайди. Лекин бу қишлоқ Самарқандда ёки Исфаҳонда бўлиши ҳақидаги қарашлар нисбатан асоссиздир. Чунки Сомон-худотнинг аждоди деб қаралувчи Баҳром Чубин ҳам маълум вақт Балх шаҳрини идора қилган. Сомон-худот эса Балх шаҳридан келиб Хуросон ноиб Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий билан учрашган ва ислом динини қабул қилгани ҳамда Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий Сомон-худотнинг Балхдаги рақибларини енгишида ёрдам бергани ҳақида ишончли маълумотлар мавжуд.

Сомонийлар сулоласи ҳақида гап кетганида уларнинг асл келиб чиқиши ҳақида бахсли муназара мавжуд. Баъзилар уларни форсий оиладан келиб чиққан дейишса, баъзилар туркий ўғуз оиласидан дейишади. Айни вақтда Сомонийлар даврида яшаган тарихчи Истаҳрий уларни аслзода форс оиласи авлодлари деб ёзиб қолдирган. Бу маълумотга таяниб, кўплаб ўрта аср тарихчилари ҳам уларни форсий оила вакиллари деб билишган. Бу маълумотлар Абу Абдуллоҳ ал-Муқаддаси “Аҳсан ат-тақасим” асарида ҳам учрайди. Ибн Ҳавқал ҳам ўзининг “Китоб сурат ал-арз” асарларида Сомонийларни асл келиб чиқиши аслзода форслардан эканлигини ёзган. Бунга сомонийларнинг Баҳром Чубиннинг авлодлари бўлганлиги асос сифатида кўрсатилади. Чунки Баҳром Чубин Сомонийларнинг машҳур саркардаларидан бири бўлган. Унинг номи тарихда форс лашкарбошиси сифатида қолган. Шу сабабдан ҳам кўплаб тарихчилар Сомонийларни аслзода форсий оила авлодлари деб билишади.

Замонавий араб тарихчиларидан Исомуддин Абд ал-Рауф ал-Фиккий ўзининг “Ад-Дуал ал-мустақила фил-машриқ ал-исламий” китобида Сомонийлар сулоласини форсий оиладан келиб чиққанини таъкидлайди. Бу қараш бошқа замонавий араб тарихчиларида ҳам мавжуд. Улардан яна бири Аҳмад Муҳаммад Адвон бўлиб, у ҳам ўзининг “Дувайлот ал-Машриқ ал-Исламий” асарида Сомонийларнинг аслий келиб чиқиши форислардан бўлганлигини келтириб ўтади. Улар бу маълумотни Гардизийнинг “Зайн ал-ахбор” асари орқали тасдиқлашади.

Юқоридаги маълумотларга таянадиган бўлсак, Сомонийлар форсий оиланинг авлодлари деган хулосага келинади. Лекин буни инкор этувчи маълумотлар ҳам мавжуд. Сомонийлар сулоласи отаси бўлган Сомон-худот ҳақида Наршахий ўзининг “Тарихи Бухоро”, Ибн Ҳавқал ўзининг “Китоб сурат ал-арз” асарларида унинг насл-насаби Баҳром Чубиндан келиб чиққанлиги келтирилади. Буни ўрта аср тарихчиларидан Ибн ал-Асир, Абу Райҳон Беруний, Ас-Самъоний ва Ан-Насафийлар ҳам ўз асарларида тасдиқлаб

ўтишган. Бундан ташқари Сомонийларнинг келиб чиқиши асли форсий деб ёзган Гардизий ҳам ўзининг “Зайн ал-ахбор” асарида уларнинг насл-насаби Баҳром Чубинга бориб тақалишини ёзган. Демак биз Баҳром Чубин асли форс ёки турк бўлганлигини аниқласак, Сомонийларнинг келиб чиқишига аниқлик киритган бўламыз.

Шамсиддин Камолиддин ўзининг “К вопросу о происхождении Саманидов” асарида шундай маълумотлар келтиради: Сомонийларнинг келиб чиқиши аслзода форслардан бўлганлиги ҳақидаги фикр хато бўлиб, бу уларнинг фақат Баҳром Чубин авлодлари бўлганлигига асосланган. Аслида Сомон-худотнинг аجدодлари Баҳром Чубиннинг Турк хоқони Эл-тегиннинг қизи билан қурган оиласининг авлодлари бўлганлар [Macoudi II: 223 - 224; Фирдоуси 1952: 302; Mustawfi-i Qazwini: 120 – 121]. Баҳром Чубиннинг ўзи ҳам аслида форс бўлмаган, балки Сосонийлар хизматидаги хуросонлик ўғуз туркларидан келиб чиққан [Гумилев 1967: 162; Ризо 1955: 152].

Бундан кўриниб турибдики Сомон-худотнинг аجدодлари она томондан туркий бўлган. Баҳром Чубиннинг ўзи ҳам ўғуз туркларидан бўлганлигини ҳисобга олсак, араб тарихчилари орасидаги Сомонийларнинг форсий оиладан бўлганлиги ҳақидаги қарашлар нотўғридир. Араблар Ўрта Осиёга кириб келишидан аввалги даврда Сосонийлар давлатининг нуфузи ва ҳудудининг катталиги ҳам тарихчиларни Хуросон воҳасидаги қавмлар ҳам форсий бўлган деган хулосага олиб келган. Ёки Сомонийлар ўзлари давлат бошқарувни мустаҳкамлаш мақсадида ўзларини форсий оила вакиллари сифатида кўрсатишган. Лекин улар ўзларини форсий оила вакиллари сифатида кўрсатиши билан форс бўлиб қолишмайди. Уларнинг аجدодлари эса туркийлардан бўлган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Сомонийлар ҳақидаги араб тарихчилари келтирган маълумотлар ичида уларни форсий оила вакиллари сифатида кўрсатиш нотўғридир. Чунки уларнинг аجدодлари туркий қавмлардан бўлган. Араб халифалигида мамлуклар даври бўлгани сир эмас. Улар ҳам ёлланма туркий аскар бўлган. Агар Баҳром Чубин форс лашкарбошиси бўлгани учун форсий оиладан чиққан деган фикр тўғри бўлганда эди, унда мамлукларни ҳам араб деб билишимиз керак бўларди. Ҳудди араб халифаларининг кейинги даврдаги саркардалари туркийлардан бўлгани каби, Сосонийларнинг лашкарбошиси Баҳром Чубин ҳам туркий аскарлардан бўлган.

SECTION: PHILOSOPHY

Bozorboyev Bahodir Karim o'g'li
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti magistranti
(Toshkent, Uzbekistan)

**AMIR TEMUR SIYOSIY BOSHQARUVINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI VA
DIPLOMATYASIDA ISLOM DINING O'RNI
(SH.O'LJAYEVA VA M. XAYRULLAYEV ASARLARI TALQINIDA)**

Annotatsiya: Ushbu maqolada Amir Temur tashqi siyosatining o'ziga xos xususiyatlari hamda Amir Temur diplomatiyasida islom dinining ro'li tarixiy manbalar va ilmiy tadqiqotlar asosida o'rganilgan.

Kalit so'zlar: Amir Temur, siyosat, diplomatiya, devon, ma'muriy tizim, boshqaruv a'nanalari, quriltoy, Boyazid, jete, hulagiylar, adolat, imon, tashqi aloqalar, ko'chmanchi, o'troq, yarim ko'chmanchi.

Ko'hna tarix sahifalari buyuk bobomizning millat va el – ulus manfaati bobida chekkan mislsiz zahmat hamda ko'rsatgan shijoatlariga guvohlik beradi.

Insof – imon tuyg'usi, diyonat mezoni Amir Temur hayotining mazmunini tashkil etadi. Olamning qariyb yarmiga jahongir ersa – da, u kuch-qudrat zo'rlik, zo'ravonlikda emas, aksincha, adolatda ekanini teran angladi²⁸. O'zi tuzgan davlatini har tomonlama rivojlantirdi va boshqaruvda o'ziga xos bo'lgan tizimni ishlab chiqdi. Shuni alohida ta'kidlash o'rinliki, Amir Temur o'z davlati sarhadlarini yurishlar evaziga kengaytirgan bo'lsa ham, adolatli qonunlar, to'g'ri qo'llangan boshqaruv orqali mintaqalardagi tinchlik, barqarorlik va adolatni ta'minlashga intilgan. Shunga qaramay tarixiy manbalarning ayrimlarida Amir Temurni Chingizxon singari bosqinchilik urishlarini olib borgan shaxs sifatida ta'riflashadi. Lekin bu yondashuv noto'g'ligi asoslovchi boshqa manbalar ham bor. Xususan, Sh. O'ljayeva o'zining "Amir Temur davlat boshqaruvi" nomli monografiyasida Sohibqiron bilan Chingizxon o'rtasida yaqinlik yo'qligini tarixiy faktlar bilan keltiradi. Bizningcha, Amir Temur boshqaruvining Chingizxon davlatchilik an'nalardan farq qiluvchi qator jixatlari mavjud.

Birinchidan, devon tizimi qadimgi davlatchilik an'nalari muvofiq tuzilgan bo'lib, bu apparat – ma'muriy tizimni Amir Temur boshqaruvga asos qilib olib kirgan edi.

Ikkinchidan, agar Chingizxon 1206-yilda Onon daryosi bo'yida chaqirilgan quriltoyda urug' – qabilachilik tuzumida yashayotgan, geosiyosiy jihatdan katta ahamiyatga ega bo'lmagan sahroda osonlik bilan ilk mo'g'ul davlatining rahbari etib saylangan bo'lsa, Amir Temur o'ziga xos davlatchilik an'nalari ega IX – XII asrlarda dunyo sivilizatsiyasini bemisl darajada boyitgan yarim o'troq va o'troq aholi yurtida yagona davlat tuzishga erishgan.

²⁸ И.А. Каримов Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанадаги нутқи. 1993.31-август

Uchinchidan, islohotlarda islom mafkurasi birinchi o'ringa qo'yilgan.

To'rtinchidan, Amir Temur, Chingizxondan farqli o'laroq islom va adolat bayrog'i ostida yurishlar uyishtirgan. Uning harbiy yurishlari Chingizxon uyishtirgan qirg'inlardan tubdan farq qilgan. Agar Chingizxon o'z yurishlarida bema'ni qirg'inlar uyishtirib, ko'plab shaharlarning aholisini tamomila qirib tashlagan bo'lsa, Amir Temur harbiy harakatlarida u yoki bu hududda adolat o'rnatish, zolimlarning qo'llini qirqish maqsad qilib qo'yilgan. Shunda ham avval masalani tinch yo'l bilan hal qilishga uringan. Faqat bu urinish zoye ketgandagina qilich ishlatilgan.

Beshinchidan, Chingizxon o'z boshqaruvida ko'chmanchi aholining manfaatlarini himoya qilgan. Amir Temur esa o'troq va ko'chmanchi aholining mafaatlari uygunlashtirgan holda davlatni boshqargan.

Oltinchidan, Chingizxon asosan boylik orttirish maqsadida yurishlar uyishtirgan. Amir Temur esa mintaqalarda boj-u xirojlar olish bilan birga tinchlik, xotirjamlik, adolat, qonuniylik, iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash yo'lidan borgan.

Yettinchidan, Chingizxon yurish qilgan yerlarida o'z ortidan vayronalar qoldirgan. Bu yo'qotishlar ko'plab xalqlar va davlatlarning qariyb bir yuz ellik yil orqaga qaytishiga, taraqqiyotning keskin darajada pasayib ketishiga sabab bo'lgan. Amir Temur mintaqalardagi yurishlari shunchaki boylik orttirish missiyasi emasdi, uning zamirida jiddiy asoslar mavjud edi. Amir Temur raqiblarning aybi bilan vayron etgan yerlarni vaqti kelib qayta tiklagan va o'ziga bo'ysungan yerlarda keng bunyodkorlik ishlari olib borgan.

Ba'zi adabiyotlarda Chingizxon va Amir Temur beshafqatlikda keng ayblanadi. Ammo Amir Temur ko'rgan choralar raqiblari tomonidan sodir etilgan jinoyatlarga nisbatan jazo bo'lganini unutmash kerak.

Sakkizinchidan, Amir Temur harbiy sohani mo'g'ul uslubiga ko'ra yuritgan bo'lsa ham, unga katta o'zgartirishlar kiritdi va ma'muriy boshqaruvda turk-fors-arab an'analaridan unumli foydalandi.

To'qqizinchidan, Chingizxon o'z vatanini ozod qilib, mustaqil va markazlashgan davlat tuzish rejasini tuzgan emas. Amir Temur esa Movarounnahrda emas, butun Osiyo mintaqasining katta qismida qudratli saltanat tuzib, bu yerda istiqomat qiladigan xalqlarning tinchlik-farovonligiga katta imkoniyatlar yaratdi. Uning davrida davlat, jamiyat hamda fuqarolar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solishga, barcha sohalaridagi ijobiy o'zgarishlarga aynan davlat tomonidan olib borilgan siyosat bosh omil bo'lib xizmat qildi²⁹.

Amir Temurning bu davrda Movarounnahrda tashqaridagi mamlakatlar hukmdorlari bilan olib borgan diplomatik muloqatlar shuni ko'rsatadiki uning jahongirlik siyosatidagi barcha masalalar asosan islom dini nuqtai nazariga asoslangan holda hal etishga qaratilgan³⁰ "Men hamisha podsholar uchun kofirlarga qarshi g'zot urush qilishdan, mamlakatlarni zab etishdan va jahongirlikdan yaxshiroq ish yo'q degan fikrda edim"³¹. Tajribadan ko'rib bildimki deb ta'kidlagan edi u, - agar davlat dinu oyin (qoida) asosida qurilmas ekan, unday saltanatning shukhi qudrati

²⁹ Ўлжаева.Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Монография. Тошкент. "Академнашр". 2017. 37-бет

³⁰ М. Хайруллаев. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент. "ХЕГА-ПРИНТ" 2003.66-бет

³¹ Амир Темур. Темур Тузуклари. Тошкент. "Hilol media".2019. 82-бет

va tartibi yo'qoladi³². Amir Temur islomni g'oyaviy bayroq sifatida o'zining boshqa mamlakatlar va xalqlar bilan bo'lgan munosabatlarida hamisha bedahl saqlashga, uni bosh masala tarzida har vaqt diqqat markazida tutishga qattiq e'tibor berib kelinadi. U, masalan, turk sultoni Boyozid bilan olib borgan yozishmalarida doimo uning g'ayri dinlarga qarshi olib borgan kurashiga xayrixohlik bildirishini unutmagan, bu boradagi o'z nuqtai nazarini imkon boricha kengroq tarqatishga harakat qilgan³³. To'g'ri, ko'pchilik hollarda Sohibqironning harbiy yurishlari musulmon mamlakatlarga nisbatan amalga oshirilgan. Gap shundaki, bunday hollarda musulmon hukmdorining hech qanday asos bo'lmagan bir sharoitda boshqa musulmon davlatiga tajovus qilishiga fatvo yo'q. Ammo mo'g'illar hukmdorligi yillarida ko'pgina musulmon sarhadlarida islom dinning oldingi mavqei susayib qolgan chunki majusiy mo'g'il hukmdorlar (masalan, O'rta Sharqdagi Hulagiylar yoki Markaziy Osiyo sharqidagi jetallar) o'z manfaatlarini yo'lida islom qonun qoidalari bilan mutloq hisoblashmas edilar. Amir Temur davlat tepasiga kelgan vaqtda bu boradagi ahvol islom dini foydasiga o'zgara boshlagan bo'lsada, hali ko'p majusiylarning g'oyaviy hayotdagi salbiy ta'siridan bo'lgan norozilik bosilmagan edi. Xulosa o'rniida shuni aytish mumki, Sohibqiron bu ahvoldan o'ziga tobe kuchlarni maqsad sari safarbar etishga va boshqa mamlakatlarga nisbatan harbiy yurishlarda qurol kuchidan ko'ra diplomatiyani afzal bilgan, undan g'oyatda oqillik bilan foydalangan. Amir Temur o'z siyosatida adolat va islom ahkomlariga tayangan xolda boshqardi. Ko'plab xalqlarni birlashtirdi va markazlashgan ulkan imperiyaga asos soldi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. И. А. Каримов Тошкент шаҳрида соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанадаги нутқи. 1993.
2. Ўлжаева. Ш. Амир Темур давлат бошқаруви. Ташқи сиёсат. Дипломатия. Монография. Тошкент. "Akademnashr". 2017
3. М. Хайруллаев. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент. "ХЕГА-ПРИНТ" 2003
4. Амир Темур. Темур Тузуқлари. Тошкент. "Hilol media". 2019

³² Ўша асар. 57-бет

³³ М.Хайруллаев. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тошкент. "ХЕГА-ПРИНТ" 2003.67-бет

Азимов Улуғбек Абдухалилович
Фарғона политехника институти ўқитувчиси
(Фарғона, Ўзбекистан)

МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШ ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Аннотация: Ушбу мақолада маънавий дунёқараш ва унинг ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда миллий қадриятларига бевосита таъсири илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, замон ва инсон руҳиятига боғлиги масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: Маънавий дунёқараш, қадриятлар, миллий қадриятлар, тафаккур, урф-одат, маънавият, маънавий тараққиёт, диний қадриятлар.

Қўйилган муаммонинг таҳлиliga киришишидан олдин «маънавият», «маънавий тараққиёт» ва «миллий дунёқараш» тушунчаларининг ўзаро муносабати масаласига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Биз тадқиқотнинг олдинги қисмида «маънавият» атамасининг моҳиятига етарли даражада тўхталиб ўтдик. Энди унинг «маънавий тараққиёт» ва «миллий дунёқараш» атамаси билан ўзаро алоқадорлигини қараб чиқамиз.

Маънавий дунёқараш замонавийликнинг инсон руҳи билан чуқур суғорилган ва миллийлигимиз, тилимиз, динимиз, урф – одатларимиз, қадимий анъаналаримизга таянган бўлмоғи зарур. Шундай онгга, дунёқарашга таянган маънавиятгина халқимиз, миллатимиз илғор жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишига имкон яратади.

Зотан, маънавий дунёқараш, тафаккур деганда, авваламбор, қуйидагиларни назарда тутамиз:

- ҳар бир инсонни ўз шахсий иқтидори, истеъдоди, қобилияти, ижодий имкониятларини мумкин қадар тўла ишга солиш, намоён қилиш, ривожлантиришга ундовчи, меҳнат, ишлаб чиқариш маданиятини;

- бозор муносабатларини, рақобатчиликка асосланган мураккаб шароитларда тўғри йўл тутишнинг иқтисодий маданиятини;

- моддий ва маънавий истеъмол юксак даражасининг муҳим кўрсаткичи – турмуш маданиятини;

- меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат қиладиган жойларда, кишилар ўртасида таркиб топадиган, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик ҳамда инсонга ҳурмат каби муҳим фазилатларни тақоза этувчи инсоний муносабатлар маданиятини;

- ҳамма соҳада эзгуликни қарор топтирувчи ахлоқий маданиятни;

- ҳар бир киши томонидан ўз ҳуқуқи ҳамда мажбуриятларини пухта билиши, уларни ўзи ва бошқалар фаровонлиги йўлида амалда қўллай олиш уддасидан чиқишининг жиддий омили, сиёсий маданият ва ҳоказоларни.

Маънавият, онг, дунёқараш, тафаккур қанчалик муҳим бўлмасинлар охир – оқибатда, ўзларида инсонлар, жамият турмушининг ҳаёт тарзини акс эттирадилар, уларнинг ҳал қилувчилик таъсири остида яшайдилар ва ўзларининг сарчашмалари фаолиятига таъсир ҳам ўтказадилар. Мазкур

таъсирнинг даражаси, унинг қўламининг ўзи айтилган пайтда муҳим аҳамиятга эга омил – ҳаёт тақозоси, турмуш талаби билан белгиланади.

Умуммиллий манфаатларга риоя қилиниши, умуммиллий қадриятларга содиқлик ва уларнинг эътиқод ҳамда ҳаётий мавқега айланиши янги дунёқарашнинг асосини ташкил этади. Умуминсонийлик ва миллийлик, адолат учун кураш, ахлоқ нуқтаи назаридан бу дунёқараш нейтрал бўлиши мумкин эмас, чунки у аниқ мақсадга қаратилган. Умуммиллий ғоялар, умуммиллий ва умуминсоний қарашлар, қадриятлар янги дунёқарашнинг мазмунини ташкил этади.

Агар биз тарихдан сабоқ олмасак, мустақиллик йўлини тўғри белгилай олмаймиз. Улуғбек ва унинг мактабидан сўнг XX асрнинг ўртасигача биринчи халқимиз дунёвий фан даҳоларини бермаган. Нима учун шундай бўлган? Ахир, халқнинг мероси бир лаҳзага ҳам ўзгармаган-ку! Ҳамма гап шундаки, XV асрнинг ўрталардан бошлаб Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эроннинг бутун ҳудудида диний мистика (тасаввуф) илмий рационализмдан устунлик қилди. Бу илм-фан, маданият ва охир оқибатда ижтимоий ишлаб чиқаришдаги тангликнинг сабабларидан бири сифатида майдонга чиқди. Ўша даврда ижтимоий ишлаб чиқариш ва фан тараққиёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар ҳам Европаникидан кам эмас эди. Позитивизм асосчиларидан бири, XIX асрнинг машҳур олими Герберт Спенсер шундай таъкидлаган эди. «Ҳар қандай турдаги олий санъат фанга асосланган, фансиз етук асар, етук баҳонинг бўлиши мумкин эмас»³⁴. Спенсернинг ушбу мулоҳазаси касбий тадқиқот ва ижод, жумладан, диний ижодга ҳам тегишлидир.

Ал-Беруний, Ал-Термизий, Яссавий, Нажмиддин Кубро, Ғиждувоний ва Нақшбанд, Хўжа Ахрор, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, ал-Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Улуғбек ва Али Қушчи даврларида, яъни дунёвийлигимиз гуллаб-яшнаган даврда шаклландилар ва ижод қилдилар. Бу алоқадорлигини эътироф этмаслик илмий жиҳатдан ноҳолислик бўлар эди. Эркин Юсупов томонидан диний қадриятлар ҳақида ҳам қуйидаги фикрларни ифодалаган: «Бизнинг асосий мақсадимиз, диний қадриятларни хурмат қилган ҳолда ўзининг туб моҳиятига қўра дунёвий мафқурани яратишдир»³⁵.

Мактаблар, бошқа ўқув юртлари, давлат маданий-маърифий муассасалари ўқув-тарбиявий ва маърифий ишлари асосига янги дунёқарашини шакллантириш вазифаси қўйилиши зарур.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. Тошкент, 2007.
2. Саифназаров И. и др. Философия. Курс лекции. Ташкент, 2003.
3. Зиёмуҳаммадов Б. Экология ва маънавият. Тошкент, 1997.

³⁴ Спекир Г. Опыта. III СПб, 1866. 50 стр. Академические школы в русском литературоведении. – М.: 1975. - С. 101.

³⁵ Юсупов Э.Ю. Маънавият камолот асоси. // «Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафқураси» тўпламида. - Тошкент: 1993, - Б. 65.

Иброҳимов Равшанхон Абдурахмон ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси магистранти
(Ташкент, Ўзбекистон)

ҚУРЪОНИ КАРИМ МАЪНО ТАРЖИМАЛАРИ ДОЛЗАРБЛИГИ

Қуръон карим маъно таржималари ҳақида сўз юритишдан олдин аввало, таржима сўзига бироз шарҳ бериш лозим бўлади. Бу ҳақда машҳур арабча луғат китобларидан бири “Сихоҳ” номли луғат китобида “Гапини бошқа тилда баён қилган одам уни таржима қилган бўлади” дейилган, яъни таржима – бу бир гапнинг бошқа тилда баён қилинишидир. “Ал-Мисбахул мунир” номли луғат китобида эса қуйидагилар келган: “Фалончи каломини таржимақилди” дегани уни баён қилди ва равшанлаштирди” деганидир. “Бошқанинг каломаини таржима қилди” дегани “Сўзловчининг тилидан бошқа тилга ўгирди” деганидир. XX асрда яшаб ўтган жаҳоннинг улкан аллома-адибларидан бири Умберто Эко “Таржима нима?” деган саволга “Таржима - оригинал тилидаги матнни ҳар қандай бошқа тилда айнан айтиш, тўғрироғи, айнан ифодалаш”, деб жавоб берган эди. Ўзбекистонлик йирик адабиётшунос, таржимон олим Иброғим Ғафуров эса юқоридаги ғарб мутафаккирига қўшилмайди: “Таржима, албатта, ҳар қанча мукаммал бўлмасин, ҳеч қачон у аслиятнинг ўрнини босолмайди. Таржима аслиятга тенглашолмайди”.

Ислом олимлари наздида таржима икки хил бўлади:

1. Ҳарфий таржима. Бунда матн бир тилдан бошқа тилга унинг барча услубий хусусиятлари ва луғавий омиллари ила ўгирилади. Унинг ичида назмининг аломатлари ҳам бўлади. Қуръони каримни ҳарфий таржима қилишни ислом уламолари мумкин эмаслигида яқдил бўлишган.

2. Тафсирий (яъни маъновий таржима). Бунда матннинг умумий маъноси бир тилдан бошқа тилга ўгирилади.

Қуръони карим аслиятда араб тилида нозил бўлган ва илк ислом даврларида у бошқа тилга ўгирилмаган ва бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Чунки пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга яшаган саҳобийлар³⁶, улардан кейинги тобеъинлар³⁷ араб тилини мукаммал билишар эди. Кейинги даврларда эса Қуръони каримни таржима қилиш ёки қилмаслик ислом уламолари томонидан жуда тортишувларга сабаб бўлган. Дастлаб “Қуръони каримни таржима қилиш мутлақо жоиз эмас” деб ҳисоблашган. Чунки уламоларнинг фикрича, Қуръони карим араб тилида нозил бўлган ва унинг маъноларини бошқа тилда айнан келтиришни иложсиз иш деб ҳисоблашган.

³⁶ “Саҳобалар – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сафдошлари, у зот билан мулоқотда бўлган ёхуд ғазотларда қатнашган кишилар; кейинчалик Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни лоақал бир маротаба, гарчи гўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар”. *“Ислом энциклопедияси” академик Нейматулло Иброҳимов таҳрири остида, «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004.*

³⁷ “Тобеъинлар – ислом тарихида саҳобалардан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами. Уч табақа: кубро (катта), вусто (ўрта) ва суғро (кичик)га бўлинган”. *“Ислом энциклопедияси” академик Нейматулло Иброҳимов таҳрири остида, «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2004.*

Қолаверса, Қуръони карим таржимаси даъвоси деган даъво билан кишиларни ҳақиқий Қуръондан узоқлаштириш хавфи туғилиши ҳам назарда тутилган эди.

Худди шу омиллар сабаб илк ислом давридан то XX асрнинг бошларигача ислом олимлари томонидан Қуръони каримнинг таржима қилишга расмий рухсат берилмаган. Бу эса ўз навбатида мустламкаа ғарб давлатлари томонидан Қуръони каримни ўз тилларига таржима қилиниши учун кенг йўл очди. Сабаби, ғарб давлатлари ўзлари бораётган ўлканинг дини билиши зарур эди. Шунингдек, христиан дунёсининг миссионерлик ҳаракатлари томонидан ҳам мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони карим кўплаб ноҳолис, ўз манфаатлари йўлида таржима қилинганлигини учратиш мумкин: «Сир эмаски, Қуръони Каримни роман, хусусан, инглиз тилига таржима қилиш ишлари билан шуғулланаётганлар асосан христиан черковига мансуб роҳиблар, яҳудий руҳонийлари, атеизм ғоясини илгари сурувчи шарқшунослар ва агностик дин таҳлилчиларидир. Уларнинг ҳаммаси ҳам бу ишга ҳолис ёндашмаётганини таржималаридаги матн бутунлай бошқача мазмун касб этаётганлигидан ҳам билиб олиш қийин эмас»³⁸. Шунинг билан бирга, Европа, Америка, айрим Шарқ мамлакатларида Қуръоннинг илмий академик таржималари амалга оширилган. Германияда қилинган таржималари ичидан шарқшунос Р. Паретнинг 1963 — 1966 йилларда чиқарган немис тилига таржимаси энг аниқ илмий таржималардан саналади. Инглизча академик нашри 1969 йилда Англияда «Қуръон интерпретациялари» (талқинлари) деб номланиб нашр этилган.

Кейинчалик замон ўзгариб, турли халқлар орасидаги алоқалар ривожланиши асносида ва мусулмонлар орасида араб тилини биладиганлардан билмайдиганларнинг кўпайиб кетганлиги, айнан улар ҳатто ғарб мустамлакачилари томонидан қилинган Қуръон таржималарини ўқий бошлаганлари, шунингдек, араб бўлмаган халқларни ислом даъват қилиш омишллари туфайли ислом уламолари ҳам Қуръони каримни бошқа тилларга ўгиришга рухсат беришган.

Умуман, ислом динининг асос манбаси бўлган Қуръони Каримни таржима қилиш деганда унинг таркибидаги сура ва оятлар матнидан англашиладиган мазмунни араб тилидаги маъновий муқобилликка мутаносиб равишда лексик, стилистик, семантик ва теолингвистик назарий асосларга таяниб араб тилидан бошқа тилларга ўгириш тушунилади³⁹. Шу ўринда айтиш жоиз, Қуръонни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, деган фикр жуда қадимлардан бери мавжуд. Шунинг учун таржимада кўпроқ тафсир, яъни баён ва шарҳ йўлидан бориш, яъни тафсир қилиш одат тусига кириб, анъанага айланган. Сўзма-сўз таржималар Қуръон оятлари остида, яъни аслият билан бирга бериб бориладиган таржималардагина қўл келиши ва Қуръонни ўрганишда самарали амалий фойда келтириши мумкин.

Адабиётшунослар таъбири билан айтганда, маънолар таржимаси деган тушунчани ҳам турлича англаш ва тушуниш эҳтимолдан узоқ эмас. Маънолар таржимаси дейилганда, талқинлар — интерпретацияларга — уларнинг

³⁸ Mohammed, Khaleel (1 March 2005). "Assessing English Translations of the Qur'an".

³⁹ Fatani, Afnan (2006). "Translation and the Qur'an". In Leaman, Oliver (ed.). *The Qur'an: an encyclopedia*. Great Britain: Routledge. pp. 657–669.

нозикликларига йўл очилади. Сўзма-сўз⁴⁰ таржимада сўзлар ва жумлаларнинг аниқ таржималари ифодаланади. Лекин бунда бадийлик ва услуб юзага чиқмайди. Ҳазрат Саййид Маҳмуд Тарозий (Олтинхон тўра) томонидан қилинган Қуръони карим маънолари таржимаси ҳам шундай сўзма-сўз таржимага яқин. Уни ҳам фақат аслият билан бирга ўқиган маъқул. У Қуръон оятларига сўзма-сўз, жумла-бажумла эргашиб, уларга ҳамроҳлик қилиб боради⁴¹. «Тафсири Ҳилол» таржимаси ҳам оятлар билан эш келиб, уларни сўзма-сўз изоҳлаб боради. Алоуддин Мансур таржимасида эса шарҳларга кенг ўрин ажратилади. Шарҳлар ҳам алоҳида, ҳам яна оятлар таржималари ичида, ҳам қавс ичида кенг қўлланилади. Муаллиф Қуръон маънолари илк ўқиётган ўқувчига тушунарсиз бўлиб қолишидан қаттиқ ҳадиксирайди ва кетма-кет изоҳлар билан оятлар ичини тўлдириб ташлайди. Бу шарҳли таржима учун унчалар ғайритабиий эмас. Лекин жуда кўп ўринларда калом шарҳлар ва изоҳлар ичида кўринмай кетади. Бу асл маънони қабул қилишни жуда қийинлаштиради. Бу томондан Абдулазиз Мансур таржимаси анча олдинга силжиган. Оятлар оралаб изоҳлар анча меъёрида қўлланган. Лекин бу ерда ҳам оятлар аро изоҳлар каломни ҳар томондан бўлиб, ажратиб туради. Калом яхлит эмас. Қабули ҳам яхлит эмас. Каломга қарай десангиз, изоҳ қолиб кетади, изоҳларга эътибор қилай дейилса, калом узук-юлуқ қолиб кетади. Бунинг ҳам бирдан бир сабаби каломнинг нотўғри ўқилишидан ҳадиксираш. Ҳолбуки, аниқ, адекват таржима қилинса, нотўғри ўқиш, тушунишга ўрин қолмайди.

Хулоса ўрнида Қуръони карим маъноларини хусусан, ўзбек тилига таржима қилиш, ҳали дебоҳада турганлиги ва бу келажақда изчил давом эттирилишини таъкидлаш лозим бўлади. Бу борада камчиликлар ҳақида таниқли ўзбекистонлик уламо шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қуйидагиларни ёзган эди: “Араб бўлмаган мусулмон халқлар ичида араб тилини, исломий илмларни яхши ўзлаштирганлар таржима ва ўз тилларида юқори савияда асар битиш соҳасига вақтлари қолмаган бўлади. Аксинча, адиб ва таржимонликни яхши эгаллаган шахсларда эса араб тили ва исломий илмларни кераклигича ўзлаштиришга вақт қолмайди”⁴².

⁴⁰ Бунда уламолар томонидан рухсат берилмаган ҳарфма ҳарф таржима эмас, балки оят қарималар маъноларининг бевосита ўртага турли изоҳларни қўшмай қилинган таржимаси назарда тутиляпти.

⁴¹ Ҳазрат Саййид Тарозий (Олтинхон Тўра 1991 йилда 98 ёшда вафот этган)нинг шарҳли таржимаси 1990 йилда Истанбулда аслият билан бирга нашр қилинган. У «Туркистоний тилига таржима» дейилган ва хорижий мамлакатларда яшовчи туркистонликлар ҳамда уларнинг тил хусусиятлари, тушунчаларига мос ҳолда чиқарилган. Саййид Тарозий таржима ва шарҳни 1956 йилда тамомлаган. 1975 йилда Покистонда босмадан чиқарган. Таниқли арабшунос Исматулла Абдуллаев 1994 йилда ана шу нашрдан ўзбек кириллицасига табдил этиб, ўз ҳисобидан 100 нусха нашр этди.

⁴² “Қуръон илмлари”, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тошкент, “Ҳилол-нашр”, 2017.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. “Қуръон илмлари”, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф – Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2017.
2. “Қуръоншунослик” ўқув қўлланма, А.Ғ.Абдуллаев, Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011.
3. Иброғим Ғафуров мақоласи: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 16-сони.
4. Интернет чоп этилган Шамсиддин Ёдгоров мақоласи: <https://azon.uz/content/views/hristian-dunyo-sining-quranning-tarjimala>

Қораев Шерхон
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил тадқиқотчиси
(Тошкент, Ўзбекистан)

ТАСАВВУФ ШАЙХЛАРИНИНГ РАҚСУ САМОЪ ЙИҒИНЛАРИ **(Алишер Навоий асарлари асосида)**

Темурийлар даврида (1370-1506) ҳам айрим сўфийлик тариқатларида бўлгани каби **Рақсу самоъ йиғинлари** ўтказилган. Бир сўз билан айтганда бундай йиғинларда дарвешлар рақсга тушиб, мусиқа оғушида зикр айтишган, турли шеърларни оҳанг билан ўқишган, қўшиқлар куйланган. “Тасаввуф ўз мусиқаси, тасвирий санъати, рақс санъатини ҳам яратди ва ҳатто сўфиёна театрлар пайдо бўлди. Биргина самоънинг ўзида ҳам шеърини, ҳам рақс, ҳам қўшиқ, мусиқа иштирок этади. Кўпгина самоъ мажлислари театрлашган томошага айланар эди, фақат сўфийлар ўзи эмас, атроф-жавонидеги кишилар ҳам бу томошаларни йиғилишиб кўрганлар.”⁴³

Аслида “Самоъ” сўзи арабча бўлиб, “Эшитиш” маъносини билдиради. Тасаввуфда “Самоъ” истилоҳи зикри жаҳрияни ёки зикрга оид нарсаларни эшитишга нисбатан ишлатилади. Алишер Навоий: Қомусий луғатида ёзилишича, *“Самоъ мажлиси – тариқат аҳлининг ибодат тури. Умумий маънода Ҳаққа таважжуҳни кучайтириш ва кўнгул сафоси мақсадида қуръон оятлари, ҳадис, мавъиза ва илмий маърузани тинглаш маъносига, тор маънода илоҳий ишқ тараннумидан иборат шеър, қўшиқ, ё оҳанг эшитиш тушунилади”*.⁴⁴ Бу ҳақда “Тасаввуф” китобида ҳам шундай дейилган: *“Шеър ва мусиқанинг инсон руҳига таъсир этиш кучини сезган тасаввуф шайхлари хонақоҳларидаги йиғинларда бундай фойдаланишга интиланлар. Айниқса, самоъ йиғинларини қизитишда шеър ва мусиқа жуда кўл келарди. Маълумки, жамоа-тоифа бўлиб яшаи, пир-муридлик одобини сақлаб, тонгонтар суҳбатлар қуриш, илоҳиёт асрори ҳақидаги баҳсу мунозара мусулмон Шарқининг бутун қадимий маданий марказларида қурилган кўп сонли хонақоҳ ва зовияларда тўпланган фақру фано аҳли ҳаётининг мазмунини белгиларди. Хонақоҳларда “самоъ” (арабча: эшитиш) мажлислари уюштириш, шеър ва рақс базмини ташкил этиш одат тусига киради. Хусусан, суфра – беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: сўфий учун асосий нарсa вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, самоъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблардилар.”*⁴⁵ Боязид Бистомийнинг мазкур “суфра” – беҳудлик концепциясига кўра, *“сўфий то ўзини унутиш даражасига бориб етмаса, яъни руҳий тараққий этиб, халқни, дунёни буткул эсдан чиқариб, Худо ёдида масту девона бўлмаса, фоний бўлполмайди. Шу мақсадда “суфра”чилар самоъ мажлислари уюштирганлар, жазавага тушиб, ўзларини йўқотиб,*

⁴³ Комилов Нажмиддин. “Тасаввуф”. Биринчи китоб. Т: “Ёзувчи”-1996. 156-б.

⁴⁴ Алишер Навоий. Қомусий луғат. Т: “Шарқ” НМАКБТ-2016. 498-б.

⁴⁵ Комилов Нажмиддин. “Тасаввуф”. Биринчи китоб. Т: “Ёзувчи”-1996. 159-б.

кийимларини йиртиб ташлаганлар”.⁴⁶ Дарвешларнинг зикр мажлисларида давра айланиб, жўшиб рақс тушишидан иборат бўлган важд ва солиқлар ҳолати – самоъ йиғинлари Абулқосим Бағдодий фикрича, икки хилдир: 1). Сўз (Қуръон оятлари ва шеърлар) тингламоқ. 2). Куй (қўшиқ) тингламоқ. Самоънинг биринчи хилида бирор сўз (Қуръон оятлари, шеърлар) тингланиб, ундан ибрат ва сабоқ олинган. Лекин бундай самоъга фақат поклик ва қалб ҳузури билан эришилган. Иккинчи хил самоъга келсак, тасаввуф тарихининг илк босқичидаёқ мусиқа руҳнинг ғизоси ва ризқи сифатида эътироф этилган.⁴⁷

“Маҳбуб ул қулуб”даги қуйидаги иқтибосдан Навоий ҳам самоъни Ҳаққа етиш воситаси деб ўйлаган деган хулоса уйғонади: “Сулуқ аҳлига бир махуф ер бу манзилдурким, анда ҳам нуқсонни ҳам камол ҳосилдур. Солик бу ерда бир муҳлик оҳ била ҳам мақсудга етибдур ва бир наъраи жонкоҳ била йиллар қозғонғони ҳам илғидин кетибдур.

Шиблий ва Нурий(қуддисса сирриҳумо) самоъда кеттилар ва бу ўй сулуки била мақсуд сарманзилига еттилар. Басо аҳлуллоҳки, арганун унидин дайрға кирди ва дин ва ислом нақдин муғбачаларга бой берди”.⁴⁸ Навоийнинг фикрича, бу хатарли манзилда, яъни самоъ орқали ҳақиқат аҳли камол топиб, муроди ҳосил бўлиши ҳеч гап эмас. Азизиддин Насафий “самоъ йиғинларида солиқларнинг айримларига ҳоллар юзланади ва бу ҳоллардан улар кўп фойдалар ва кушойишлар топарлар” дейди. Бироқ сулуқ аҳли учун йиғинда бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Ҳаззолий бу ҳақда шундай деган: “Тоифаи сўфийларки, самоъ қилибдурлар, олами ғайбдан аҳволи латиф рўй бериб, самоъ савобидан кашфи ҳолат воқеъ бўлибдурки, ани важд(шавқу завқ ҳолати) атарлар. Диллари самоъда онча соф бўлурки, кумушни ўтға солғондек. Бу нав самоъ кўнғилда Ҳақ таоло дўстлигини зиёда қилур ва ҳамма қудуратларни зойил айлар. Чандон риёзат ва машаққатлар бирла ҳосил бўлмаган файзу футуҳот бу наъв самоъ бирла ҳосил бўлур”.⁴⁹

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”даги “Муғанний ва мутриблар” зикрида самоъ йиғинлари ҳақида тўхталгани бежиз эмас. Буни Нажмиддин Комилов шундай изоҳлаган: “Тасаввуфнинг самоъга ружуи шубҳасиз ижобий ҳодиса эди, унинг таъсирида ислом дини хуш кўрмаган санъат ривожланди. Сўфиёна базмлар бағрида кўп миқдорда истеъдодли мутриб ва муғаннийлар тарбияланди, янги-янги куй-оҳанглар яратилиб, эл орасига ёйилди. Жумладан, тожик ва ўзбек халқларининг классик шашмақоми ҳам шу заминда шаклланиб, тасаввуф мақомотининг ҳолатларини ифодалайди”.⁵⁰ Навоий “Муғаннийлар ва мутриблар зикрида” Шиблий ва Нурийларнинг самоъ йиғинларида жон таслим этганликлари ҳақида ёзар экан, бу мусиқани мазкур мажлисларда тутган беқиёс ўрнини ифодалашга ҳаракат қилган. “Маҳбуб ул-қулуб”нинг 1983 йилда Ғофур Ғулом нашриётида чоп этилган нашрининг сўзбошисида тасаввуф пешволари Абубакр Шиблий ва Абулҳусайн Нурий ўша

⁴⁶ Комилов Нажмиддин. “Тасаввуф”. Биринчи китоб. Т: “Ёзувчи”-1996. 106-б.

⁴⁷ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 17-том. Т: Фан-2001. 504-б.

⁴⁸ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т:Ғ. Ғулом номидаги АСН-1983. 30-б..

⁴⁹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимийи саодат. Т: “Адолат”-2005. 354-б.

⁵⁰ Комилов Нажмиддин. “Тасаввуф”. Биринчи китоб. Т: “Ёзувчи”-1996. 160-б.

замоннинг машхур санъаткорлари (созанда ва хонандалари)⁵¹ сифатида талқин этилган.

Алишер Навоий мансуб нақшбандийлик тариқати вакиллари самоъ мажлиси тузмаганлар, аммо инкор ҳам этишмаган. Баҳоуддин Нақшбанд (1327-1389)дан сизнинг самоъга муносабатингиз қандай деб сўрашганда, улар: “Мо ин кор накунем, вале инкор накунем” (Биз шу ишни қилмаймиз, аммо инкор ҳам этмаймиз) деб жавоб қайтарган эканлар. Афтидан Навоийнинг (“Маҳбуб ул-қулуб”даги) юқоридаги эътирофи Нақшбанд каби унинг бундай йиғинлар ўтказилишига қарши эмаслигини, ҳақиқат аҳлига ҳурматини намоён этади. Аммо, шоирнинг замондошларидан тасаввуф шайхлари Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кусуи Жомий, Мавлоно Муҳаммад Тободгоний, Хожа Абдулазиз Жомийлар самоъ йиғинларини сайру сулукнинг таркибий қисми деб ёндошганлар. Бундан ташқари Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” рисоласида яқин кишиларидан бири Паҳлавон Муҳаммад хонадонида подшоҳзодалар суҳбат қурганини, у эса созандалар ва ғўяндаларга буюриб, “самоъ ва рақс” қилгани зикр этилган. Балки мазкур алломаларнинг таъсири ўлароқ, Навоий самоъ мажлисларида иштирок этган ёки унинг ҳузурида ҳам ана шундай кечалар ташкил этилгандир. “Насойим ул-муҳаббат”да Навоий замондоши Мавлоно Муҳаммад Табодгоний самоъ йиғинларини қайд этиб, шундай деган: “...Хотирлари майли яхши ун била самоъга кўп мойил эрди ва Мавлоно созу хонандалигдин бот муассир бўлиб, самоъга кўпорлар эрди ва беҳол бўлурлар эрди ва мажлис ҳузурига ғариб асар қилур эрди”.⁵² Шоир “Мажолис ун-нафоис”да ҳам Табодгонийнинг самоъ мажлисларига яна бир бор тўхталиб: “Ҳар қачон самоъга кирса эрди, бовужуди улким, усул қодаси била ҳаракоти мувофиқ эрмас эрди, аммо халойиққа андоқ асар қилурким, кўп эл йиғлар эрдилар”,⁵³ дейди. Яъни Муҳаммад Табодгоний самоъ рақсига алоҳида аҳамият қаратган. У қўшиғу куйдан таъсирланиб, самоъга берилганида одамлар йиғлашга тушганлар. *Муҳаммад Табодгоний вафотидан кейин Ҳиротда (Хиёбонда), дафн қилинган жойининг жанубида Навоий бир хонақоҳ солдирган. Табодгонийнинг ўғли ва халифаси Мавлоно Ҳамидиддин хонақоҳда тоат ва ибодат билан машғул бўлган. Унинг ҳузурида дарвешлар хилват, узлат ва самоъ амалларини адо этишган.*⁵⁴ Навоийнинг замондоши, тасаввуф шайхи Мавлоно Алоуддин (1426-1487) ҳам ваъз ва **самоъ мажлисларига** кўп аҳамият қаратган.⁵⁵ Шунингдек, Навоий Абдулазиз Жомийнинг самоъдаги ҳолатини ўзи гувоҳ бўлгандек “...самоъ мажлисида азим сайҳалар уруб, беҳуд бўлур эрдилар”,⁵⁶деб тасвирлаган. Яна шуни айтиш лозимки, Навоий қошида сўфийлар йиғилиб, самоъ йиғилиши ўтказганини Бобур “Бобурнома”да

⁵¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т: Ғ. Ғулом номидаги АСН-1983. 6-б.

⁵² Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т:Ғ. Ғулом номидаги НМИУ-2012. 446-447-б.

⁵³ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ. Ғулом номидаги НМИУ-2012.310-б.

⁵⁴ Алишер Навоий. Қомусий луғат. Т: Шарқ НМАК БТ-2016. 305-б.

⁵⁵ Алишер Навоий. Қомусий луғат. Т: Шарқ НМАК БТ-2016. 270-б.

⁵⁶ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т:Ғ. Ғулом номидаги НМИУ-2012. 446-б.

эътироф этган. Бинобарин Бобур Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий ҳақида тўхталар экан, бундай *мутасаввуфлар Алишербек қошида йиғилиб, ваяд ва самоъ қилганлигини қайд этган*.⁵⁷ Бу биринчидан.

Иккинчидан, самоъ йиғинларида зикрга тушишдан ташқари, дарвешлар Навоий ғазалларини шавқ ва завқ билан ўқишган. Фикримизни Хондамир “Ҳеч қандай такаллуфсиз ва лофсиз айтиш мумкинки, бир оз вақт ичида (Навоийнинг) юсак санъаткорлик билан яратилган, жозибали байтлар, гўзаллик ва усталлик билан безалган тизмалар зийнатининг шуҳрати шундай даражага етдики, Араб ва Ажам мамлакатларининг атрофидаги гўшанишин дарвешлар ҳам олий ҳазрат(Навоий)нинг шавқли шеърларининг ҳавасидан умрларини ўтқариб, уни жуда қўп ҳаракатлар қилиб излаш учун югурадилар”,⁵⁸ деган сўзлари ҳам тасдиқлайди. Ҳолбуки Навоийнинг ўзи ҳам “Бадоеъул-бидоя” дебوحасида халқ (харобат аҳли, дарвешлар-муаллиф) унинг етти иқлимга машҳур шеърларини ўқиб, жон фидо қилишига урғу берган:

Кўнглимда не маъни ўлса эрди пайдо,

Тил айлар эди назм либосида адо.

Ул назмга жонин қилибон халқ фидо,

Солурлар эди гардунга садо.

Бу вайрон табъни байт этса мастур,

Тутуб шуҳрат, нечукким байти маъмур.

Харобат ичра пайдоу ниҳони,

Ул эрди халқнинг рутбал-лисони.

Йўқким, харобат дард нўшлари, балки муножот хирқаўшлари ва демайким авом арозили, балки хавос афозилининг тилларига жорий ва кўнглиларига корий тушар эрди. Ул замоннинг каримул-хулқ озодалари, балки азимуш-шаън шаҳзодалари илтифотига мушарраф бўлур эрди⁵⁹.

Шоир ғазалларидан бирида унинг сўфиёна – ишқий шеърлари Қуръон оятларидек поклигини, шунга кўра, ишқ аҳли–дарвешлар бу назмий дурдоналарни жон-дилдан севиб қуйлаётганликларини айтади:

То тузди Навоий ояти ишқ,

Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.⁶⁰

Учинчидан, нафақат дарвешлар шоирнинг самоъ йиғинларида ўқиладиган, тасаввуфна ғазалларини излаганлар, балки йиғинларда Навоий шеърларини ўқиб, ақл-хушдан жудо бўлганликлари “Ҳайрат ул-аброр”да қуйдагича тасвирланган:

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,

Чекса Навоий сўзидин бир ғазал.

Ким анга алфоз ўлуб оташ фишон,

Берса улус кўнглига мунгдин нишон.

Базмда ул лаҳза алолони кўр,

Кўйи харобот аро ғавғони кўр.

⁵⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т: Юлдузча-1990. 159-б.

⁵⁸ Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т: Ғ. Фулом номидаги НМИУ-2015. 45-б.

⁵⁹ Алишер Навоий. Асарлар. Тўртинчи том. Т: Бадиий адабиёт нашриёти-1965. 456-457-б.

⁶⁰ Алишер Навоий. Асарлар. Тўртинчи том. Т: Бадиий адабиёт нашриёти-1965. 470-б.

**Кўрки нечукдур ёқа чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.⁶¹**

Садриддин Айний ушбу мисраларга шундай изоҳ берган: “*Ҳар қандай яхши созанда қанча яхши чолсаю, (ашула айтмасдан) узоқ чолса, ундан ақл аҳлига малол етади. Агар созанда машқ орасида Навоийнинг олов сочувчи ғазалларидан биронтасини ўқиса, у вақт базм(самовъ йиғини)да шавқин-сўрон қўзғалади, эшитувчилар ўз ёқаларини йиртадилар, оҳу вой билан ўзларини йўқотиб қўядилар*”.⁶² Айнийнинг изоҳи Зайниддин Восифий “Бадоеъул-вақоёеъ”сида келтирилган бир воқеий маълумот ҳам ҳамоҳангдир. Навоийнинг муосири бастакор ва шоир Хожа Абдулло Марворид Навоийнинг

**Дин офати бир муғбачайи моҳи лиқодур, майхорау бебок.
Ким ишқидин онинг ватани дайри фанодур, сармасту ёқам чок.
Ҳар туррасининг дуди вараъ белиға зуннор, мен кофири ишқи,
Ҳам юзи мажуз ўти киби шугла физодур, мен ўртанибон пок.**

мисралари билан бошланадиган мустазодига “Сармасту яқом чок” номи билан куй басталаган бўлиб, “ўша вақтларда Ҳиротда бу савт ўқилмайдиган уй йўқ эди”. Кўп халқ йиғилган бир базм(самовъ)да у ўқилганда, бутун ҳозир бўлган одамлар бу мустазоднинг, унга боғланган савтнинг чуқур, юракларни эзувчи, дилларни ғулғулага солувчи таъсирига шу қадар мафтун бўладиларки, бунинг натижасида мажлис аҳли ҳатто ёқаларини чок этадилар... Қандайдир дарин фикрда бошини куйи солиб юрган Навоий воқеа содир бўлаётган уйнинг дарчасидан бу манзарани тамомила тасодифий ўлароқ томоша қилади.⁶³ Албатта Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда, *шавқ ҳолатига тушиб, ёқа йиртиш самовъ йиғинларида дарвишларга хос одат бўлганлигидан келиб чиқсак*,⁶⁴ бундан чиқди, Навоий айнан сўфийлар йиғилган самовъни кузатишга муваффақ бўлган дейиш мумкин.

Навоий замонида унинг тасаввуфга йўғрилган шеърларига дарвешлар ўртасида талаб кучли бўлган. Сўфийлар ушбу шеърларни ўқиб, завқ-шавқ билан самовъда зикрга тушишган. Бу ҳақда “Муҳокат ул-луғатайн”да Навоий шундай дейди: “...турли-туман дурлар сочтим ва дилсўз байтларим ёлворувчилар ўртасида фитна ва ғавғо солди, базмни қизитувчи ғазалларим ишқ аҳлларига оҳу-вовайло солди”.⁶⁵ Бинобарин, “Бобурнома”даги юқоридаги қайдларга асосланиб, Навоийни самовъ йиғинларида шеър ўқиб, зикрга тушган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб тахмин қилишимиз мумкин. Албатта келгусида навоийшуносликда бу масалани ҳамда самовъ йиғинларининг Навоий ҳаётида тутган ўрнини тадқиқ этиш тақозо этилади.

⁶¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-том. Т: Фан-1991. 60-6.

⁶² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7-том. Т: Фан-1991. 355-6.

⁶³ Зайниддин Восифий. Бадоеъул-вақоёеъ. Т: Ғ. Ғуллом номидаги АСН-1979.113-6.

⁶⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ва тасаввур. Т: Ҳилол-Нашр-2016. 264-б.

⁶⁵ Алишер Навоий. “Муҳокамоту-л-луғатайн”. Т: “Академнашр” - 2017. 83-б

УДК 122/129:316.3

Прилуцька Алла Євгенівна
Національний аерокосмічний
університет ім. М.Є. Жуковського «ХАІ»
(Харків, Україна)

**СЕМІОТИКА СОЦІАЛЬНИХ КОМУНІКАЦІЙ МІСТА:
ЕТНІЧНИЙ ТА МЕНТАЛЬНИЙ АСПЕКТИ**

Анотація. Полікультурне буття міста розглядається як духовно-психологічний феномен етнічної ментальності та специфічний елемент у вертикальній структурі суспільної свідомості. Наголошується, що саме етнічна ментальність формує семіотику соціальних комунікацій міста.

Ключові слова: семіотика, ментальність, етнічна ментальність, соціальні комунікації, міська культура.

Alla Prylutska
(Kharkiv, Ukraine)

**SEMIOTICS OF SOCIAL COMMUNICATIONS OF THE CITY:
ETHNIC AND MENTAL ASPECTS**

Abstract. The multicultural existence of the city is regarded as a spiritual and psychological phenomenon of ethnic mentality and a specific element in the vertical structure of social consciousness. It is emphasized that it is ethnical mentality that forms the semiotics of social communication in the city.

Key words: semiotics, mentality, ethnic mentality, social communications, urban culture.

Актуальність. Раціоналізована сучасна цивілізація дедалі перетворює людину та її творчу сутність в «елемент» складної організаційної системи. Світ індивідуальної і колективної свідомості, поєднаний етнічною ідентифікацією, засвоюється масовою культурою. В результаті діяльність людини, її поведінка, норми мислення і пізнання регламентуються суспільною думкою, найбільш важливі аспекти якої створюються засобами масової інформації і продуктами масовізації свідомості (авторитетами, культовими фігурами). Такі загальновживані суспільні норми формуються не на основі реального досвіду людей або реального стану суспільства (політичних, моральних, національних подій тощо). Це – компоненти тієї дійсності, що набувають змісту через образи, концепції, знаки і символи, які циркулюють в культурі при формуванні найрізноманітніших точок зору на події приватного і суспільного життя.

Ступінь наукової розробки проблеми. Поняття «ментальність», вперше запроваджене до наукового обігу американським філософом Р. Емерсоном в 60-х рр. XIX ст., пізніше стали використовувати М. Пруст, Л. Леві-Брюль, М. Мосс, Й. Хейзінга, О. Шпенглер.

Реконструкція духовного світу людини сприяє усвідомленню буття етносу як такого, що пов'язується з інтеракцією різних соціокультурних світів,

комунікацією культур, націй, цивілізацій. Етнічна складова менталітету аналізується антропологією та етнологією, що вивчають народну творчість у всіх її проявах – міфологія, фольклор, побут, традиції тощо (Л. Морган, Е. Тейлор, М. Максимович).

Українські доробки щодо проблем ментальності представлені під різними кутами зору: М. Грушевський, М. Костомаров зверталися до проблеми ґенези української ментальності; Т. Шевченко, М. Гоголь, П. Куліш осмислювали менталітет народу засобами художньої рефлексії; Г. Сковорода, П. Юркевич розглядали менталітет як вияв «божественної» суті людини, кордоцентризму та софійності. В межах українського комунікаційного простору дослідженню національного менталітету в його філософських та соціальних аспектах значну увагу приділяють сучасні українські вчені В. Андрущенко, В. Лісовий, С. Грабовський, В. Горський, І. Кресіна, О. Забужко, Ю. Римаренко, М. Шульга та інші.

Але етнокультурологічний аспект феномена менталітету, зокрема менталітету мешканців великого міста, не досліджувався, чим і пояснюється інтерес до даної проблематики. Враховуючи потребу соціогуманітарного знання у визначенні проблем функціонування полісемантичних структур (якою є менталітет) на рівні сучасного інформаційного суспільства, у статті досліджується етнічний аспект менталітету.

Мета статті полягає у наступному: з'ясувати особливості впливу етнічно різнорідних культур на установки, потреби, переваги, звичаї, традиції міського населення, тобто на формування ментальних особливостей та семіотики міста.

Головною характеристикою етносу є спільність людей, поєднаних історичною пам'яттю, культурою, традицією, особливою формою їхньої життєдіяльності, певними принципами життєтворення [1]. Слід зазначити, що у формуванні етнічно-знакових атрибутів певного соціально-просторового утворення приймає участь вся спільнота. Етнос існує як стійка система, що протиставляє себе усім іншим аналогічним колективам людей за принципом «ми – не ми», «свої-чужі», «ми такі, а решта – інші».

Ментальні основи етнічної культури полягають у можливостях індивідуально-особистісного самовираження та відтворення, багатобічного розвитку вільної людської індивідуальності, у максимальному використанні людиною соціальних можливостей [2, С. 73]. Індивідуальний стиль етнічної самореалізації заснований на виявленні та реалізації національної самобутності людини, її етнічності, суб'єктивних моментів світосприйняття.

Поліетнічне буття міста виступає підставою для формування феномена етнічної свідомості як специфічного елемента у вертикальній структурі суспільної свідомості, елемента етнічної культури, що є духовно-психологічним феноменом, сукупністю поглядів, уявлень, думок, настроїв, оцінок, почуттів певної національної спільноти, етнічної індивідуальності, що вироблені у процесі їхньої діяльності, міжкультурних відносин. Вона містить у собі різноманітні духовні утворення – елементи теоретичної та побутової свідомості, етнічної та загальнолюдської свідомості, народної психології та національної ідеології, логічно послідовного, раціонального та внутрішньо суперечливого відображення людського буття. Варто мати на увазі й специфічний характер етнічної свідомості, її особливу складність, тонкість і

делікатність у порівнянні з іншими різновидами масової свідомості, зокрема свідомості мешканця мегаполісу або невеличкого райцентру, вектор ідентичності яких змінюється в процесі проживання в тому чи іншому культурному полі. Особисті нашарування людського досвіду і складають мозаїку культурних ідентичностей мешканців багатоетнічного мегаполісу.

Надзвичайна динаміка інформаційного суспільства з великими міграційними потоками веде до постійного зростання кількості жителів мегаполісу. Нові мешканці великого міста, особливо ті, що перебували в моноетнічному середовищі, мають множинну ідентифікацію і відчувають себе на кшталт Шюцогово «мандрівника», тобто на межі знаків, символів, традицій.

Шюц оперує не поняттям «культура», а поняттям «культурна модель групового життя», що є основою життя мегаполісу, куди включає цінності, інститути і системи орієнтації (етнічні – характер, звичаї; правові – закони та цивільні норми; етичні та естетичні – етикет, моду).

Досвід і враження життя, отримані в іншій культурі, завжди зберігають певне значення в інтерпретації подій [3]. Тому проблема проникнення в іншу культуру ніколи цілком не розв'язна – реальний мігрант Шюца не піднімається над культурами, а виявляється розірваним ними. На думку дослідника, лише невелике число мігрантів можуть отримати зиск зі своєї «полікультурності», процвітати в новій культурі, тоді як більшість приречена все життя відчувати свою неповноцінність. Полікультурність, що є невід'ємною характеристикою великого міста, є тим структурним елементом культурного простору, який спонукає до прагнення усвідомлення іншого, до того творчого неспокою, притаманного людині пошуку, а, отже, і культурній спільноті, вимушеній співпрацювати з іншими культурами задля збереження своєї самосвідомості.

Таким чином, ментальність, що складається з безлічі ідентичностей, є «плавильним казаном» (у термінах американської етнології) для великої кількості різних етнічних, релігійних, соціальних устремлень.

В контексті впливу ментальності на формування етнокультурного простору міста необхідно розглядати етнічну ментальність функціонально, вирізняючи її структурні елементи, через які, власне кажучи, ментальність і стає доступною для аналізу. Функціональний аспект аналізу етнічної ментальності пов'язаний з виявленням специфіки впливу останньої на духовну сферу культурної спільноти на кожній стадії формування семіосфери міста.

Звичайно, історія міста містить у собі тривалий період, протягом якого він існує тільки як матеріальний об'єкт, лише поступово накопичуючи знакові, символічні значення різних планів і тільки згодом займаючи місце в семіосфері культури. Співвідношення і взаємодія сформованої мови і тексту, що формується, і складають собою картину культурного простору міста. Ю.М. Лотман відзначає, що місто-текст є причиною і творцем своєї історії, міфології, літератури й одночасно їхнім наслідком і творінням [4, С. 3]. При цьому в кожній ланці семіотичного механізму виявляються не мертві однозначні зв'язки, а динамічні відносини, що припускають можливість вибору і певний ступінь його непередбачуваності. Це обумовлено тим, що всі процеси семіотичного будівництва здійснюються людьми, що виступають і носіями індивідуальної свідомості, і учасниками формування менталітету цілого

народу. «Кожний текст, тією чи іншою мірою, життєподібний організм. Це особливо наочно виявляється при відтворенні міста-тексту» [Там же].

Індивідуальне творення етнічно обумовлених смислів є відправною точкою побудови змісту культурного простору міста, його тексто-змісту.

Донедавна соціогуманітарні науки приділяли недостатню увагу впливові ментальностей на розвиток етнічної культури. Потрапляючи на певний «ментальний ґрунт» і сприймаючи умонастрої конкретного етносу, вже існуючі ідеї одержують етнічне забарвлення, ніби адаптуючись під запити певної етнічної спільноти. З іншого боку, у процесі духовного виробництва важливу роль грають ментальні стереотипи й установки етнічного середовища його учасників – ідеологів, учених, художників.

Тобто осмислення утворення певної етнокультурної картини міста шляхом створення культур-текстів творчою елітою є не що інше, як перетворення усвідомлених символічних зразків, що були знайдені у повсякденному житті усієї етнокультурної спільноти. Таким чином, різноманітні стилі мислення стають рівноправними творцями написання міської етнокультур-семіотики.

Отже, те, що ми традиційно вважаємо єдиним змістом духовного життя – ідеї, концепції, теорії – є лише видимою частиною «айсберга» духовного життя суспільства. «Образ світу, заданий мовою, традицією, вихованням, релігійними уявленнями, всією суспільною практикою людей, – стійке утворення, що змінюється повільно, непомітно для тих, кому цей образ світу належить» [5]. Звичайно, більшість мешканців мегаполісу є споживачами інтелектуальної і культурної інформації, яку створюють і втілюють в життя творці етнокультурного «продукту». І хоча менталітет мешканців міста не може являти собою єдиний психічний субстрат з подібними мислеформами, певна узагальнена спільність у сприйнятті малої батьківщини завжди присутня.

Однак життєвий світ певної культурної спільноти не можна зводити лише до форм культурної та етнічної свідомості. Духовне життя еволюціонує, «як життя, що включає в себе комунікацію людей, обмін інформацією, формування, задоволення певних потреб, безпосереднє спілкування» [6, С. 117]. Коди і тексти свого щоденного буття місто пише, враховуючи всі ті інформаційні поля, що проходять крізь нього.

Розглядаючи місто як особливий, унікальний просторово-часовий та аудіально-візуальний текст, ми не можемо не говорити про вплив етнічного менталітету на артефакти релігії, філософії, моралі, що складаються в певну мозаїку, створюючи особливий стиль міста. Особливі етнічні «стилі світосприймання», формують культурний простір сучасного міста, відбиваючи стан «народного духу».

Таким чином, стає зрозумілим, що однією з найбільш значних проблем є специфіка кореляцій етнічних характеристик з особливостями менталітету мегаполіса, адже інтенсивність переплетіння інформаційних потоків великого міста значним чином визначає контекст цього взаємозв'язку. Велике скупчення людей породжує безліч нашарувань. Також, можна стверджувати, що життя у мегаполісі детермінує менталітет окремої особистості. Слід підкреслити, що саме на рівні ментальності створюється типова для певного етнокультурного утворення, зокрема поліетнічного міста, «картина світу», і саме етнічний

менталітет є необхідною умовою дійсної творчої духовної роботи по створенню семіотики сучасного міста.

СПИСОК ВИКОРИСТАНИХ ДЖЕРЕЛ ТА ЛІТЕРАТУРИ:

1. Сміт Е. Національна ідентичність. Пер. з англ. П.Таращук. – Київ: Основи, 1994. – 224 с.
2. Бондаренко О. В. Пріоритети української ментальності: індивідуалізм чи колективізм? Історичні аспекти вирішення проблеми // Нова парадигма: Альманах наук. ін. Вип. 22. – Запоріжжя, 2001. – С. 70-85.
3. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис: Пер. с англ. Толстых А. В. – М.: Прогресс, 1996. – 344 с.
4. Ученые записки Тартуского государственного университета. Семиотика города и городской культуры. Петербург. Вып. 664. – Тарту, 1984. – 139 с.
5. Додонов Р. А. Этническая ментальность: опыт социально-философского исследования. – Запорожье: Тандем-У, 1998. – 192 с.
6. Веселкин Е. А. Культурная антропология США: теория и действительность // Этнологическая наука за рубежом: проблемы, поиски, решения. – М.: Наука, 1991. – С. 100.

Эватов Салимжон
Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси,
Фарғона давлат университети
(Фарғона, Ўзбекистан)

ТАСАВВУФНИНГ ОТАШИН ЖАРЧИСИ

Аннотация: *ушбу мақолада тасаввуф таълимоти ва унинг мазмун-моҳияти илмий, фалсафий нуқтаи назардан тушунтириб берилган. Шунингдек, тасаввуф таълимотининг ривожланида ислом мистицизмининг буюк вакили Мансур ал-Халложнинг олиб борган илмий қарашлари тадқиқ этилган.*

Калит сўзлар: *тасаввуф, маънавият, таълим-тарбия, ислом, маданият.*

Шарқ мусулмон дунёси халқлари маънавиятига, инсон, жамият ривожланиши муаммоларини ҳурфикрлилик, инсонпарварлик нуқтаи назаридан талқин этишга таъсир кўрсатиб келган фалсафий, диний-орифий таълимотлардан бири – тасаввуфдир. “Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир”.⁶⁶

Илм-у фан, маърифат-у маданият асрлар давомида инсоният оламининг сўнмас машъаласи бўлиб келган. Бу машъаланинг янада ёрқинроқ ва ёруғроқ шуъла сочишини таъминлаш учун тарих зарварақларидаги дурдона фикрлари ва маънавий-маърифий ғоялари билан илм-фаннинг ривожланишига ҳисса қўшган мутафаккирларимизнинг фалсафий қарашларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ёшларимиз эътиборига ҳавола этиш бугунги куннинг дозарб вазифаларидир.

Ислом мистицизмининг буюк вакили Мансур ал-Халложнинг номи мусулмон олами тарихида завқ ва шавқ, айни бир вақтда афсус ва надомат билан тилга олинади. Тасаввуф таълимотини йирик намоёндаси бўлган Абу-л-Муин ал-Хусайн ибн Мансур ал-Халложнинг ҳаёти ва таълимоти ислом дини мазмун-моҳиятида алоҳида йўналиш, янгича тариқат йўлини бошлаб берди. Бу улуг зот Эроннинг жанубида Форс вилоятининг ал-Байда аҳоли яшаш жойида 858 йилда таваллуд топган. Маълумотларга қараганда зардуштийлик тарафдори, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг сафдошларидан бир Абу Айюбнинг невараси бўлган. Болалик даврларида Мансур ал-Халлож тўқимачилар шаҳри ўша даврда савдо ва араб маданияти маркази Васитда яшаган. Мансур ал-Халложнинг отаси исломга ўтади ва ҳаёт кўриш учун маблағни жун ёки пахта тозалаш билан шуғулланган.

Мансур ал-Халлож илк ёшлик йиллариданоқ аскетизмга мойиллик кўрсатиб, Қуръоннинг бебаҳо хазинасига киришга интилади. Ўн икки ёшидаёқ Қуръоннинг ҳамма сураларини хотирасида ёдлаб-сақлаб қолган. Барча дунёвий нарсалардан қочиб, ўзига сўфий ўқувчилар орасида узтоз излайди. Уни ўқитган энг нуфузли сўфийлар ичида – Саҳл ат-Тустарий (ваф. 896 й), Амр

⁶⁶ Н. Комилов. Тасаввуф. Тошкент, 2009 й, 245-бет.

ибн Усмон ал-Маккий (ваф. 908 й), шу устозидан бўлғуси буюк сўфий Мансур ал-Халлож хирқа олган, Абу ал-Қосим ал-Жунайд (ваф. 910 й) кабилар бўлган. Биринчи ўқитувчиси Сахл ат-Тустарий, ундан кейин устози Басралик ал-Маккий бўлган. Вояга етиб Мансур ал-Халлож сўфий Абу Ёқуб ал-Актнинг Умм ал-Хусайн кизига уйланади ва унга уч ўғил ва киз ҳада қилади. Ҳаётининг бу даврида Мансур ал-Халложга ўша вақтда кенг тарқалган исмоилий-қарматийлар таълимоти таъсир кўрсатган.

Абу-л Мансур ал-Халлож Қуръондаги “Нур” тушунчасини “маърифатпарвар” маъносида шарҳлаган, шу маънода Оллоҳ ҳақида “Нурларнинг нури, қайсики ҳар ким истаги у томон йўналтирилади ва аста-секин Ўзининг нури билан Ўзининг ҳокимияти аста-секин охир оқибатда Ўзининг танҳолиги томон боради”. Мансур ал-Халлож шундай шундай баёнот беради: бошда ҳақиқатни очиб берувчи қутилмаган нур мавжуд; пешонада (кўзлар ўртасида) илоҳийлик билан суҳбат нури; қулоқда ишонч нури ва тилда – аниқлик нури; кўкракда – эътиқод нури ва бошқалар. Нурнинг ҳамма турлари бир-бирига таъсир кўрсатишлари мумкин⁶⁷.

Устози ал-Маккий (ваф. 878 й) билан тортишиб қолиб ал-Халлож Боғдод томон жўнайди. У ерда эътиборли-нуфузли олимларнинг олими Жунайд ал-Боғдодий билан танишади ва ул Мансур ал-Халложнинг охириги маънавий устози бўлиб қолади. **Мен тарихдан ўқиганман**, Хусайн ибн Мансур (ал-Халлож) экстаз кучайган вақтда Амр ибн Усмон (ал-Маккий) билан алоқани узади ва Жунайдга келади. Жунайд ундан нимага келганлигини сўрайди.

Хусайн айтади:

- Шайх билан алоқа қилмоқ учун.

Жунайд жавоб қилади:

- Мен ўзида бўлмаганлар билан алоқа қилмайман. Ўзида тартиб бўлганлар билан алоқа қиламан, Ўзида бўлмаганлар билан эмас. Сенга эса Сахл ибн Абдуллоҳ ва Амр билан қандай муносабатда бўлганинг маълум, бу сен ўзингда эмаслигингни билдиради.

Хусайн айтади:

- О шайх, хушёрлик ва сархушлик инсоннинг икки ажралмас атрибути, ўзининг Оллоҳдан “парда” билан яширинган, қачонки унинг хусусияти йўқотилмагунга қадар.

- О Мансурнинг ўғли – дейди Жунайд, - сен хушёрлик ва лаззатланиш предмети масаласида адашясан.

Биринчиси, Оллоҳга нисбатан муносабатини биринчиси инсон руҳини мўътадил ҳолати, иккинчиси чанқоқ ва жўшқин муҳаббат, уларнинг униси ҳам буниси ҳам онгли интилиш, ҳаракат вужудга келмаган. О Мансурнинг ўғли сенинг сўзларингда фаросатсизлик ва беъманиликлар бор.

Қандай бўлмасин Мансур ал-халлож Жунайд билан ҳам аразлашиб қолади. Тез орада Маккага хаж қилишга йўл олади, бир йил давомида муқаддас саройда аскетик-зоҳидлик ҳаётини бошдан кечиради. Хабар қиладиларки, Хусайн ибн Мансур (ал-Халлож) суткасига 400 марта сажда-ибодат қилган (яъни 400 ракаат намоз ўқиган бўлса керак). Унга нима учун сиз маънавий кўтарилишнинг юқори босқичида турган ҳолда ўзингизни мунчалик

⁶⁷ Қаранг: ал-Хусайн ибн Мансур ал Халладж. “Намос”, Москва, 2010, с-6

кийнайсиз, деган саволга: оғрик, дард ва лаззатланиш сизни хиссиётларингиз белгиси бўлиб ҳизмат қилади. Бепарволикни тугалланган деб аташдан, дунёвий хохишни – Оллоҳни излаш деб ҳисоблашдан сақланинг. Бу сўзлар гувоҳлик берадики, Мансур ал-халлож ўзининг зоҳидлик амалиёти давомида шундай холга тушадики, ўзини индивидуал сифатларини йўқотганини сезади ва Оллоҳ билан тўла қўшилиб кетади. Аммл бошқа сўфийлардан фарқ қилиб, ўзининг мистик ҳолатини яшира олмаган ва буни “Анал ҳақ” шаклида ифодалаган (“Мен ҳақман”) яъни ўзини Мен Худоман, деб эълон қилган. Оллоҳнинг 99 номидан бири Ал-Хаққ ҳисобланади. Унинг собиқ биринчи устозлари ундан воз кечишга шошилдилар, зеро сўфий Оллоҳ фақат танлаганларгагина очадиган сирлар билан шуғулланмаслиги керак. *(Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, аксарият сўфийлар руҳан Оллоҳ билан бирлашиб кетишга ҳаракат қилган ва бутун дунё лаззатлардан воз кечиб тилда ҳам дилида ҳам фақат Оллоҳни ёдга оладиган, яъни зикр қилувчи кимсага айланади. Қуръонда “Қалблар Оллоҳнинг зикри билар ором топур” деган оятга мувофиқ Мансур ал-Халлож ҳам ўзлигини, ўз исмини йўқотиб, кимсан? деган саволга қисқа ва лўнда қилиб борман холос, демоқчи бўлган. Бошқа ҳаммаси ҳеч нарса демоқчи бўлган. Аксарият унинг душманлари уни йўлдан озган, адашган деб билишади. Менимча у кучли хис-хаяжон билан айтган юқоридаги сўзлари унинг душманларига қўл келиб у Худоликни даъво қиляпти деб, ундан фойдаланишга яъни Мансур ал-Халложни жазолатишга уринишни бошлаб, охир-оқибат бунга эришишиди ҳам. С.Э)*

Мансур ал-Халлож Маккани ташлаб Ироққа қайтади. Энди у сўфий кийимини кийишдан воз кечади, оддий аскар желатини (каба) кияди, шунингдек, инсонни ва Оллоҳни якка қолиши ҳақидаги маҳфий сирни ҳам бузади. Халққа оммавий тарғибот билан мурожаат қилиб, уни тингловчиларга Оллоҳни ўз юрак-қалбидан излашни таклиф қилди, шу чиқиши учун у Халлож ал-асрор (Юрак сирларини тозалайдиган) лақабини олади. Натижада, унга дунёвий ва диний ҳокимиятларнинг муносабати яна ҳам салбий бўлиб борди, боғдодлик сўфийлар ундан узил-кесил узоқлашади.

